

**ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН
БИЗНИ ҲЕЧ КИМ
ҚАЙТАРОЛМАЙДИ**

ФЕВРАЛЬ ВОЖЕЛАРИ

1999 йил 16 февраль, Тошкент

Ф $\frac{0804000000 - 18}{M 351 (04) 99}$ - 99

ISBN 5-640-02631-6

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1999 й.

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ

1999 йил 16 февраль куни соат ўн бирга яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Натижада бинога катта зарар етди. Ён-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Шундай портлашлар шаҳардаги “Нодирабегим” кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида ўн уч киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакилларидир.

Дастлабки хулоса шуки, бу ёвузлик мамлакатимиз мустақиллигини, эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган қабих ниятли кучларнинг иши эканлиги аён. Зеро, бу хунрезлик ортидаги энг асосий мақсадлардан бири — мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаётига тажовуз қилишдан иборат бўлган. Чунки шу куни соат ўн бирда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва жорий йилдаги иш режаларига бағишланган мажлис бошланиши, унда Президент Ислом Каримов иштирок этиши кўзда тутилган эди. Шукрки, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг манфур ниятларига етолмади — Президентимиз, ҳукуматимизнинг барча аъзолари соғ-саломат, зарар кўрганни йўқ.

— Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди, — деди Президентимиз Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойда журналистларга берган интервью-

сида. — Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади — халқимизнинг тинчлигини бузиш, кўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким кўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу гоյ атрофида янада қаттиқроқ жипслашишимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вақт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислон Каримов пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ушбу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъкидлади. Йўлбошчимиз ватандошларимизни мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди. Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қилади. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юртимиздаги осойишталик, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш учун, унинг нақадар нодир неъмат эканлигига иқрор бўлиш учун айрим қўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиш керак. Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш ҳусусида тўхталиб, уни Президентга суиқасд қилишга уришиш, деб атади.

— Мени халқ сайлаган, — деди Йўлбошчимиз. — Шунинг учун мен, аввало, халқимга суянаман. Чунки халқ — катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан кўрқитиш қийин. Би-

нобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмаслигини ҳам англамоғимиз лозим.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади. Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга нисбатан янада меҳр-оқибатли бўлайлик.

— Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчитишни, уларни Ўзбекистонга сармоя ётқизишдан қайтаришни истайди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. Ҳозир ҳур фикрли, билимли ёшларнинг ислохотларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-ҳунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмақда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабих ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир.

— Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, — деди Ислом Каримов, — уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади.

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Дарҳақиқат, ваҳимага тушишга асос йўқ. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринмасин, пойтахтимизнинг, бутун мамлакатимизнинг осойишта ҳаётига раҳна сололмайди. Шаҳар транспорти, барча муассасалар ўз маромида ишлаб турибди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари содир этилган жиноятни текшириш учун тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этди. Жиноятчилар тегишли жазосини олади.

*"Халқ сўзи",
1999 йил 17 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИДАН

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этилди. Натижада 13 киши ҳалок бўлди, 128 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди, улардан 83 нафари касалхоналарга ётқизилди.

Портлатишлар шаҳарнинг турли нуқталарида, асосан Президент кортежи ўтадиган йўлларда содир этилди. Террорчилик ҳаракатлари портлатгич моддалар билан тўлдирилган турли русумдаги олтита автомашинани портлатиш воситасида амалга оширилди.

Энг катта кучга эга бўлган портлаш соат 10 дан 55 дақиқа ўтганда Мустақиллик майдонида Вазирлар Маҳкамаси биносига кираверишда амалга оширилди. Бу ерда соат 11.00 да вилоятлар, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва концертлар вакиллари иштирокида ҳукумат мажлиси бўлиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ ватандошларимизнинг оилаларига, яқин қариндошларига, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ҳамда уларнинг

бошига тушган мусибатни енгиллаштириш учун барча ишларни қилади.

Мазкур террорчилик ҳаракатларининг сабабларини текшириш учун бир неча тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этилди.

* * *

16 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Президент Ислом Каримовга қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон пойтахтида рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан ҳамдардлик изҳор этди. Ушбу террористик ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни қидириб топиш ва қўлга олиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Борис Ельцин бегуноҳ қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди.

Президент Ислом Каримовга, шунингдек, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўнғироқ қилиб, ўз ҳамдардликларини билдирдилар.

*"Халқ сўзи",
1999 йил 17 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФОЖИАЛИ ҲОДИСАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН МОТАМ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1999 йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабих ниятли кучлар томонидан террорчилик хуружлари содир этилди. Мустақиллигимизга, халқимизнинг осойишта ҳаётига, юртимиз хавфсизлигига тажовуз қилишга қаратилган бу ёвуз уриниш оқибатида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Юздан ортиқ киши жароҳатланди. Бу мусибат ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қалбига чуқур қайғу солди ва қўпоровчи кучларга нисбатан чексиз қаҳр-газаб уйғотди.

Бегуноҳ ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, қурбонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида:

1. 1999 йил 18 февраль Ўзбекистон Республикасида Мотам куни деб эълон қилинсин.

2. Мотам куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўширилсин.

3. Маданият муассасаларига, барча телерадиокомпанияларга 18 февраль куни кўнгилочар томошалар, кўрсатув ва эшиттиришларни тўхтатиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 17 февраль.

ОЗОД БЎЛСАНГ — ОЗОД БЎЛ, ЭРКИН БЎЛСАНГ — ЭРКИН БЎЛ, МУСТАҚИЛ БЎЛСАНГ — МУСТАҚИЛ БЎЛ!

1999 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига ташриф буюрди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Лекин бу ҳужжат амалда ўз ижросини топиши секин кечмоқда. Умуман, сўнгги пайтда давлатлараро имзоланган талай ҳужжатлар ижро жиҳатидан оқсаяпти. Чунки қилинган ишлар ҳозирча шартномалар талабларига тўла жавоб бермаяпти. Остонада бўладиган учрашувдан мақсад — ана шу ҳужжатларнинг самарадорлиги масаласини муҳокама қилишдир. Бошқача айтганда, биз энди қуруқ гаплардан амалий ишга, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ҳал этишга ўтишимиз керак.

Яна бир масала шуки, бугун дунёнинг кўп мамлакатларида иқтисодий инқироз рўй бермоқда. У аввалига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берди, сўнг Россия ва охириги пайтда Бразилияга кўчди. Умуман, бу инқироз ҳамма жойни қамраб олди, десак хато бўлмайди. Демак, унинг минтақамизга кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирининг олдини олиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида 1999 йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олдик. Унда бир масалага, яъни халқимизни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бердик. Илгари ҳам тақрор-

такрор айтганимдек, ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалламбор инсон учундир. Бунинг маъносини чуқур англаш керак. Биз ислоҳотларнинг биринчи босқичидан ўтдик — тараққиёт пойдеворини барпо этдик. Энди ислоҳотларнинг бевосита халқ ҳаётининг фаровонлигини оширишга қаратилган босқичини бошлашимиз зарур. Масалан, ҳозир кўплаб корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг экспортбоплиги ҳақида қайғурмайди. Улар пахта, олтин ва бошқа бойликларимиз эвазига келган валюта ҳисобидан техника ва технология олади. Ишлаб топган миллий валютасини конвертация қилиб берамиз. Аммо уларнинг ўзи мамлакатга валюта келтириш ҳақида ўйламайди. Бу ҳам бир жиҳатдан ўша — боқимандалик асорати билан боғлиқ.

Остона учрашувида давлатларимиз ўртасидаги бир қанча муаммоларни, жумладан, нарх-наво масаласини ҳам кўтариш ниятидаман. Ўзингиз ўйланг, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Қозогистоннинг Чимкент вилоятлари биз билан бевосита чегарадош. Улар билан қўшни бўлган вилоятларимизда нарх-наво бу мамлакатлардагига нисбатан бир мунча паст. Бозор қонунлари шундайки, мол нарх-наво юқори бўлган ҳудудга қараб оқади. Яъни озиқ-овқатнинг баҳоси қўшниларимизда анча юқори бўлгани сабабли биздаги озиқ-овқат маҳсулотлари у томонга оқиб кетмоқда. Ҳар қанча божхона постлари очган билан бу оқимни бутунлай тўсишнинг иложи йўқ. Мисол учун, устига “бензин” деб ёзилган цистернани текшириб кўрсангиз, ичидан пахта ёғи чиқади. Айтмоқчиманки, контрабандачилар молни ўтказишнинг минг хил йўлини топади. Шу боис биз ҳам нархларни оширишга мажбур бўламиз. Шундай қилмасак, чўнтакда пул бўлади-ю, сотиб оладиган маҳсулот бўлмайди. Халқимиз бундай “ўйин”ларга токайгача чидайди? Яқинда чегара қўшинларини ташкил этишга қарор қилдик. Чегарани мустаҳкамлашдан мақсад нима? Гап шундаки, айрим давлат раҳбарлари мустақилмиз, суверен давлатмиз, деб гапирадия, амалда бошқача бўлиб чиқмоқда. Давлатлараро қатновлар, борди-кел-

дилар илгариги йўсинда давом этмоқда. Масалан, биргина Ўшдан Андижонга кунига беш минг киши келиб кетади. Улар қайтишда икки буханкадан нон олиб кетса, шунинг ўзи қанча бўлади? Четдан келадиган айрим автобус йўналишларини ёпиб қўйганимизда, қўшниларимиздан эътироз эшитдик. Биз дўст бўлишга тайёرمىз, албатта. Зеро, динимиз, тилимиз, дилимиз муштарак. Лекин, бу дўстлик қандайдир халқаро қоидаларга асосланиши керак эмасми? Халқимизда “ҳисобли дўст айрилмас”, деган мақол бор. Давлатлараро муносабатларни шундан келиб чиқиб ўрнатсак, дўстлигимиз чинданам абадий бўлади.

Сўнг Президент Ислон Каримов 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган фожиали воқеалар хусусида тўхталди.

– Бу воқеа натижасида бир неча инсон ҳалок бўлди. Нима учун бу қўпоровчилар бегуноҳ одамлар ҳаётига қасд қилди? Улар бегуноҳ одамни ўлдириш катта гуноҳ эканини, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бундай ёвузлик учун жазо муқаррарлигини билмайдими?!

Кишини ранжитадиган жойи шундаки, бўлиб ўтган бу воқеани айрим хорижий матбуот вакиллари ўзича талқин қилмоқда. Хусусан, “Сегодня” газетасининг муҳбири худди бу ерга келиб, одамлар билан гаплашгандек, фожиани ўз кўзи билан кўргандек қилиб ёзди. Ҳолбуки, бу газетанинг муҳбири Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган эмас. Россиянинг баъзи газеталари айниқса, ҳар хил уйдирма гапларни ёзмоқда. Бундай асоссиз, саёз мулоҳаза ва хулосалар замирида одамларнинг бошини айлантириш, турли бўҳтон гаплар билан фикрини чалғитиш, керак бўлса, қўрқитиш мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Яъни, сизлар биздан узоқлашаверсангиз, бундай портлашлар, фожиалар бўлаверади, деган хулосани онгимизга сингдириш. Россия армияси шу минтақада турса, бу гаплар бўлмайди, деган фикрни ўтказиш. Мақсад эса Россиянинг 201-дивизияси Тожикистонда тургани каби, бошқа ҳарбий қисмларини ҳам шу минтақага жойлаштириш. Биз ҳам тушуна-

миз — улар сидқидилдан ёрдам берса, барқарорлик масаласида нафи тегиши мумкин. Лекин Россияда ҳар хил кучлар бор. Буни унутмаслик керак.

Умуман, мен қайсидир мамлакатнинг ҳарбий кучлари бу ёққа олиб келинишига, минтақамизда бегона ҳарбий куч ўрнашиб олишига қаршиман. Мен буни фақат бугунни ўйлаётганимдан эмас, балки келажак авлод тақдирини ўйлаб айтаяпман. Бошқача айтганда, **озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл! Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл!** Мустақиллигимиз йўлида мен жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман. Иймоним комилки, етти йил мобайнида ортимизда мана шундай азму қарор билан яшайдиган бутун бир авлод етишиб чиқди. Шундай экан, бизнинг маслагимизни, гоямизни енга оладиган куч йўқ.

Бугунги қийинчиликлар — албатта ўткинчи. Мен шунга аминман: ўзбек халқини бундай қийинчиликлар билан кўрқитиб, ўз йўлидан ортга қайтариб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов Остона учрашуви якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллариининг саволларига жавоб қайтарди. Хусусан, “Озодлик” радиоси муҳбири Султон Оқкулоннинг, Тошкентда юз берган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги Коллектив Хавфсизлик шартномасидан чиқиши тўғрисидаги фикрлар билан боғлиқ эмасмикан, деган саволига жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Мен 16 февраль куни Тошкентда юз берган террорчилик хуружи ҳақидаги жавобни уч қисмга бўлган бўлар эдим. Биринчидан, бу террорчилик ҳаракати, энг аввало, гарчи бу иборани ишлатишни истамасам ҳам, айтишим керакки, Президентни йўқ қилишга қаратилган эди. Тошкентда олти жойда портлаш содир бўлди, бироқ уларнинг биттаси детонация оқибатида юз берган. Мен бу гапни асосли манбаларга таяниб айтаяпман. Хуллас, бешта портлаш бўлган. Портловчи модда жойланган бешта машина портлатилган. Ўта кучли портлаш зарбидан яқинроқда турган олтинчи машина ҳам порт-

лаб кетган. Энг кучли портлаш Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида, аниқроғи, бинонинг кираверишига яқин жойда содир этилган.

Айримлар ўз кўзи билан ёки телевизор орқали кўрган бўлиши мумкин, олти қаватли мазкур иморат жуда мустаҳкам қурилган. Асосий ва энг кучли портлаш айнан шу ерда юз берди. Олтмишинчи йилларда ишлаб чиқарилган эски ГАЗ-21 машинаси соат ўн минути кам ўн бирда Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнига келган. Бу ерда уни тўхтатишган. Ундан икки йигит чиқиб, гўё машина бузилиб қолгандай, юкхонани очган ва кутилмаганда автомобилдан тез узоқлаша бошлаган. Яқинроқда турган қўриқчилар бундан шубҳаланиб, уларнинг ортидан қувган. Бу кимсалар Мустақиллик майдони марказига етганда, қўлидаги иккита автоматдан ён-атрофга ўқ ота бошлаган. Бу пайтда ҳали портлаш юз бермаган эди. Асосий портлашдан олдинроқ, икки юз метрча наридаги “Нодирабегим” кинотеатри ёнида чалғитувчи портлаш содир этилган. Умуман, асосий портлашдан ташқари барча портлашлар чалғитиш вазифасини бажарган.

Асосий портлаш мен мажлисга келадиган пайтда юз берди. Мажлис соат ўн бирга белгиланган эди. Портлаш эса мажлис бошланишидан бир неча дақиқа олдин рўй бериши мўлжалланган эди. Чунки мен ҳар гал мажлисга ўн-ўн беш дақиқа олдин етиб келаман. Бироқ шу куни, мени Аллоҳ асрадим, бироз кеч қолдим. Бу пайтда бино ёнида машина юкхонаси очиқ ҳолда турган эди. Қочаётган икки киши ҳар тарафга ўқ ота бошлаганидан кейин қўриқчилар бинонинг кираверишига яқин жойда тўхтаб қолган машинадан ҳам шубҳаланган. Бу вақтда Президент кортежи бинога яқинлашиб қолган эди. Шу пайт Вазирлар Маҳкамаси биноси томонидан Президент хавфсизлик хизматининг бошлиғи бизга қараб югуриб кела бошлади ва машиналарни тўхтатиш ҳақида ишора қилди. Машиналаримиз тўхтади. Айни шу лаҳзада портлаш юз берди. Орада 150, балки 200 метрча масофа қолган эди. Тўхтамаганимизда, биз уч-

тўрт секунд ичида ГАЗ-21 машинаси ёнига етиб боришимиз ва ўша дамда портлаш юз бериши аниқ эди.

Экспертларнинг фикрича, барча портлашлар муайян масофадан туриб бошқарилган. Кимдир шу атрофда туриб, менинг машинам яқинлашадиган дақиқани пойлаган. Портлаш кучининг катталигидан ГАЗ-21 машинаси бўлаклари беш юз метргача отилиб кетган. Бўлган воқеа шу.

Биз портловчи модда йиғилган ва суиқасдга тайёргарлик кўрилган жойни ҳам аниқладик. Охирги портлаш шу ерда, жиноятчилар томонидан ижарага олинган эски бир ҳовлида, асосий портлашдан қирқ дақиқа кейин юз берди. Шу билан улар жиноят изларини яшириш мақсадида портловчи моддалар сақланган уйни йўқ қилган.

Энди жавобнинг иккинчи қисмига келсак, ҳўш, портлашни содир этган ижрочилар ким? Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтишим мумкинки, булар диний экстремистлар бўлган. Бундай террорчилик хуружлари Исроилда ҳам, бошқа минтақаларда ҳам учраб туради. Дастлабки далил ва маълумотлар бу кимсалар мутаассиб диндорлар эканини тасдиқламоқда. Қочиб бораётган икки киши йўл-йўлакай “Оллоху Акбар!”, деб қичқирган. Балки бу ҳам чалгитиш учун айтилгандир?

Жавобнинг учинчи ва энг қийин қисми портлашларнинг ортида ким тургани ҳақида. Мен ҳозир бу ҳусусда аниқ бир нарса дейишим қийин. Чунки, бирор нарса десам, турли хил талқин ва тахминлар бошланиб, вазиятни баттар чигаллаштиради. Кераксиз шубҳалар туғилади.

Ўзбекистоннинг Коллектив Хавфсизлик шартномасидан чиқиши масаласига тўхталадиган бўлсак, мазкур шартнома 1992 йилнинг 15 апрелида Тошкентда имзоланган эди. Сўнгра унга бошқа мамлакатлар ҳам қўшилиб, тўққиз давлат мазкур шартноманинг аъзоси бўлди. Такрор айтаманки, бу шартнома ихтиёрийдир. Шартноманинг амал қилиш муддати беш йил бўлиб, ундан чиқишни ёки қолишни истаган бирор давлат шу муд-

дат ўтгандан сўнг ўз муносабатини билдириши лозим эди. Шартномани энг охирги — 1994 йили Қозогистон ратификация қилди. Шу сана шартнома кучга кирган кун ҳисобланади. Демак, 1999 йилнинг апрелида аъзо давлатлар шартномани чўзишга розилигини ёки ундан чиқишини билдириши лозим бўлади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги бизнинг ундан чиқишимиз тўғрисида Баёнот берди. Шундан кейин Россия матбуотида бу Баёнотга кескин муносабат ва нотўғри талқинлар пайдо бўла бошлади. Хусусан, “Известия” газетасининг биринчи саҳифасида “Ўзбекистон Россияга кучли зарба бермоқда” деб жар солинди. Бу билан воқеага катта урғу бериб, янги-янги баҳсларнинг пайдо бўлишига ҳаракат қилинди. Биз бу борада яна янги шубҳа-гумонлар туғилмаслиги учун берилаётган саволларни жавобсиз қолдирдик.

Масаланинг моҳиятига келсак, шуни айтиш лозимки, бу шартнома ўз самарасини бермади. Боя айтганимдек, бу шартномага собиқ СССР ҳудудидаги тўққиз давлат кирган эди. Масалан, Беларусь, Кавказорти давлатлари унга кўшилган, лекин Украина, Молдова ва Туркменистон унга аъзо эмас. Табиий равишда шундай савол туғилади: агар, Ўзбекистон ўз хавфсизлигига, чегаралари дахлсизлигига жиддий таҳдид сезгудек бўлса, шартнома аъзоларидан қайси бири унга ёрдамга келади? Биз бундай таҳдидларнинг шоҳиди бўлдик. Афғонистонда ўзаро курашаётган гуруҳлардан бири бўлган толиблар мамлакат шимолини эгаллаб, Амударё устидаги Ўзбекистон билан Афғонистонни боглайдиган кўприкка яқинлашди. Ўшанда бизга ким ёрдамга келди? Бу саволни мен, сиз — журналистларга муҳокама юритишларингиз учун беряпман, холос.

Шартноманинг ишламаётганига бундан бошқа ҳам мисоллар келтиришим мумкин. Масалан, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, бир томондан, шартнома иштирокчисимиз, дейди, иккинчи томондан эса, бирорта ҳам беларус йигити мамлакат ташқарисида жанг қилмаслигини таъкидлайди. Бу қаби бир-бирига зид

баёнотлар бериш билан шартномани мустақамлаб бўладими? Ахир, Беларусь шартноманинг энг фаол аъзоси ҳисобланади, айти вақтда унинг фуқаролари ҳеч бир ҳаракатда қатнашмас эмиш. Ҳозир жаноб Лукашенко жанубда вазият мураккаб бўлган пайтда Ўзбекистон Шартнома таркибида эди, энди эса ҳаммаёқ тинчиганидан кейин ундан чиқишни хоҳлаб қолди, демоқда.

Шундай масъулиятсиз ёндашувга эга бўлган шериклар билан тузилган шартномадан нимани кутиш мумкин?

Беларуснинг Россия билан тузаётган иттифоқи — уларнинг ички иши ва мен бунга қарши эмасман. Агар, бу мамлакатлар халқлари истаса, иттифоқ тузишсин. Бирлашишни хоҳласангиз, бирлашинг. Фақат, бошқаларни тинч қўйинг.

Лекин, ўйлаб кўринг, давлатлар мустақиллиги сақланиб турган ҳолда, қандай иттифоқ тузиш мумкин? Боз устига, ягона иқтисодий марказ, ягона сармоя маркази, ягона пул чиқарадиган банк бўлар эмиш. Хўш, у қаерда жойлашади — Минскдами, Москвадами? Жаноб Лукашенко, Минскда дейди. Яна аслида ҳали ким кимга қўшилиши ҳам маълум эмас, Беларусь Россиягами ёки Россия Беларусгами, дейди.

Ягона сармоя маркази тузиш ҳақида гапирадиган бўлсак, биз Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан бу мактабни ўтаб бўлганмиз. Биз ягона сармоя маркази нима эканлигини жуда яхши биламиз. Ягона сармоя маркази тузиладиган бўлса, фуқароларингга оддий иш ҳақи тўлаш учун ҳам марказга югуришинг керак. Бундай шароитда кредит сиёсати, молия-иқтисодий сиёсат, сармоя жойлаштириш сиёсати ҳам бир хил бўлиши лозим. Бу ягона ташқи иқтисодий сиёсат, деганидир. Нима учун бу ҳақда гапиришмаяпти, бунини тушунмаган одамларнинг туйғулари билан ўйнашишдан мақсад нима? Ягона давлат ягона сармоя марказини, бошқача айтганда, ягона банк тузишни тақозо этади.

Иқтисод ҳақида, қўшилиш ва ҳақиқий бирлашиш ҳақида гап кетганда мен фақат бир нарсани эслатишни истар эдим: бундан икки йил олдин бу борада фикр бил-

дирган таниқли публицист Отто Лацис: “Биз қарши эмасмиз, тайёрмиз, фақат Худо ҳаққи, инсонларни, халқни алдаманг”, деган эди. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, Беларусь Россияга унинг бир субъекти сифатидагина қўшилиши мумкин. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Мен бу жавобимни бироз чўзиб юборган бўлсам, узр сўрайман. Лекин ўйлайманки, бу масала шу йиғинимизда иштирок этаётган барча журналистлар учун ўта долзарб эди.

Президент Ислон Каримов журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтарди.

“Фидокор”, 1999 йил 25 февраль

ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ — МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ!

Мамлакатимиз пойтахтида 1999 йил 16 февраль куни амалга оширилган кўпоровчилик ҳаракати ҳар биримизни ҳушёрликка, бугунги осойишта ва тинч ҳаётнинг қадрига етишга, уни ҳимоя этишга чақиради. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳалок бўлганлар хотираси олдида бош эгади. Шу мудҳиш кунларда халқимизнинг жипслиги ва иродаси, келажакка, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончи яна бир бор намоён бўлди. Айни пайтда мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёни ўз маромида давом этмоқда. Портлаш оқибатида зарар кўрган бинолар таъмирланмоқда.

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамаси биносида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, кўпоровчилик оқибатида бинога жиддий зарар етказилган эди. Давлатимиз раҳбари бинони таъмирлаш лойиҳаларини кўздан кечириб, тегишли маслаҳатлар берди. Барча ишларда бинонинг мустаҳкам-

лигини ошириш, унга миллий тус бериш асосий мезон бўлиши муҳимлигини уқтирди. Бинонинг ички ва ташқи кўринишидаги ўзгаришлар, ён-атрофидаги яшил майдончалар унинг салобати ва шинамлигини ошириши зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонидаги ишларнинг бориши билан ҳам яқиндан танишди. Бугунги кунда бу ерда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Икки юзга яқин қурувчи, пардозловчи, ҳунарманд бу маънавий ёдгорлик қурилишида катта шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Йўлбошчимиз барпо этилаётган бу муқаддас қадамжо ўтганларни ёдга соладиган, уларнинг руҳи олдида бош эгишга ундайдиган, шу билан бирга, меъморий ечими билан ўзига хослик касб этадиган маскан бўлиши кераклигини алоҳида қайд этди. Президентимиз Ватан учун қурбон бўлганларнинг хотираси барҳаёт, деган ғоя майдонда ўз ифодасини топиши зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлиб, жумладан, бундай деди:

— Бу ерга келган киши Хотира майдони нима учун барпо этилгани, у ҳаётимизда қандай ўрин тутиши, инсон учун қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқ ҳис қила оладиган бўлсин. Хотира майдони — бутун халқимизнинг иродаси билан бунёд этилаётган қадамжо. Шу боис, юртимизни ўзининг муқаддас Ватани деб биладиган, Хотира деган муқаддас туйғуни қалбан ҳис этадиган ҳар бир инсон бу ишга ҳисса қўшиши керак, деб ўйлайман.

Хотира майдони халқимиз маънавиятининг юксалишига хизмат қилиши зарур. Зеро, бизга шу мусаффо ва тинч осмонни қолдирган аждоқларимиз ёди муқаддасдир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиз Тошкентда 16 февралда содир этилган воқеалар хусусида тўхталиб, бегу-

ноҳ қурбон бўлганларнинг хотираси олдида бош эгини барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади.

— Шундай синов, қийинчиликлар пайтида, бошга кулфат тушганда, одамзод иродасининг, иймонининг мустаҳкамлиги, ҳаётга, ён-атрофдагиларга муносабати намоён бўлади, — деди жумладан Президентимиз. — Шу жиҳатдан халқимизга мустаҳкам иродаси, ҳамжиҳатлиги, амалга ошираётган ишларимизга юксак ишончи учун таъзим қилсак арзийди.

Ўтган мусибатли кунларда ваҳима ва парокандаликка тушмаган, ўзининг кучли иродасини кўрсатган халқимиздан жуда миннатдорман, деди Йўлбошчимиз. Бундай халқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигига, у ўз фарзандларини ёвуз кучларга бериб қўймаслигига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Энди сезгир ва ҳушёр бўлишимиз керак, дея таъкидлади Президент. Атрофимиздаги ва орамиздаги ғанимларимизни таниб олиш, бизга ким душману ким дўстлигини яна бир бор англаб етишимиз зарур.

Бир пайтлар: «Энг катта орзуингиз нима?» деб сўраганида, «Менга ишонган халқимни доим омон кўриш», деб жавоб берган эдим. Бу гапимни бугун яна такрорлашим мумкин. Зеро, энг катта бойлигимиз — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги.

*"Халқ сўзи".
1999 йил 27 февраль*

МИННАТДОРЛИК

Шу йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй берган фожиали ҳодисалар муносабати билан менинг номимга кўплаб хорижий давлатларнинг бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намояндалари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимиздан ҳамдардлик туйғулари изҳор этилган мактуб ва телеграммалар келмоқда.

Ўзбекистон бошига тушган мусибатни ўз дарди деб билган, шу оғир дамларда кўнглимизни сўраб, маънавий мадад берган узоқ-яқиндаги барча дўстларимизга халқимиз номидан, қабих ният билан уюштирилган террорчилик ҳуружи натижасида қурбон бўлган бегуноҳ инсонларнинг ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Марҳумлар хотираси олдида, уларнинг қариндош-уруғлари олдида яна бир бор бош эгиб, бу машъум фожиадан бениҳоя қайғу ва азият чекаётганимизни изҳор этаман.

Содир бўлган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатини ифодалаб, минг-минглаб хат ва телеграммалар, матбуот орқали чиқишларида ёвуз кучларнинг кирдикорларини кескин қоралаган барчамизни ҳушёр ва сергак бўлишга, истиқлолимизни кўз қорачигидек асрашга, ҳимоя қилишга, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймасликка, дўсту душманни таниб олишга даъват этиб фикр билдираётган юртдошларимизга, бутун халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

Ислом КАРИМОВ

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

*У кимларга керак бўлди? Ижрочилари кимлар?
Ташкилотчилари-чи?*

Фавкулудда ҳодисалар ҳаётга янгича кўз билан қарашни, ўтган-кетган воқеаларни мантиқ чиғиригидан ўтказишни тақозо этади. Беихтиёр инсон умри, ҳаёт мазмуни, лўнда қилиб айтганда, инсон қадр-қиммати ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Одам нима учун яшайди? **Инсон қадр-қиммати нимадан иборат?** Яшашдан мақсад нима ўзи? Фоний вужуднинг фақат моддий эҳтиёжларини қондиришми? Инсон қадр-қимматини англаш, тушуниб етиш, бир одамдай яшаб ўтиш, ўзидан ўчмас бир из, яхши ном, хотира қолдиришми?

Қадр деганда ҳаётда онгли яшайдиган одам, яъни Аллоҳ таолло ўзига ато этган иқтидор, салоҳиятни англай олган одам тушунилмайдами? Халқимизда қадр билмаснинг қадри йўқ, деган гап бор. Қадр — бу ростдан ҳам ҳаёт мазмунини англаб етиш, илгари фақат орзу-армон бўлган, бугун эса реалликка айланган воқеликни тўғри идрок этиш, ҳаётдаги ўз мақсадларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш учун курашиш дегани эмасми? Нега бўлмаса одам қадри топталса, гўё юрагига найза санчилгандек безовта бўлади. Бу унинг ҳаётдан кўзлаган мақсадларига тажовуз қилингани учун эмасми?

Инсон адашмаслиги, бошқаларнинг ҳар қандай гапига лаққа тушмаслиги учун, Президентимиз ибораси билан айтганда, унинг ўзида мустақил фикр, муайян ҳаётий қатъият (яъни принцип) бўлиши, ўз қадрини билиши керак. Бу қатъият инсоннинг ҳаёт маъносини англашдан келиб чиққан мақсадларига интилиши асоида шаклланади, мустаҳкамланади. **Бу қатъият инсоннинг ҳаётдан кўзлаган мақсадини, бола-чақаси, ота-она-**

си, эл-юрти, ҳаёт, табиат, жамият ва парвардигор олдидаги масъулиятини ифодалайди, жавобгарлигидан келиб чиқади.

Афсуски, бир умр яшаб, қадр нима-ю, қиммат нима-лигини билмай, ҳаёт мазмунини англамай, эзгу ғоялар учун кураш завқини туймай, мақсадга эришишнинг нашидасини сурмай ўтиб кетаётганлар қанча.

Аллоҳ-таоло ўзи азиз билган бандаларига синов юборар экан. Куръони Каримнинг Бақара сураси, 155 оятида «Албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мевачеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирон мусибат етганда «албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз» дейдиган сабрли бандаларга хушхабар беринг», дея иноят этилган.

Бошига синов тушмаган одам ҳаётнинг қадрига етмайди. Кечанинг бугундан фарқини ҳам, бугуннинг кечадан афзаллигини ҳам, эртанинг қандай келиши мумкинлигини ҳам билмайди.

Ҳаётнинг турли синовларидан эсон-омон ўтиш учун кишида инсон қадр-қимматини, ҳаёт мазмунини тушуниш орқали шаклланган мақсад ва бу мақсадга эришиш учун мустақкам ирода, сабр-тоқат ва шукроналик, фидойилик бўлиши шарт.

Ориятли одам ўз қадр-қимматини нозик ҳис этади. Қаттиқроқ тегиб тасангиз, нафсонияти оғрийди, ўзини камситилган ҳисоблайди, шаънини ҳимоя қилиш учун бел боғлайди.

Қани энди, бу ҳаётда яшаётган ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини шундай англаса, қадр-қимматини ерга урадиганлар билан курашишга ҳар доим тайёр бўлса?!

Ўйлаб кўрилса, 16 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган воқеалар тушунчаларимизга катта зарба етказгандек. Бу аслида фақат кўрқув ҳолатида рўй бериши мумкин. Одам кўрқув ҳолатига тушиб қолса, мустақил фикрлай олмайди. Тўғрироғи, мустақил фикрига эга бўлмаган одам кўрқувга, ваҳимага тушиши мумкин. Яна ҳам

тўғрироғи, иродаси сушт кишигина онгли фикрлаш, воқеаларнинг моҳиятига етишга ожизлик қилади.

Президентимиз такрор-такрор уқтириб айтганларидек: мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлардан бош мақсад — миллат сифатида ўзликни англашдир. Одамлар ҳаётни, янгиликларни онгли равишда идрок этсин. Ислоҳотлар жараёни маъқул бўлса, уларни ўз шахсий эҳтиёжи, фуқаролик бурчи сифатида қабул қилсин. Маъқул бўлмаса, майли, танқид қилсин, фикрини билдирсин, аммо амалий таклифларини айтсин, мавжуд камчиликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшсин. Акс ҳолда, ҳар қандай танқид — қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Ҳаётимизга бир назар солайлик: бундан бор-йўғи ўн йил олдин ким эдигу бугун ким бўлди! Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Тилимиз, динимиз қай аҳволга тушиб қолгани хотирамиздан кўтарилади-ми? Имом ал-Бухорий каби улуғ муҳаддисларимизнинг муқаддас қабрлари хароба тиканзор бўлиб ётганини унута оламизми? Миллий ғурур ҳақида сўз оча олармидик? Дунёда ўзбек деган халқ, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини биров билармиди?

Хукмрон мафкурага сал қовушмайдиган оддий бир гап учун халқнинг асл фарзандлари қатагон қилинган, аксарият одамлар иккиюзламачи, тилсизламалик орқасидан кун кечирган даврлар ҳали хотирамизда эскиргани йўқ.

Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, **коммунистик ақидапарастлик ҳам, диний ақидапарастлик ҳам бисота мутлақо тўғри келмайди.** Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тарихий нуқтаи назардан халқимиз табиатига ёт, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга зид. Замонавий нуқтаи назардан келиб чиқсак, **бу ҳар икки ақидапарастлик одамлар ҳаётни онгли қабул қилишларига изн бермайди, рад этади.** Аҳоли орасига парокандалик ва қутқу солади. Йўлига кирмаганларни, йўриғига юрмаганларни бадном қилиш, қўрқитиш, тазйиқ ўтказиш,

ёстиғини қуритиш ҳар икки ақидапарастлар учун ман-
фур мақсаддан бошқа нарса эмас.

Буни жафокаш халқимиз бошидан кўп ўтказди. Энг
сўнгги воқеа диний ақидапарастларнинг жирканч ба-
шарасини яна бир бор намойиш этди.

Дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистони-
мизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи
одамларнинг ҳаётни онгли идрок этишлари учун ижти-
мой-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий асослар,
шарт-шароитлар яратиб берилгани эмасми? Аслини айт-
ганда, бу чинакам демократик жамият талаби. Ўзгариш-
ларни онгли қабул қилиш — биз танлаган йўл! **Ўзга-
ришларни онгли қабул қилиш, содда қилиб айтганда, дас-
турхон тўкинлигини ҳам, камчилигини ҳам онгли идрок
этиш — бу ҳаётнинг қадрига етиш демак.** Онгли қараш,
авваламбор, ҳаётни мантиқий, яъни ақл тарозусида ид-
рок этиш. Ақл-идрок фақат инсонгагина инъом этил-
ган энг улуғ неъмат, одамзод қўлидаги энг буюк қурол
эмасми? Ақлини ишлатмаган, фикрида мантиқ бўлма-
ган одам билан баҳслашишнинг ўзи мантиқсизликдир.

Бу гапларни эслашдан муддао нима?

Келажаги буюк давлат қуряпмиз. Инсоф билан айт-
ганда, етти йилда етмиш йилда қилинмаган ишлар
қилинди. Бу мақсадларга бутун халқ кучи ва иродаси
туфайли эришилди. Президентимиз «Ўзбекистон — ке-
лажаги буюк давлат», деган шиорни айнан халқимиз
идроки, салоҳиятига ишониб ўртага ташлаганлар. Ўз-
ўзидан аёнки, энди одамларнинг ўзлари фаол бўлиш-
лари, ҳаётни онгли қабул қилишлари, жамиятдаги ўз
ўрнини аниқ белгилаб олишлари, шу тариқа мамлакат
равнақи, ҳаёт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга
интилишлари лозим. **Сирасини айтганда, халқ билан
оломон ана шу жиҳатига кўра фарқланади.** Халқ воқеа
ва ҳодисаларни онгли идрок этса, оломон кўр-кўрона
жазава таъсиридан ҳеч қачон баланд туролмаган.

16 февраль воқеаларини ана шундай қарашлардан ке-
либ-чиқиб баҳолаш керак. Мудҳиш воқеалар туфайли
беғуноҳ ҳалок бўлганларни эслаш, улар хотираси олди-

да бош эгиш бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. **Лекин асосий бурчимиз — воқеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш.** Бу тажовуз нима учун қилинди? Бу жаҳолат орқасида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсадлари нима? Бу машъум воқеа нега айнан республикамиз пойтахтида содир бўлди?

Ва ниҳоят, бу воқеалар атрофида кимлар турибди?

Уларнинг ижрочилари ўзимизнинг орамиздан чиққан, кеча сизу биз билан ёнма-ён яшаган, шу эл тузини еб, тузлиғига тупурган, оқпадар кимсалар эмасми?

Бундай хунрезликни истаган, хоҳлаган одамлар кимлар, уларнинг бу қабиҳ маънавий қиёфаси кимларга маъқул? Сиртидан сир бермасаям ичидан хайрихоҳ бўлганлар, машъум воқеани жону дили билан хоҳлаганлар, воқеа босилгач, ичини ит тимдалаганлар кимлар?

Яна бир савол кишини ўйлантиради. Бу мудҳиш тажовузнинг ташкилотчилари кимлар, огзидан олов пуркаган аждарҳонинг боши ким? Ким бу аждарҳонинг комига ўлакса ташлаб турибди? У кимнинг қўлмагидан сув ичади, кимнинг ғорида жон сақлайди, кимнинг измига юради? Озодлик йўлидан бизни ортга қайтармоқчи бўлаётганлар кимлар ўзи?

Бу саволларга жавоб топиш учун яқин ўтмишда кечган жараёнларга бир назар ташлашга тўғри келади.

Истиқлолимиз арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда «биз демократия қурамиз», деб аюҳаннос солиб, **сохта демократлар, амалпарастлар** майдонга чиқишди. Ижтимоий-сиёсий майдонда қуюндай изғиған бу кучлар халқни ўз ортидан эргаштириш учун айнан нималардан қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлган эди?

Албатта, улар анойи эмас эдилар. Шўро истибдодига нисбатан одамларнинг кайфияти, руҳиятида пайдо бўлган норозиликлардан қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Хўш, бу қуроллар айнан нималардан иборат эди?

Биринчи қурол. Улар шўро тузумидан, гдлянчилар зугуми ва десантчилар бедодликларидан, миллий ғурури

топталган халқнинг мустабид замонга бўлган норозиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишди. Хўроз уч марта қичқирсам, тонг отади, деб ўйлаганидек, сохта демократлар аюҳаннос солсак, ҳаммаёқ обод бўлади, демократия ўрнатилади, ҳокимият кўлимизга ўтади, деб ўйлашганди. Бу йўлда улар турли ўйинлардан, ҳатто қора кучлардан ҳам фойдаланишдан ор қилишмади.

Душанбега бориб Шоҳидон майдонидаги олатасирларда демократ сифатида қатнашган: «Мана, демократия!», — деб Тошкентда ҳам ана шундай ноқонуний митинглар, тартибсизликларни уюштирган ўшалар эмасмиди?

Тасаввур қилиб кўринг, ўшандай намоёишларга йўл қўйилганда, бу ғаламис кимсалар ҳокимият тепасига келганда Ўзбекистон бошига Тожикистондагига нисбатан минг карра оғир кунлар, кулфатлар, қирғинлар ёғилмасмиди?

Иккинчи қурол. Шўро даврида миллий қадриятларимиз ҳам, тилимиз ҳам, муқаддас динимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз номи, мероси ҳам топталган, таҳқирланган эди. Бу қадриятлар орасида тил алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда мана шу муаммоларни рўкач қилиб, сохта обрў топиш учун елиб югурганлар озмунча эдими? Бу шўро тузумининг ана шундай камчиликларини бор-йўғи инкор этишдан иборат жазава эди.

Бу табаррук гоёларни — энг ўткир қуролни ғаразли мақсадлар учун ишлатишга уриниш эди. Ўша пайтда чинакам заҳматкашлар бир четда қолиб, қанча-қанча дордан қочганлар Наманган, Фарғона, Хоразмда шу қуруқ инкор ҳисобига сохта обрў орттиришга интиланликларини бугун ким рад эта олади? Бугун қани ўша қуруқ инкордан нарига ўта олмаганлар? Нима каромат кўрсатишмоқда?

Учинчи қурол. Ўзбекистон Мустақиллиги, Она-Ватанимиз озодлиги. Яна ўша сохта арбоблар ва уларнинг тили-жағи ўткир гумашталари «Мустақилликни мус-

таҳқамлаш керак, асраш керак. Уни биз уддалаймиз!»
дея қанчалик жар солишмади, томоқ йиртиб ҳайқирин-
мади?!

Аслида бу ўзгаришларнинг бошида ким турди, эл-
нинг яра бўлган кўнглига ким малҳам тутди? Уни мус-
таҳқамлаш, мамлакатнинг қаддини ростлаш, жаҳон ҳам-
жамиятидаги мавқеини кўтариш, бунёдкорлик ишла-
рини амалга ошириш учун ким жон фидо қилмоқда?
Ислом Каримов эмасми?

Бундан беш-олти йил илгари Тошкентга келган одам
бугун шаҳарни таниёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Бошқа
шаҳару қишлоқларимиздаги ободончилик ишлари, қад
кўтарган иморатларимизни айтмайсизми?! Буларнинг
бошида ким турибди? Ислом Каримов эмасми?

Хўш, бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўпгина дав-
латлар, халқлар азоб чекиб зўрға кун кечираётган бир
пайтда эркин ва ўз мустақил иродаси билан яшаётган
энг обод мамлакат қайси? Ўзбекистон эмасми?

Узоқни кўзлаган, жаҳон тан олаётган, вазмин, оқилона
сиёсат олиб бораётган ким? Ислом Каримов эмасми?

МДХ давлатлари орасида дунё миқёсида энг кўп та-
шабуслар билан чиқаётган, узоқни кўра билаётган Пре-
зидент ким? Ислом Каримов эмасми?

Тўртинчи қурол. Пахта яккаҳокимлиги оқибатлари,
қишлоқ аҳолисининг ўша даврдаги турмуш даражаси.
Бу масалада ҳам сиёсат майдонида бонг уриш, сохта
обрў орттириш учун қанчадан-қанча жазавали ҳара-
катлар содир бўлмади.

Энди ўтган етти йилдаги ўзгаришларга назар солинг.
Етти йил ичида қанчадан-қанча қишлоқларимиз обод
бўлди. Етмиш йил ичида газ нима, тоза ичимлик суви
нималигини билмаган энг олис қишлоқларга ҳам бу
табиий неъматлар етиб бора бошлади. Пахта яккаҳо-
кимлигига ҳам тамомила барҳам берилди.

Самолётлар устимиздан заҳриқотил сепиб, умримиз-
га зомин бўлганлари бугун бир машъум тушга ўхшаб
қолмадимми?

Бешинчи қурол. Ўзбек номини улуғлаш, дунёга танитиш. Бу ҳақда тафсилотларга берилмай, лўндасини айтиб қўя қолайлик.

Демократия ўйинлари авжига чиққан 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида жабрдийда одамларни жунбушга келтирган сафсатабозлар, сохта арбоблар хуружидан мамлакатни асраб, миллатни маънавий инқироздан олиб чиққан, унинг қадини кўтариб, тарихи, санъати, қадимий шаҳарлари, бунёдкорлик ишлари орқали ўзбекистоннинг довуғини дунёга ёяётган ким? Ўзбекистон байроғини дунё миқёсида баланд кўтариб турган ким?

Бугун дунё Ўзбекистон салоҳиятини эътироф этмоқда, миллатимизнинг палаги тоза, жаҳоний мартабаси баланд эканлигини кўриб, билиб, ҳис қилиб турибди. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта.

Улуғ бобомиз Амир Темур довуғини қайтадан тиклаш, бугун дунёга таратиш, Бухоро ва Хива шаҳарлари тўйларининг дунё миқёсида нишонланиши ҳазилакам гапми? Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг муборак тўйлари-чи?

“Шарқ тароналари” фестивали, халқаро киноанжуманлар Ўзбекистонни етти иқлимга танитиб қолмай, халқимизнинг ўз тарихи, улуғ аждодлари, гўзал Ватани билан ҳақли равишда ифтихор қилишига асос бўлмадими?

Олтинчи қурол. Истиклолимизнинг дастлабки кунлариданоқ «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» шиори устивор вазифа қилиб қўйилди. Бош мақсадимиз инсоннинг иззатини жойига қўйиш, дея даъват этди Президент. Оила йили Оиланинг, Аёллар йили Аёлнинг, Инсон манфаатлари йили Инсоннинг улуғланишига, кадр-қимматини теран англаб етишига, ўзига ҳурмат билан қарашига, инсонга эътибор муҳити қарор топишига самарали таъсир кўрсатганлигини ҳис этмаслик, кўрмаслик мумкинми?

Еттинчи қурол. Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, кадр-қиммати демократик қонунлар асосида

кафолатланган. Демократик институтлар, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий онгни шакллантиришга хизмат қиладиган марказлар, шу жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ишлаб турибди. Ўнлаб ихтисослашган нашрлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожига хизмат қилаётир...

Шўро давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар — суд, прокуратура, ички ишлар тизими қаттол ва бешафқат жазо қуроли, одамларга тазйиқ ўтказувчи, зўравонлик қилувчи восита бўлган бўлса, бугунги кунда моҳиятан ва энг аввало фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳкамага айланиб бормоқда.

Бу ислоҳот, бу туб ўзгаришларнинг тепасида турган ким?

Бунинг учун шу халқимнинг ҳаёти бошқаларникидан кам бўлмасин, мамлакатимнинг мавқеи юксак даражаларга кўтарилсин, адолатли демократик жамият, буюк келажак асосларини, мезонларини яратайлик, деб кечани кеча — кундузни кундуз демай, умри жонини аямай фаолият кўрсатаётган миллатпарвар ким?

Ўтган етти ярим йил ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Бу ишлар тоғдай юксалиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Хўш, сохта обрў орттириш учун эҳтиросларни жунбушга келтириб, воизлик қилган, дунёга жар солиб, ўзларини “демократ” ниқобида кўрсатмоқчи бўлганлар бугун қаерларда ватангадо бўлиб юришибди? Улар инкор этиб аюҳаннос солган муаммоларнинг қайси бири бугун ҳал этилмади? Уларнинг қўлида яна қандай қурол қолди?

Тақир ерда чанг чиқарадиган бу “биродар”ларимизнинг шундай кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш учун ақли, фаросати, салоҳияти етармиди? **Ваъхонлик, бақириниш-чақириниш осон, аммо амалий иш қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.**

Буни етти ярим йил давомида кечирган ҳаётимиз, бошимиздан ўтган не-не синовлар, аччиқ-чучукларнинг ўзи исботлаб бермадимми? Албатта, барчамиз тан оламиз: ҳали муаммоларимиз оз эмас. Буни юртбошимиз очиқ айтаётир. Ўзимиз ҳам кўриб турибмиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқилса, 16 февраль воқеалари ўз-ўзидан рўй бергани йўқ. **Бу ақидапарастлар, айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси деб айтиш мумкин.**

Сохта обрў топишда устаси фаранг бўлган Муҳаммад Солиҳ, у билан бирга шаталоқ отиб юрган аламзада ватангадолар, агар виждони бўлса, бу ҳақиқатларни инкор қила оладими?

Муҳаммад Солиҳ жаноблари, айтишларича, уч марта уйланган. Бир замонлар биринчи аёлидан туғилган қизларига ҳатто алимент тўлашдан қочиб юрган бу хотинбоз ҳозир беш вақт намоз ўқир эмиш! Қариндошларига ёзган охириги хатида у: “Художўй, диний ақидага берилган болаларни Истамбулга жўнатинглар!” — деб илтимос қилибди.

“Демократ ватанпарвар”нинг бу илтимосидан бир савол туғилади: хўш, нима учун бу болалар овораи сарсон бўлиб Истамбулга бориши керак экан? Диний таълим олиш учунми? Нима, исломий маърифат ал-Бухорий ватанига нисбатан Истамбулда кучли эканми? Улар Солиҳга нега керак бўлиб қолди? Нима, улар олдига пешво чиқиб, имомлик сарупосини киймоқчими у?

Беш вақт саждага бош уриб гуноҳларини ювмоқчими? Ё ўзини чин мусулмон кўрсатиб янги қиёфага кирмоқчими? Шариатга кўра худонинг барҳақлигига мункир келган, куфрона ишларни қилиб юрган киши кофир саналмайдими? Мантиқан фикрланса, худонинг буюрганларини бажармаган киши унинг олдида осий ва жофийдир. Ахир, мусулмон кишининг мусулмон биродари қони беғуноҳ тўкилишига бош қўшиши гуноҳи кабира эмасми? Кенгроқ маънода айтганда, халқнинг хоҳиш-иродасига зид амал қилган кимсанинг динсиздан нима фарқи бор?

Шу ўринда беихтиёр ўтган йили баҳорда «мухолиф»-лардан бирининг “Озодлик” радиоси орқали айтган: мухолиф бўлган кимсалар экстремистик кучлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, деган фикри хаёлдан ўтади.

Муҳаммад Солиҳ чет элга қочиб кетиши арафасида қуролланиш ҳақида гапирса, кўпчилик «демократ» пўписа қилаяпти, деб ўйлаган эди. Таассуфки, акси бўлиб чиқди, унинг бузғунчилик фаолияти кучайса кучайдики, камаймади. Қашқадарёдан йигирмага яқин йигитни гўё ўқитиш мақсадида хорижга чақириб олди. Бу соддадил йигитларни тузоққа илинтиргач, қонли тўқнашувларга тайёрлашгани, сизларни тижоратчи қиламан деб, айримларини Чеченистонга — биродари Яндарбиев ихтиёрига юборгани, йигитлар қонли урушларда иштирок этиб, хунрезликнинг ичида дийдаси қотгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу сир очилгач, макрга учиб, алданган йигитлар, уларнинг ота-онаси, қариндош-уруғи қанчалар пушаймон бўлишгани кўпчиликка маълум.

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Лекин Солиҳдай кўрнамаклар бу ҳикматнинг маънисига ета олармиди?

Мана, энг охириги маълумотлар: Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, ўтган чоршанба куни Ҳасавюрт тумани Герзел назорат постида қуролланган ҳолда Чеченистон — Доғистон чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтаётган ўзбек миллатига мансуб уч нафар шахс қўлга олинган. Уларнинг ёнидан учта пистолет ва Ф-1 гранатаси чиққан.

Бу ҳақда Доғистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Сергей Оленченко матбуот конференциясида маълум қилди.

Қўлга олинганлар сўроқ қилинганда, улар Чеченистон ҳудудида ҳарбий тайёргарлик ўташгани маълум бўлган. Оленченко айтишича, бу Ичкерияда одамлар хуфячилик, пистирма, ҳарбий топография ва бошқа ҳарбий машғулотлардан сабоқ олиб, жанговар ҳара-

катларга тайёргарлик кўришаётгани ҳақидаги ахборотни тасдиқлайди.

Мазкур маълумотни ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари бундан бир неча ҳафта муқаддам айнан шу чегара назорат постида ушланган Ўзбекистоннинг бошқа бир фуқаросидан олган. Унинг ёнидан Чеченистон ҳудудидаги ҳарбий ўқув марказларидан бирида ўтилган ҳарбий сабоқ маърузалари топилган.

Биздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ўзида оч бўридай изғиб юриб, қўлга тушган баъзи ёлловчилар ҳам шу ва шунга ўхшаш кўплаб далилларни «сайраб» айтишмоқда.

Халқимизнинг мўмин-қобил йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантираётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жинойт сари бошлаётган, миллатнинг шаънига халқаро миқёсда иснод келтираётган Солиҳнинг, гумашталарининг муддаоси нима ўзи?

Истамбулнинг хилват бир гўшасида ўзини ваҳҳобий ҳисоблаган, Афғонистон, Тожикистонда қўлини қонга ботирган, Пешовар, Истамбул, Чеченистон, Қобул, Қандаҳорда итдай изғувчи Тоҳир Йўлдош билан оғиз-бурун ўпишиб юрганлигини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдими?

Бу хуфя учрашувлар ортида қандай мақсад яширин эканлиги маълум-ку! Шунча қилмишлардан кейин Солиҳ жанобларининг демократлиги қаёқда қолди? Миллатпарварлиги қаёқда қолди? Унинг кирдикорларини исботлайдиган етарли далиллар мавжуд ва вақти келганда ошкор қилинади.

16 февраль куни Тошкентда содир этилган хунрезликда, Президент ҳаётига суиқасдда унинг қўли йўқ деб ўйлайсизми? Тоҳир Йўлдош қабиҳларча, ҳокимиятни олгандан кейин Солиҳ бизга керак бўлади, дейди. «Демократ»нинг номи унғача халқ назаридан панада туриши, одамларнинг умрига зомин бўлган хунрезлик, разилликка аралашиб қолмаслиги, қонга булғанмаслиги керак. Ё, алҳазар!

Аллоҳ таоло инсонни ақлидан жудо этмасин экан. Ақлни олгандан кейин одамзод кўнглининг тубидаги пинҳоний ниятга эришиш учун ҳар қандай йўлдан, ҳар қандай қабихликдан қайтмайди. “Доҳий”лик касалига мубтало бўлган амалпарастлар одатда инсоният бахт-саодати ҳақида булбулигўёдай сайраб туриб, ўз мақсадига эришиш йўлида одамларни босиб-янчиб ўтаверади. Бунга иймон келтириш учун ярим умри қочоқликда ўтган «пролетариат доҳийси» ўз гумашталари қўли билан ҳокимиятга эришгач, шафқатсиз равишда дарё-дарё қон тўкканини эслаш кифоядир.

Диний ақидапарастлар хуружи воситасида “демократ доҳий” ҳам Ўзбекистон бошига қора кунларни солишни ният қилганлиги сир эмас. Февраль воқеаларида бу муттаҳамнинг қўли борлигини ошкор қилишнинг вақти-соати келади, албатта.

Мард, довюрак инсон бошига қилич келса ҳам, агар у чинакам ватанпарвар бўлса, юртини ташлаб қочиб кетмайди. Бундай қўрқоқ кимсаларгина узоқдан туриб, ўзини ботир кўрсатиши, сохта ниқоб остида эса орқадан тиф санчишдек манфур ишга қўл уриши мумкин. Доно халқ топиб айтган: нокасинг борар жойи — жаҳаннам!

Асадулла ҲАҚҲАЗАР.

*(“Халқ сўзи” газетаси,
1999 йил 27 февраль)*

**ДУНЁ
ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН
ҲАМДАРД**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Америка халқи ва мен кеча республикангиз пойтахти — Тошкент шаҳрида юз берган портлашлар ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда оғир қайғуга ботдик. Биз фожиали ҳалок бўлган кишилар оиласига чуқур таъзия билдирамыз.

Сайёрамизнинг ҳар бир бурчагида тинчликпарвар кишилар терроризмни қаттиқ қоралайди ва унга қарши курашади. Жароҳат олганларнинг барчасига уларнинг тезда соғайиб кетишини, Ўзбекистон халқига эса ўз оилам ва бутун халқим номидан йўллаётган энг эзгу тилакларимни етказишингизни сўрайман.

Камоли эҳтиром ила

*Уильям
Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма
Штатлари Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент жаноблари!

Мен Тошкентда юз берган ҳамда аҳоли ўртасида кўпгина қурбонларга сабаб бўлган қабиҳ суиқасд ҳақида ҳозиргина хабар топиб, қайғуга ботдим.

Франция аҳли бундай жиноий хатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайди ҳамда мамлакатингизда юз берган

мудҳиш жиноят туфайли уйфонган ташвиш ва қайғуга шерикдир.

Сиздан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига менинг чуқур таъзиямни ҳамда жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаб билдирган ниятларимни етказишингизни сўрайман.

Президент жаноблари, Сизга нисбатан ҳамиша юксак бўлган эҳтиромимни қабул этгайсиз.

*Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Азиз қардошим!

Тошкентда рўй берган мудҳиш воқеалар ҳақидаги хабарни эрталаб эшитдим ва қайғуга ботдим. Бу террорчилик хуружини қоралаб, Сиз Зоти олийларининг оқилона раҳбарлигингиз остида Ўзбекистондаги барқарорлик ва фаровонликка путур етмаслигига ишончим комил эканлигини яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Сиз Зоти олийларига, Ўзбекистон халқига ҳамдардлик билдираман.

*Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қадрдон дўстим!

Бўлиб ўтган воқеаларни ўзингизга хос донишмандлик, матонат билан қабул этганингизга шубҳам йўқ. Сиз пировард мақсадга эришмоқ муқаррарлигига қатъий ишонган инсонсиз. Сизни бу йўлдан қайтармоқчи

бўлганлар, хусусан, қўрқитиб қайтармоқчи бўлганлар, овора бўлишди. Мен Сизни давр ўзи олдимизга қўйган муаммоларни бутун мураккабликлари билан теран ид-рок этадиган доно, Ўзбекистоннинг истиқлол ғоясига содиқ, ватанпарвар давлат арбоби сифатида биламан ва ҳурмат қиламан. Ниятим шу: бардам бўлинг, омадин-гизни берсин!

*Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркменистон Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Тошкент шаҳрида рўй берган ёвуз террорчилик хатти-ҳаракати ҳақидаги хабарни эшитиб ташвишга тушдим, ғазабландим.

Аминманки, ушбу жинояткорона хатти-ҳаракат ташкилотчилари ва ижрочилари разил ниятларига — барқарорликни издан чиқариш, қардош Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтаришга эриша олмайдилар.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сиз билан бирга эканлигимизни, сизларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигимизни маълум қилмоқчиман.

Ўзбек халқига сабр-тоқат, бардамлик тилайман.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошларига, яқинларига ҳамдардлик билдираман.

*Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Тошкентда рўй берган террорчилик хатти-ҳаракатлари оқибатида бегуноҳ одамлар қурбон бўлгани муносабати билан Сизга чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Жаноби олийлари!

Болгар халқи террорчиликни ҳамиша қатъиян қоралаган ва бундан кейин ҳам қоралайди.

*Пётр СТОЯНОВ,
Болгария Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Тошкентда рўй берган террорчилик хатти-ҳаракати ҳақидаги хабарни эшитиб, қалбим ларзага тушди.

Азиз бошингизни ўзи паноҳида асрагани учун мен, бутун қирғиз халқи Яратганга шукроналар айтамыз.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари, яқинларига ҳамдардлик билдираман.

Қардош Ўзбекистон заминида бундай қабоҳат такрорланмаслигини Яратгандан ўтиниб сўрайман.

Муҳтарам Ислom Абдуғаниевич!

Мусибатли дамларда биз Сиз билан, ўзбек халқи билан биргамиз.

*Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Азизим Ислom Абдуғаниевич!

16 февраль куни Тошкентда рўй берган портлашлар ҳақидаги хабарни эшитиб, қаттиқ ташвишга тушдим.

Сизни ишонтириб айтаманки, Молдова Республикаси Ўзбекистонда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни, мамлакатингизда барқарорликни қарор топтиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатингизни қўллаб-қувватлайди.

Ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига менинг ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

*Сизларга тинчлик, омонлик тилаб,
Петру ЛУЧИНСКИ,
Молдова Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкент шаҳрида рўй берган портлашлар ҳақидаги хабар татаристонликларни чуқур қайғуга солди. Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши бўладиган кунда, Мустақиллик майдонида портлашлар рўй бергани жиноят ортида сиёсий мақсадлар бор, деб хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Татаристон Республикасининг барча фуқаролари ва шахсан ўз номимдан ўзбек халқига чуқур ҳамдардлик билдиришга ижозат этгайсиз. Биз Сиз билан биргамиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ҳукумати террорчилик хатти-ҳаракатидан азият чекканларга ҳар томонлама ёрдам беради, портлаш сабабларини аниқлаш, айбдорларни жинойий жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини кўради.

*Минтемир ШАЙМИЕВ,
Татаристон Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шу йил 16 февраль кuni Тошкентда портлашлар юз бериб, оқибатда бир неча кишининг ҳалок бўлганини эшитиб, ларзага тушдим. Фуқаролар урушининг барча даҳшатларини бошидан кечирган Тожикистон халқи тер-

рорчилик хатти-ҳаракатини, қандай кўринишда бўлмасин, қаердан чиққанлигидан қатъи назар, кескин қоралайди.

Бундай қўпоровчилик хатти-ҳаракатлари фақат Ўзбекистонда эмас, умуман, минтақамизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга қаратилганига шак-шубҳа йўқ.

Муҳтарам Президент, Сизга ва Сиз орқали бу ваҳшийлик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиришга ижозат бергайсиз.

*Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Мен ҳозиргина Тошкентда портлашлар бўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитдим.

Ишончим комилки, Ўзбекистонда зўравонлик авж олишига йўл қўймасликка Сизнинг куч-қудратингиз етади. Аминманки, олиб бораётган сиёсатингизни чин юракдан қўллаб-қувватлашимга шубҳа қилмайсиз.

*Борис БЕРЕЗОВСКИЙ,
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
ижрочи котиби*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент!

Мамлакатингизда рўй берган портлашлар ҳақидаги хабарни эрта тонгда катта таассуф билан эшитдим. Бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар жамики диёнатли кишилар томонидан қораланиши керак. Ньюмонт корпорация-

си раҳбарияти, ишчи-хизматчилари Ўзбекистонни чет эл сармоядорларини ҳамиша қўллаб-қувватлаган, сиёсий жиҳатдан барқарор давлат сифатида билади ва тўлиқ ишонади.

Бағри кенг, тинчликсевар ўзбек халқи яшаётган заминда мазкур террорчилик хатти-ҳаракати биринчиси ва охиргиси бўлиб қолишига аминман.

*Рональд КЕМБРИ,
“Ньюмонт Майнинг Корпорейшн”*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февралда портлаш содир этилгани тўғрисидаги хабарни эшитиб ҳайратга тушдим. Лекин Сиз Президент Жаноби Олийлари шикастланмаганлигингиз тўғрисидаги хушxabардан эса кўнглим таскин топди. Афсуски, бу портлашлар оқибатида одамлар ҳалок бўлган. Шу сабабли Сиз Жаноби Олийларидан жабрдийдаларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига менинг ҳамдардлигимни етказишингизни илтимос қиламан.

Террорчилик ҳаракати айбдорларини мен ҳеч қачон кечира олмайман. Сиз Жаноби Олийларидан бундай ёвуз ҳаракатлардан тушкунликка тушмасликни, балки Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиёти учун бутун куч-гайратингизни сафарбар этишни сўрайман.

*Кейдзо ОБУЧИ,
Япония Бош вазири*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

1999 йил 16 февралдаги террорчилик ҳаракати оқибатида Тошкент шаҳри тинч аҳолисидан айримлар ҳалок

бўлганлиги ҳақидаги хабарлар туфайли қалбимизга тушган қайғуни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига Корея Республикаси ҳукумати ва фуқаролари номидан содир бўлган фожиа туфайли ҳамдардлик изҳор қиламиз.

Бундай террорчилик ҳаракатлари такрорланмаслиги учун жиноий кучларга қарши курашни кучайтириш юзасидан барча чоралар кўрилишига ишонаман. Шунингдек, Президент Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Сизнинг раҳбарлигингизда террорчилик ҳаракати туфайли етказилган зарбани, мусибатни тез орада енгиб, бутун кучини мамлакат тараққиётига ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фаровонлигини оширишга сарфлашига ишончимизни изҳор қиламиз.

*Ким Дэ ЧЖУН,
Корея Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ҳаётингизга суиқасд қилингани тўғрисидаги хабарни эшитдим. Бу, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг Сизнинг раҳбарлигингизда гуллаб-яшнаган буюк давлат бўлиш мақсадига эришувини кўра олмайдиган кучларнинг ҳаракатидир. Мен ва Покистон халқи Сизнинг шахсан эсон-омон ва соғ бўлишингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси дўст халқининг хавфсизлиги ва равнақ топишини сўраб Аллоҳга илтижо қиламиз. Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин.

*Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислон Республикаси
Бош вазири*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни ҳаётингизга қасд қилган жиноятчилар хуружидан асраб қолгани учун Яратганга шукрона айтамиз. Уларнинг уринишлари барбод бўлди, Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асраб қолди!

Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва қардош халқингизни Сизнинг омон қолганингиз билан табриклайман ва ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлар хотираси олдида Сиз билан бирга қайғураман.

Қудратли Аллоҳ Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонлик ато қилсин!

Ассалому алайкум ва раҳмату Аллоҳ ва баракотуху!

*Жобир Ал Аҳмад Ас-САБОҲ,
Қувайт давлати амири*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февралда портлаш содир этилгани тўғрисидаги ахборотни олиб, ҳайратга тушдим. Лекин Сиз, Президент Жаноби Олийлари, жабрланмаганлигингизни билиб хотиржам бўлдим. Афсуски, бу портлашлар натижасида одамлар қурбон бўлибди ва мен Сиз, Жаноби Олийларидан жабрланганларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлигимни етказишингизни илтимос қилар эдим.

Сиз, Жаноби Олийларидан бундай разилона террорчилик ҳаракатларидан тушкунликка тушмай, бутун кучингизни Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиётига сарфарбар этишни сўрайман.

*Таро АСО,
Япония вакиллар палатаси депутати*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Кеча Тошкентда даҳшатли портлаш содир этилиб, бе-
гуноҳ фуқаролар фожиали ҳалок бўлганини эшитдим
ва чуқур қайғуга тушдим. Бу шафқатсиз ҳаракатда ҳалок
бўлган ва жароҳатланганлар оилаларига менинг ҳам-
дардлигимни етказишингизни илтимос қиламан. Улар-
нинг ҳаммаси учун Яратганга ибодат қиламан.

Сизга маълумки, бундай зўравонлик ҳаракатлари
Қўшма Штатларга нисбатан ҳам содир этилган эди. Аме-
риканинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари бу ҳара-
катларнинг сўнгги қурбонларидир. Маърифатли дунё-
да бундай хунрезликка тоқат қилиб бўлмайди. Шу вақтга
қадар Ўзбекистон мустақамлик рамзи ва бутун минта-
қада барқарорлик калити бўлиб келган эди. Бу воқеа-
лар Сизнинг миллий истиқлол ва мустақилликни мус-
тақамлаш йўлидаги фаолиятингизни, мамлакатингиз-
ни демократиялаш, тараққиёт, қонун устуворлигини
таъминлаш борасидаги қатъиятингизни ўзгартира ол-
майди деб умид қиламан.

Сизга ва халқингизга, айниқса, бу ҳодиса туфайли
жабрланган ёки сеvimли кишиларидан жудо бўлганларга
чуқур ҳамдардлигимни яна бир бор изҳор қиламан. Сизга
сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилаб, энг эзгу ис-
такларимни йўллайман.

Самимий ҳурмат билан

*Сэм БРАУНБЕК,
АҚШ сенатори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Президент,

Сизга қарши уюштирилган террорчилик ҳаракатидан
жабрланмаганлигингизни эшитиб, энгил нафас олдим.

Мен Ўзбекистондаги барқарорлик ва мустақилликни Евроосиёда халқаро осойишталикнинг энг асосий омили деб ҳисоблайман, бунга мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши истаklarимни йўллайман ва сўнгги учрашувимизни зўр мамнуният билан эслайман.

Самимий эҳтиром билан *Збигнев БЖЕЗИНСКИ,*
Стратегик ва халқаро
тадқиқотлар марказининг маслаҳатчиси,
Вашингтон, АҚШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Тошкентда юз берган даҳшатли террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни эшитиб, ларзага тушдим. Бу хуруж чоғида ярадор ва ҳалок бўлган кишиларга ачишим ва ҳамдарддигимни изҳор этишни истар эдим. Бундай ҳаракатларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, терроризмнинг барча шакллари машъум ва манфурдир.

“Доновант Энтерпрайзис” компанияси номидан Ўзбекистон халқига тинчлик, барқарорликка тезроқ қайтиш ва олға томон ҳаракат қилиш истагимни изҳор қилмоқчиман. Олға ҳаракат эса Сизнинг доимий мақсадингиздир.

Эҳтиром ва энг яхши истаklar билан

Уильям ДОНОВАНТ,
“Доновант Энтерпрайзис”
компанияси бошқаруви раиси
ва бош ижрочи директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Биз, “Боинг” компанияси ходимлари Ўзбекистон пойтахти Тошкентда яқинда содир бўлган воқеалардан қаттиқ ташвишдамиз.

Шу зўравонлик ҳаракатлари оқибатида одамлар ҳалок бўлгани муносабати билан мамлакатингизга чуқур ҳамдардлик изҳор этишни хоҳлар эдик. “Боинг” компанияси сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон билан жуда яхши муносабат ўрнатиб, тижорат авиацияси ва самолётлар ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларида ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатингиз эришган тараққиётни кўриб, қойил қолмоқдамиз ва террорчилик ҳаракатидан Сизга зарар етмаганини эшитиб жуда хурсанд бўлдик.

Шу мусибатли воқеалар муносабати билан ҳамдард-лигимни яна бир карра қабул қилгайсиз.

Самимий эҳтиром билан

*Алан МУЛАЛЛИ,
“Боинг” компанияси
тижорат самолётлари
гуруҳининг президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Сизга Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг Президенти сифатида мактуб йўллаб, 16 февралдаги ашаддий террорчилик ҳужуми муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматига ва халқига ҳамдардлигимизни изҳор қиламан. Ўзбекистоннинг миллий мотам кунинда Американинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилаётган етакчи хусусий компаниялари вакили бўлган Америка-Ўзбекистон савдо палатаси Тошкентда содир этилган ва фуқароларингизнинг ҳалок бўлишига, жа-

роҳатланишига олиб келган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди.

Сизнинг шахсий хавфсизлигингизга путур етмагани Америка-Ўзбекистон савдо палатаси директорлар кенгашига ва аъзоларига куч бағишламоқда. Пайти келганидан фойдаланиб, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси ташкилотимизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги амалий алоқаларни, дўстликни мустаҳкамлаш ишига доимий содиқлигига Сизни ишонтиради.

Жаноб Президент, шу қийин даврда Сизнинг мамлакатингиз билан бирдамлик белгиси сифатида Сиз билан учрашиш учун Америка бизнеси раҳбарлари делегациясига бош бўлиб келгуси ҳафтада Тошкентга боришни истар эдим.

Самимий тилаклар билан *Лоуренс КУРЛАНДЕР,*
Америка-Ўзбекистон савдо
палатаси президенти (АҚШ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик муносабати билан “Бэйтман” компаниялари гуруҳи номидан чуқур ҳамдардлигимни изҳор қилмоқчиман. Биз Ўзбекистон халқининг бу фожаия туфайли бошига тушган мусибатига шерикмиз.

“Бэйтман” бундан буён ҳам икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини давом эттиришига амин бўлаверинг.

Самимий эҳтиром билан *Е. МЕНДЬЮК,*
“Бэйтман Проджект
Холдингс Лимитед”нинг
Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари
бўйича вице-президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Мен Ўзбекистонда яқинда бўлган воқеаларни диққат билан кузатиб турдим ва Сизга ҳамда халқингизга ўз ҳамдардлигимни изҳор қилишим зарурлигини сездим. Бу даҳшатли воқеа оқибатида жабрланган барча кишиларнинг мусибатига биз ҳам шерикмиз. Миллий мотам кунида биз хаёлан Сизлар билан биргамиз.

“Катерпиллер” компанияси бундай террорчилик ҳаракатларини қатъий қоралайди. Президент Жаноблари, “Катерпиллер” Сиз ва Ўзбекистон Республикаси билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳаракат қилаверади, деб Сизни ишонтиришга рухсат этгайсиз. Сизнинг хавфсизлигингизга зарар етмаганини эшитиб хотиржам бўлдик.

Самимий эҳтиром билан

*Глен БАРТОН,
“Катерпиллер”
компанияси раиси
ва бош ижрочи директори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Аллоҳнинг шафқати билан ёвуз ният барбод бўлди. Буюк кишилар зиммасига катта масъулият тушади ва улар кўп хавф-хатарларга дуч келадилар. Мен Ўзбекистоннинг оддий кишилари билан мулоқотда бўламан. Халқингиз Сизни жуда севишини билишингизни истар эдим. Улар Сизни буюк даҳо ва асримизнинг Амир Темири деб биладилар.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги дўстлари Сизнинг Ўзбекистон фуқаролари эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган ислохотларингиз дастурини қўллаб-қувватламоқдалар. Сизга узоқ умр ва мамлакатингиз давлатчилигини ривожлантиришда муваффақиятлар тилаймиз.

Танлаган йўлингизда тўхтаманг, муваффақиятлар Сизга ёр бўлсин.

Самимий эҳтиром билан

*Е. Ж. МИЛЛЕР,
“Интерконтинентал”
тижорат корпуси президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Тошкентда 16 февралда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан Франкфурт-Майндаги “Дрезднер Банк АГ” қароргоҳи жамоаси номидан ва раҳбаримиз топшириғига биноан, шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз террорчиликнинг барча кўринишларини қатъиян қоралаймиз ва Сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, деб ишонтирамиз. Фожиали ҳалок бўлган ватандошларингиз оилалари ва қариндош-уруғларига ҳамдарлигимизни етказгайсиз.

Чуқур эҳтиром билан

*Норберт МАЙЕР,
“Дрезднер Банк АГ”нинг
Ўзбекистон Республикасидаги
ваколатхонаси раҳбари*

**АЛЛОҲ ТАОЛО НОМИ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ
ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум!

Сиз Жаноби Олийларининг куни кеча ёвуз мақсадларда уюштирилган суиқасддан, худога шукурки, зиён-заҳмат етмай, соғ-омон қолганингиздан қувондик. Шу

муносабат ила Сиз Жаноби Олийлари ва бутун Ўзбекистон халқини чин қалбдан қутлайман.

Шу билан бирга, бир неча бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлиши ва яраланишига олиб келган бу машъум террорчилик хатти-ҳаракатлари рўй берганидан қаттиқ таассуф ва чуқур қайғуда қолдик.

Эрон Ислом Жумҳурияти террорчилик қурбонларидан бири сифатида доимо бундай хатти-ҳаракатларни қоралаб келган.

Яна бир бор мазкур ҳодисани амалга оширган ёвуз ниятли кишиларга нисбатан ўз газаб ва нафратимни изҳор этишни лозим деб биламан.

Аллоҳ таъолодан Сиз Жаноби Олийларига соғ-саломатлик, шунингдек, ҳалок бўлганларга мағфират ва уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига сабру тоқат ҳамда мусулмон Ўзбекистон халқига тинч-фаровон ҳаёт тилайман.

*Муҳсин ПОКОЙИН,
Эрон Ислом Жумҳуриятининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Тошкентда содир этилган манфур террорчилик хуружи тўғрисидаги хабарни эшитиб, жуда қайғуга чўмдим. Афсуски, Исроил террорчилик азобини кўп тортган ва Исроил халқи тинчлик учун курашда мардона халқингизни қўллаб-қувватлайди.

Исроил ҳукумати номидан халқларимиз ўртасидаги мустақкам дўстликка кўп йиллик ишончимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Ҳозир биз ҳам худди шунга ўхшаш вазиятда — террорчилик азобини тортиб турибмиз ва мен мустақкам ҳамкорлик ёрдамида келгусидаги

бундай хуружларга қарши кураша оламиз, деб ишонаман.

Исроилга ташрифингиз чоғида биз жуда кўп ва хилма-хил мавзуларни ҳамда ҳамкорлик имкониятларини, шу жумладан ақидапарастликка қарши кураш, хавфсизлик, иқтисодий ва савдо муносабатларини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлашга доир ахборотларни айирбош қилиш, илмий, технологик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилган эдик. Энди биз ҳамкорлигимизга доир режаларни рўёбга чиқариш чораларини кўришимиз керак.

Ишончим комилки, икки томон ҳам бир-бирига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлса, халқларимиз учун порлоқ истиқболни таъминлаш йўлида мавжуд ажойиб муносабатларимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

Энг эзгу истаклар билан

*Беньямин НЕТАНЬАХУ,
Исроил бош вазири*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Кўплаб қурбонлар берилиши ва биноларга шикаст етишига сабаб бўлган террорчилик ҳаракати тўғрисидаги хабарни қайғу ва ҳаяжон билан қабул қилдим.

Сиз Жаноби Олийларига, ҳукуматингиз ва қурбон бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзиямни билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

*Нельсон МАНДЕЛА,
Жанубий Африка Республикаси
президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари, Сизнинг ҳаётингизга ва Ўзбекистон халқига суиқасд қилишга жинояткорона уриниш тўғрисидаги хабар бизни чуқур ларзага ва ҳаяжонга солди. Биз бу ёвуз террорчилик хуружини қатъиян қоралаймиз. Сизни эсон-омон асраб қолгани ва ўз паноҳига олаётгани учун Яратган эгамга шукрона айтамиз. Аллоҳдан зўравонлик қурбонларига меҳрибон бўлишни, уларга жаннатни насиб этишни ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига сабр-қаноат беришни илтижо қиламиз. Шунингдек, Аллоҳдан ярадорлар ва жабрланганлар тезроқ соғайишини сўраймиз.

Бизнинг чин қалбимиздан йўллаган самимий ва қардошларча ҳамдардликимизни қабул қилгайсиз. Сиз Жаноби Олийларига қардошларча қатъий бирдамликимизни изҳор этамиз ва Сизнинг ҳаётингизга қасд қилишга уринишни яна бир бор қоралаймиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан

*Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Давлати
президенти, Фаластин озодлик
ташкilotи ижроия қўмитаси раиси,
Фаластин миллий маъмурияти раиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Яқинда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматига ва халқига ҳамдардлик изҳор этишда рафиқам Шерон менга қўшилмоқда. Бизнинг қалбимиз қариндошлари ҳалок бўлган ёки ярадор қилинган оилалар билан биргадир ва албатта Сизнинг ва оилангизнинг хавфдан омон қолганидан хурсандмиз. Биз бу зўравонлик ҳаракатларини қоралаётган барча тинчликсевар одамларга қўшилаемиз. Бундай

хуружлар Сизни ва Ўзбекистон халқини Сизнинг энг муҳим орзуингиздан — демократик дунёвий давлат қуришдан қайтара олмаслигига аминман. Сизнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёт сари ҳаракат қилишга доир дастурларингизни ҳаминша қўллаб-қувватлашимизга амин бўлаверинг.

Сизнинг гўзал мамлакатингизга ташрифимиз ва Сиз билан учрашувларимиз тўғрисидаги жуда кўп унутылмас хотираларни ёдга олиб, самимий эҳтиром билан

*Билл АРЧЕР,
АҚШ конгресси аъзоси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Яқинда Тошкентда юз берган террорчилик хуружлари натижасида биноларнинг вайрон бўлгани, баъзи одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва жароҳатлангани боис Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига “Кинетикс Текноложии Интернешнл” корпорацияси жамоаси чуқур ҳамдардлик билдиради. Сизнинг раҳбарлигингизда муттасил ривожланиб бораётган Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида барқарорлик намунаси ва биз мазкур хуруж мамлакатингиз халқини чуқур қайғуга солганини биламиз.

Биз АҚШ ҳукумати вакилларига Ўзбекистон мамлакатимиз учун сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳаётий муҳим миллий манфаатлар мамлакати экани ҳақида доимо уқтириб келаемиз. Фуқаролар жамияти қонунига биноан яшашни истамайдиган бир гуруҳ одамлар бизнинг қўллаб-қувватлашимизни барбод этишига йўл қўя олмаймиз. “Кинетикс Текноложии Интернешнл” корпорацияси ва компанияларимиз мавжуд амалий муносабатларни давом эттириш истагини изҳор этади. Зеро, юз берган машъум ҳодиса бизни Ўзбеки-

стонда ишимизни давом эттиришдан мутлақо қайтара олмайди.

АҚШ тез-тез террорчилик ҳаракатларининг азобини тортиб турибди ва шу сабабли биз Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган қайғу ва аламларни яхши ҳис эта-миз. Шундай ваҳшиёна ҳужумга учраган бегуноҳ ки-шиларга ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Самимий эҳтиром билан

*Дэйвид Бейкер,
“Кинетикс Текноложии
Интернешнл” корпорацияси президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,
Президент жаноблари!

Мен олти йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлаш шара-фига муяссар бўлган ажойиб мамлакатингиз учун қилаёт-ган барча ишларингиз учун шахсан ўзингизга сами-мий ҳурматимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Кеча Тошкент аҳолисининг тинчлиги ва осойишта-лигини бузиб, ҳужум қилган террорчилар ўз асосий мақ-садларига эришувига йўл қўймаган Аллоҳдан ва барча кишилардан миннатдоримиз.

Кечаги кундаги кутилмаган ва шафқатсиз воқеалар бизни ларзага солди. Шу фожиалар чоғида ҳалок бўлган-лар ва жабрланганларнинг яқинларига ҳамда қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилмоқчиман. Кеча телевидение орқали намойиш этилган нутқингиз уну-тилмас таассурот қолдирди, истеъдодли давлат раҳба-рининг донолигини, одамлар тўғрисидаги самимий ғам-хўрлигини, мамлакат гуллаб-яшнаши учун ўтказилаёт-ган оқилона сиёсатни, Ўзбекистонда тинч бунёдкорлик ҳаёти душманларига ва экстремизмга қарши муросасиз эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Нутқингиз ки-

шиларга хотиржамлик бағишлади ва Ўзбекистон келажиги буюк давлат эканлигига яна бир қарра ишонтирди.

Кеча портлаш содир этилган пайтда мен Даниядан келган икки бизнесмен билан Вазирлар Маҳкамаси билан унча узоқ бўлмаган жойда музокаралар олиб бораётган эдим. Ҳозир биз Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига катта инвестициялар киритиш билан боғлиқ лойиҳалар борасида ишлаяпмиз ҳамда бугун яна музокарани давом эттириш учун Даниядан бир неча мутахассис келишини кутмоқдамиз. Сизни ишонтириб айтаманки, мазкур воқеа бизни сира чўчитгани йўқ. Сизнинг бизнесни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонингизни ҳамда Скандинавия мамлакатлари билан алоқаларни янада кенгайтириш борасидаги фикрларингиздан сўнг айниқса, ажойиб мамлакатингизнинг келажигига комил ишонч билан йўғрилган инвестиция дастурларимизни давом эттираверамиз.

Камоли эҳтиром билан

*Пол ЯН,
“Ян интернешнл” компанияси
президенти. Тошкент*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкент марказида юз берган ҳамда қурбон ва вайронгарчиликларга сабаб бўлган портлашлар ҳақидаги фожиали хабар ғазабимизни уйғотди.

Бу террорчилик ишини носоғлом кучлар мамлакатингиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишдек ғаразли мақсадда амалга оширган. Жиноятчилар ўзларининг бундай иш усуллариини сайёрамизнинг жуда кўплаб нуқталарида синовдан ўтказишган.

Афсуски, террорчилик муаммоси оламшумул маъно касб этиб бормоқда ҳамда уни жаҳон ҳамжамиятчилигининг барча аъзолари ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина ечиши мумкин.

Украина террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди ҳамда манфаатдор мамлакатларнинг бундай ҳаракатларга барҳам беришга қаратилган фаолиятида энг фаол иштирок этишга тайёр.

Украина халқи ва шахсан ўз номидан бу ёвуз фаолият курбони бўлганларнинг оила аъзоларига самимий таъзия изҳор этаман ҳамда портлашлар натижасида жароҳат кўрганларнинг тезда соғайиб кетишини тилайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мана шу оғир пайтда бардамлик тилайман. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда бундан буён ҳам ўзбек халқининг фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлида олға қараб бораверишига аминман.

Камоли эҳтиром билан

*Леонид КУЧМА,
Украина Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Биз бир гуруҳ жинойтчилар томонидан Сизнинг ҳаётингизга уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабарни ташвиш ва газаб билан кутиб олдик. Бу — тинчлик ва барқарорлик душманлари томонидан номардларча амалга оширилган манфур ҳаракатдир. Қодир ва раҳмдил Аллоҳ Сизни зиён-заҳматдан асраб қолгани ҳақидаги хабар барчамизга улкан мамнуният бахш этди.

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг вазифамиз террорчиликнинг ҳар қандай шаклига қарши курашдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сиз Жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

*Шаҳобиддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси
Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкентда юз берган даҳшатли террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда қайғуга тушдим.

Биз — исроилликлар террорчилик ҳаракати даҳшатлари билан жуда яхши танишмиз ҳамда мана шу қайғули ва огир пайтда Сиз билан биргамиз, қайғунгизга шерикмиз. Биз, шунингдек, Сизнинг бутун дунёда давлат тузуми ва тинчликнинг асосларига хавф солаётган террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Камоли эҳтиром билан

*Эзер ВЕЙЦМАН,
Исроил Давлати Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Тошкентни қайғуга солган қабиҳ суиқасд ҳақидаги хабарни чуқур изтироб билан эшитдим.

Сизни асраб қолган Аллоҳ таолога шукрлар дейман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизни ишонтириб айтманки, Жазоир халқаро ҳамжамият ва мамлакатингиз билан халқларимизнинг ҳаётини манфаатларига таҳлика солаётган террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишга тўлиқ тайёрдир.

Шунингдек, Сизга ушбу суиқасд қурбонлари учун ўзимнинг таъзиямни изҳор этаман ҳамда уларнинг оилаларига ҳамдарддигимни етказишингизни сўрайман.

*Лиамин ЗЕРУАЛ,
Жазоир Халқ Демократик
Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Сизга қарши уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабарни катта ташвиш ва ҳаяжон билан кутиб олдим. Юз берган бу жоҳилона ишдан ўзимнинг қаттиқ қаҳру ғазабга тушганлигимни билдираман ҳамда суиқасд ташкилотчилари, унинг механизм ва иштирокчилари топилиб, жиноятчилар ҳақиқий жазосини олишига қатъий ишонч изҳор этаман.

Ҳар қандай давлатдаги барқарорлик ва фаровонликка хавф солиб, унда ҳуқуқий нигилизм уруғларини сочувчи сиёсий террорчиликка қарши курашнинг самарали усулларини биргаликда ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Тангри бу жиноий ниятнинг амалга ошишига йўл қўймагани учун унга шукроналар айтиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ҳамда ўта масъул ва машаққатли фаолиятингизда бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром билан

*Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси
Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда юз берган ҳамда қурбонларга сабаб бўлган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Беларусь Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий таъзияларимни қабул этишингизни сўрайман.

Экстремистик кучларнинг Ўзбекистондаги тинч жа-раённи бузишга бўлган ҳаракатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан олди олинишига ишончим комил.

Ўзбекистон ва ўзбек халқига чин юракдан тинчлик,
равнақ ва миллий тотувлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан

*Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси
Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Республикангиз раҳбариятига қарши террорчилик ҳаракатига киришган экстремистларнинг қабиҳона иши юрагимда чуқур газаб қўзғатди. Давлатингиздаги барқарорликка путур етказиш ҳамда аҳоли ўртасида таҳлика қўзғатишга интилаётган маълум кучлар бор, албатта. Уларга Ўзбекистон Президентининг мустақил, доно сиёсати ёқмайди. Лекин улар ниятига ета олмайди ҳам. Мен бунга чуқур аминман. Сизнинг республика аҳолиси ўртасида қозонган меҳр ва обрўйингиз менга шундай ишонч бағишлайди.

*Егор СТРОЕВ,
Россия Федерал
Мажлисининг Федерация
Кенгаши Раиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкентда юз берган портлашлар Москва аҳолисининг ҳам газабини қўзғатди. Қалбларимиз у ерда берилган қурбонлар туфайли қайғуга тўла. Биз террорчиликни сиёсий курашнинг номақбул шакли сифатида қоралаймиз ҳамда мана шу оғир пайтда Ўзбекистон халқи билан биргамиз.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, давлатингиз бошига тушган бу кулфатни мардона енгиб ўтишни тилайман.

*Юрий ЛУЖКОВ,
Москва шаҳар ҳокими*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг ҳаётингизга қарши уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабар мени қаттиқ ғазабга солди. Мен бу террорчилик ишини дўст Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш, энг аввало, Сизнинг номингиз ҳамда Сизнинг доно раҳбарлигингиз ва мардона фаолиятингиз туфайли республика халқи манфаати йўлида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни ортга буриб юборишга уриниш сифатида баҳолайман.

Бошқирдистоннинг кўп миллатли халқи ва шахсан ўз номимдан республикаларимиз ўртасида ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзаро икки томонлама ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожланишидан умид билдиришга, Сизга эса сиҳат-саломатлик ҳамда Ўзбекистон Президенти лавозимидек масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Бундан кейин ҳам ана шундай жасур бўлиб қолаверинг ва ҳеч қачон ҳеч кимга бўйин эгманг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич. Мана шу оғир дамларда Бошқирдистон аҳолиси сиз билан яқдилдир.

*Муртазо РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Бугун мен Тошкентда юз берган бомба портлашлари ҳақидаги хабарни эшитиб, қаттиқ ғазаб ва ташвишга туш-

дим. Шу муносабат билан ҳалок бўлган ва жароҳат олганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдираман. Бундай ёвузлик хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланиши зарур. ЮНЕСКО ва ўз номимдан Сизга мамлакатингизда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлашимни изҳор этаман. Бугунги йўқотиш ва дардли кунларингизда биз тинчлик маданиятини ўрнатиш ва зўравонликка қарши кураш борасидаги ўз мажбуриятларимизга содиқ эканлигимизни маълум қиламан.

Камоли эҳтиром билан

*Федерико МАЙОР,
ЮНЕСКО Бош директори*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Америка халқи 16 февраль куни Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар ҳақидаги хабарни эшитиб қаттиқ қайғуга тушди. Мен ўз номимдан ҳам, ҳукуратимиз номидан ҳам Сизга Ўзбекистонда мана шундай даҳшатли воқеалар содир бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни, қурбонларнинг оила аъзоларига эса таъзияларимни изҳор этаман.

Камоли эҳтиром билан

*Жозеф ПРЕСЕЛ,
Америка Қўшма Штатларининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда ва
мухтор элчиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби олийлари,

Мана шу қайғули кунда Сизга ва Ўзбекистоннинг барча халқига ўзим ва Буюк Британия Қироличаси

Жаноби олиялари ҳукумати номидан чуқур таъзия изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳафта бошида Тошкентда юз берган воқеалардан барчамиз ларзага тушдик. Бизнинг фикр, илтижою дуоларимиз қурбонлар ҳамда ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар оилаларига қаратилган.

Британия ҳукумати қаерда юз беришидан қатъий назар, бундай хатти-ҳаракатларни кескин қоралайди.

*Барбара ХЕЙ,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия
бирлашган қиролигининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари,

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча ватандошларим қатори мен ҳам 16 февраль куни содир этилган ва ўзбек халқини қаттиқ ларзага солган ҳамда шахсан Сизга қаратилган суиқасд ҳақидаги хабарни эшитиб жуда афсусландим. Кўплаб айбсиз қурбонлар, оғир жароҳат олганлар бўлди. Уларнинг оиласи мотамда. Мен уларнинг қайғу ва изтироблари олдида бошимни эгаман.

Айни пайтда шуни айтишни ҳам лозим деб ўйлайманки, ўзбек халқининг хотиржамлиги, оғир-босиқлиги ҳамда ўз мамлакатининг келажаги йўлидаги ишларини давом эттиришдаги интилиши таҳсинга сазовор.

Мана шу мусибатли пайтда Ўзбекистондаги французлар жамоаси ва ўз номидан Сизга эҳтиромимни баён қилишни ҳамда Сиз орқали жабр тортган оилаларга таъзияларимни изҳор этишни истардим.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

*Жан-Клод РИШАР,
Франциянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Буюк шахснинг жасорати тарихнинг шундай кучи-ки, ёвузлик унга қарши зимдан туриб ҳужум қилади ва айна пайтда террорчилар бу йўлда бегуноҳ инсонлар қурбон бўлишини ҳисобга олмайди.

Жинойтчилар ўзларининг қабиҳликларидан даҳшатга тушиши даргумон, лекин шуни тасдиқлашим мумкинки, Сизнинг номингизга эса бутун дунёнинг диққат-эътибори ва бирдамлиги қаратилган.

Эҳтиром билан

Чингиз АЙТМАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизга суиқасд қилинганидан хабар топгач, қаттиқ ташвишга тушдим ва ғазабландим.

Ушбу мактуб орқали Франция корхоналари раҳбарлари номидан Сизни қўллаб-қувватлашимизни ҳамда мамлакатингизга бўлган ишончимизни тасдиқламоқчиман.

Инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган ушбу жиноий ҳаракат муносабати билан бизнинг самимий ҳамдардлигимизни қабул этгайсиз.

Жаноб Президент, Сизга бўлган буюк эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

*Кристиан МОНС,
“МЕДЕФ Интернационал”
Вице-президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Тошкентда содир бўлган мудҳиш воқеалар ҳақидаги хабар менинг қаҳру ғазабимни кўзғади. Жиноятчилар-

нинг кўплаб Ўзбекистон фуқаролари ҳамда халқ томонидан сайланган Президент ҳаётига қасд қилиб, содир этган ваҳшиёна ҳаракатларидан чуқур ғазабдаман.

Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларининг бегуноҳ қурбонлари оила аъзолари ва яқинларига менинг самимий ҳамдардлигимни етказсангиз.

Ишонтириб айтаманки, “Кейс Корпорейшн” Сизнинг ишончли ҳамкорингиз сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларига содиқ бўлиб қолади.

Сизнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлигини такомиллаштириш бўйича барча режаларингизни ҳамкорликда амалга оширишимизга ҳамда мамлакат қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлашимизга имоним комил.

Чуқур эҳтиром билан

*Ж.РОССО,
“Кейс Корпорейшн”
бошқаруви раиси ва
Бош ижрочи директори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон пойтахтида мислсиз галамислик туфайли юз берган террорчилик ҳаракатларидан ғазабландим, бу жиноятни содир этганлар энг оғир жазога лойиқдир.

Сиз орқали ушбу ёвузликдан жабр кўрганларнинг барчасига самимий ҳамдардлик билдиришимга рухсат этгайсиз. Умид қиламанки, Ўзбекистон халқи жиноятчиларнинг тегишли жазосини беради.

*Чуқур эҳтиром
ва эзгу тилаклар билан*

*Т.АНОДИНА,
Халқаро авиация қўмитаси
раиси (Россия)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Биз бугун Францияда туриб Сизга қарши террорчилик ҳаракати содир этилганидан хабар топдик.

Ушбу кечириб бўлмас жиноятдан омон қолганингиздан биз нечоғли мамнун эканимизни билдиришга руҳсат берсангиз. Сиз биз учун шу қадар нодир шахссизки, бу нафақат Сизнинг мамлакатингиз, балки бутун дунё учун ҳам муҳимдир. Биз бу дунёни Сизсиз тасаввур этолмаймиз.

Сиз амалга оширган ва ошираётган ишларингиз бу дунёда ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз бундан кейин ҳам узоқ йиллар Ўзбекистонга раҳбар бўлиб қолишингизни жуда-жуда истар эдим.

Сизга бу машаққатли йўлда йўлдош бўладиган тилакларимизни қабул қилинг.

*Чуқур эҳтиром
ва эзгу тилаклар билан*

*Мария БЕРАРД,
Креди Коммерсиаль де Франс
(Франция)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!

Яқинда Тошкентда содир бўлган портлашлар туфайли газабландим, бу туйғуга кўплаб америкаликлар шерикдир. Орамизда Ўзбекистонни яхши биладиганлар айниқса бу воқеадан жуда ларзага тушдилар. Биз юртингизни тинчлик ва осудалик тимсоли, деб биламиз.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз ҳамда осуда яшаётган халққа, тинч мамлакатга нисбатан бундай ҳаракатлар содир этадиган кучларга барҳам беришга Сизни қўллаб-қувватлашимизни

маълум қилишга рухсат бергайсиз. Сизнинг Ўзбекистонга ижтимоий осудаликни қайтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда ёрдам кўрсатишдан мамнун бўлардим.

Ҳурмат билан

*Эндерс УИМБУШ,
Америкалик олим,
жамоат арбоби*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноб Президент!

Мудҳиш террорчилик ҳаракати мени қайғуга солди, инсонлар ҳаётига зомин бўлган ушбу воқеа муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига ҳамдардлик билдираман.

Ишончим комилки, жиноятчилар қўлга олинади ва барқарорлик давом этади.

Ҳурмат билан

*Гвидо ГОЛДМАН,
“Фёрст Спринг Корпорейшн” раиси,
Гарвард университети профессори,
Ўзбекистон Бадий академиясининг
фахрий аъзоси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент!

Биз, Президентлар конференцияси номидан йўллаётган ушбу мактуб орқали, ушбу қийин пайтда Сиз билан бирдам эканлигимизни билдирмоқчимиз. Биз ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ўз ҳамдардлигимизни билдириб, Яратгандан жароҳатланганларнинг тезроқ соғайиб кетишини сўраймиз.

Террорчилик, агар у назоратсиз қолса ва кенг тарқалса, барча учун хавф туғдиради. Куни кеча юз берган тажовуз барча онгли инсонларда қаҳру ғазаб уйғотиши

лозим. Маълумингизким, биз Сиз билан ҳамда бутун Ўзбекистон халқи билан биргамиз.

Ҳурмат билан

*Мельвин ЗАЛБЕРГ,
АҚШнинг етакчи яҳудий ташкилотлари
президентлари конференцияси раиси,
Малкольм ҲОЕНЛАЙН,
раиснинг ижрочи ўринбосари*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент жаноблари,

Мен Сизга ушбу мактубни йўллар эканман, у орқали Тошкентда юз берган террорчилик ҳаракатлари натижасида 13 киши қурбон бўлгани ва 120 киши жароҳатлангани муносабати билан ҳамдардлик билдирмоқчиман. Ўзбекистон учун миллий мотам кунида қурбонлар ва уларнинг оилалари учун ибодат қиламан.

Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида қўшаётган улкан ҳиссангиз учун Сизга билдираётган миннатдорлигимни қабул қилинг. Тошкентга навбатдаги сафарим чоғида Сиз билан учрашувдан умидворман.

Эҳтиром билан

*Дана РОУРБАҲЕР,
АҚШ Конгресси вакили*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Тошкентда ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари содир этилиши муносабати билан Сизга ҳамдардлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бу воқеа бизни қайғуга солди, шундай бўлса-да, ишонамизки, Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ҳам мамлакатдаги вазиятни ишончли тарзда назорат қилаверади ва кимларнингдир куч билан тазйиқ ўтказишига йўл қўймайди. Ёвуз кучларнинг ҳеч бир ҳаракати Ўзбекистондаги барқарорликка раҳна сола олмайди. Ўзбекистон раҳбариятининг фожиадан сўнг дарҳол кўрсатган босиқлиги ва бу фазилатнинг режалаштирилган ҳукумат мажлисининг ўз вақтида ўтказилишини таъминлагани фикримни тасдиқлайди.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси раҳбарияти бегуноҳ фуқароларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан чуқур қайғуда ва уларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Умид қиламизки, террорчилик ҳаракатлари натижасида жароҳат олиб, даволанаётганларнинг соғлиги тезда яхшиланади, уларга тезроқ ва бутунлай соғайиб кетишни тилаймиз.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлайди. Аминмизки, бу фожа мамлакат фуқароларини уларнинг ўзи сайлаган раҳбарият атрофида янада жипслаштиради ва ҳукумат томонидан ўтказилаётган ислоҳотлар қийинчилик ва айримларнинг тўсқинликларига қарамасдан, муваффақият билан ниҳоясига етказилади.

*Марсель НУРУЛЛИН,
Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт
Жамғармасининг
Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Биз сешанба кuni Тошкентда рўй берган портлашлардан газабландик. Бу ёвузликни ташкил этганлар ни-

ятининг акси ўлароқ, бу воқеа Сиз билан бирга ишлаш ва Сиз раҳбарлик қилаётган ҳукумат билан бирга Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаган, порлоқ келажагини қуриш борасидаги қатъиятимизни янада кучайтирди.

Эҳтиром билан

*Питер ТЕЙЛОР,
Бритиш Американ Табако-Ўзбекистон
компанияси Бош директори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, жаноб Президент,

16 февраль куни Сиз жаноби олийлари ҳамда Ўзбекистон халқи бошига тушган машъум кулфат ҳақидаги хабарни катта ташвиш ва қайғу билан эшитдик. Тошкентдаги портлашлар натижасида қурбон бўлганларнинг барча қариндош-уруғларига таъзия изҳор этамиз, жароҳатланганларга бутунлай соғайиб кетишни тилаймиз.

Дарҳақиқат, ҳали жуда кўп ёвуз ва ҳасадгўй инсонлар борки, уларга мамлакатингизнинг ютуқлари, Сиз ўз давлатингизга келтирган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ёқмайди. Шунинг учун ҳам, биз бу қайғули кунларда Сизнинг мамлакатингиз билан нафақат ҳамкорлик қилиш, балки унинг иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамизни янада оширишга тайёрлигимизни билдирмоқчимиз.

Сизга соғлиқ-омонлик ҳамда мамлакатингизни тараққиётнинг янада юқори чўққиларига олиб чиқишингиз йўлида куч-қувват тилаймиз.

Барча жабрдийда оилалар ва умуман мамлакат аҳлидан ҳамдардлигимизни қабул қилишни сўраймиз.

Эҳтиром билан

*Зейн АЛЬПЕРТ,
Эксайд АБ Груп Лимитед Инк
Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби олийлари,

Ҳукумат бинолари портлатилиши натижасида уларнинг шикастлангани ҳамда Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани муносабати билан Сизга чуқур таъзия изҳор этамиз.

Биз Ўзбекистон халқининг бундай террорчилик ҳаракатларига жасорат ва матонат билан қарши туришини қадрлаймиз, демократик ҳукуматингиз бу инқирозни тезда енгиб ўтади ва шу билан Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлайди, деб ишонамиз.

Эҳтиром билан

*Франк ГЛИСОН,
ГЛИБРО Груп Президенти
(Швейцария)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ҳаётингизга қасд қилишга уринишдан ҳамда мамлакатингизнинг кўплаб бегуноҳ фуқароларининг умрига зомин бўлган террорчилик ҳаракатидан хабар топиб, қайғуга тушдим. Сизга ва қурбонларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдираман.

Аминманки, бу фожиа инсон ҳуқуқларини ҳурматлаган, ажойиб маданий мерос ва барқарор иқтисодий тараққиётга эга бўлган Ўзбекистон халқини мустақил демократик жамият қуриш йўлидан қайтара олмайди.

Эҳтиром билан

*Карл ТРЕТНЕР, Профессор,
Минтақавий ижтимоий инфратузилмани
қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг
харажатларни бошқариш бўйича ГТЗ
экспертлари гуруҳи раҳбари*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

“XX аср халқлари доҳийлари” туркумини чоп этувчи “Палея” нашриёти аҳли Тошкентда юз берган фожиадан қайғуга тушди. Ўзбекистон учун қайғули ва оғир бўлган кунларда бутун ўзбек халқи билан бирга қайғурмоқдамиз.

Жаноб Президент, бўлиб ўтган воқеа коррупция билан кураш ҳамда Ўзбекистонни танланган йўлдан дадил олға бошлашингизда Сизнинг иродангизни фақат мустаҳкамлашини ҳис қиламиз ва бу борада Сизни қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

Сизга бўлган чексиз эҳтиромимизни қабул этгайсиз!

*Н.МИШИН,
“Палея” нашриёти
Бош директори
И.ЗИБИН,
Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Америкадаги бухоролик яҳудийлар жамоаси 16 февраль куни Тошкентда содир этилган, бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатларидан чуқур ғазабда. Бу ёвуз жиноятнинг ижрочилари ким бўлишидан қатъий назар, шубҳа йўқки, уларга Сиз юритаётган оқилона сиёсатдан кўрқувчи, диндан ўрта асрлардаги каби, имон келтирганларни эзиш учун фойдаланувчилар раҳбарлик қилган.

Террорчилик ҳаракатларидан жабрланганларга чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Қурбонларнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий таъзия билдириш баробарида, уларга зарур бўлган ҳар қандай ёрдамни кўрсатишга

тайёрлигимизни маълум қиламиз. Ишонтириб айтаемизки, умумий тарихимизнинг юз йилликлари боғланган мамлакат муаммоларидан асло четда турмаймиз.

Америкадаги бухоролик яҳудийлар жамоаси номидан,

*Ҳанан БЕНЖАМИНИЙ,
Нью-Йорк
Борис ҚАНДОВ,
Вена*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Тошкент шаҳридаги давлат муассасаларининг фаолиятига таъсир қилган ва одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида эшитиб, чуқур қайғурдим.

Давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар ҳуқуқий тартибни тиклашга, айбдорларнинг жазоланишига, аҳолининг тинчлиги ва ҳаётини ҳимоя қилишни таъминлашига аминман.

Президент жаноблари, менинг бирдамлик мактубимни қабул қилишни ҳамда мотам тутаётган оилаларга ва террорчилик хуружи жабрдийдаларига румин халқи ва шахсан ўз номимдан билдираётган чуқур ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

*Эмиль КОНСТАНТИНЕСКУ,
Руминия Президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,
1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган ва бир неча киши ҳалок бўлишига, кўп одамларнинг

жароҳатланишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни ғазаб ва ташвиш билан кутиб олдим.

Бегуноҳ кишиларга нисбатан қилинган тажовузни қоралайман. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлигимни, ярадорларга эса тезроқ соғайишни тилаб билдирган истакларимни етказишингизни сўрайман.

Президент жаноблари, президент Гавел номидан ва шахсан ўз номидан камоли эҳтиромимизни қабул қилгайсиз.

*Милош ЗЕМАН,
Чехия Республикаси Бош вазири*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февраль куни мамлакатингизда содир этилган мудҳиш воқеалар ҳақидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғуга ботдим. 13 нафар Ўзбекистон фуқаросининг ҳаётини олиб кетган ва кўплаб инсонларнинг жароҳатланишига сабаб бўлган бу ҳаракатларни қоралайман ва Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичида осойишталикка эришишини тилайман. Хоинларча содир этилган мазкур ҳаракатларда Сизга зарар етмаганлиги биз учун катта тасалли бўлди.

Сиз Жаноби Олийларига ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига ҳамдардлик билдириб, чуқур эҳтиромимни изҳор этаман.

*Ҳикмат ЧЕТИН,
Туркия Буюк миллат
мажлиси раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Бельгия халқи мамлакатингиздаги вазиятни издан чиқариш, ўзбек халқи орасига ишончсизлик ва парокандалик уруғини сочиш мақсадида Сизга қарши уюштирилган террорчилик ҳаракати тўғрисидаги хабарни ғазабланиб кутиб олди.

Ватандошларимнинг ва шахсан ўзимнинг ўзбек халқига ҳамда унинг раҳбарига бўлган дўстлик туйғулари ва хайрихоҳлигига Сизни ишонтиришни истаيمان.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатларидан омон қолганингизни эшитиб, шукроналар айтдим, айти пайтда, Ўзбекистон фуқаролари орасида ҳалок бўлганлар ва ярадорлар борлигидан жуда ачиндим. Жабрланганларга ва уларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиримоқчиман.

Мен, бутун Бельгия халқи каби, бу террорчилик ҳаракатини қоралайман ва Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда равнақ, ички барқарорлик ва жаҳон ҳамжамиятига интеграция йўлини давом эттираверади, деб ишонч билдираман.

Эҳтиром билан

*Франк СВАЛЕН,
Бельгия Сенатининг раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Мустақил ва қудратли ўзбек давлати барпо этиш йўлидан қайтариш ниятида содир этилган даҳшатли террорчилик ҳуружи чоғида Ўзбекистон Республикаси тинч аҳолисидан айрим кишилар ҳалок бўлгани хусусида Сизга чуқур таъзия изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Чехия Республикаси элчихонасининг Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналари вакиллари ҳамда Чехия Республикаси савдо-саноат доираларининг Ўзбекистон

Республикасидаги ваколатхоналари намояндалари билан доимий кенгашида бевосита ўзбек давлати раҳбарининг ҳаётига қарши қаратилган террорчилик ҳаракати якдиллик билан қораланди.

Кенгашда ҳозир бўлган Чехия фирмалари ва қўшма корхоналари вакиллари ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қатъий аҳду паймон қилганликларини ва шу йўл билан иқтисодий жиҳатдан кучли Ўзбекистонни мустақамлашга ўз ҳиссаларини қўшажакларини билдирдилар.

*Бедржих КОПЕЦКИ,
Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,
Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

16 февралда Тошкентда содир бўлган, шафқатсизлиги ва ёвузлиги билан бутун маърифий дунёни ларзага солган даҳшатли воқеалар муносабати билан «Сосьете Женераль» банки жамоаси номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига бирдамлик ҳамда ҳамдардлик изҳор этишимга рухсат бергайсиз.

Бу террорчилик ҳаракатлари ёш мустақил республиканинг ютуқлари ва муваффақиятларини, Сиз ва Ўзбекистон ҳукумати ўтказётган доно сиёсатни кўра олмайдиган бир гуруҳ қўрқоқлар ва аблаҳлар томонидан амалга оширилгани мутлақо равшан.

Шу дақиқаларда мен мамлакатингизда мустақиллик, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилувчи ҳар қандай кучга қарши туриш учун Ўзбекистон халқи билан биргаман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, менинг ҳамдардлик ва бирдамлик туйғуларимни яна бир бор қабул қилгайсиз.

*Эрве ЙОН,
«Сосьете Женераль» банкининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Яқинда Тошкент шаҳрида амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик ҳужумлари чоғида одамларнинг ҳалок бўлгани муносабати билан шахсан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига қайғу ва ҳамдардлик сўзларини изҳор қилмоқчимиз.

Бу ҳаракатлар Сизнинг илғор ғояларингизга ва мустақил сиёсатингизга ҳамда шахсан Сизга — ўз халқини тараққиёт ва равнақ чўққилари сари етаклаётган раҳбарга қарши қаратилганини ҳамма яхши тушунади.

Ўзбекистон Республикасига йўловчи ташийдиган автобуслар ҳамда республикада ойна ишлаб чиқарувчи саноатига машина-ускуналар етказиб бериш борасида ва бошқа лойиҳалар бўйича ишлаётган компаниямиз бу террорчилик ҳаракатлари биз, америкалик бизнесменларни чўчита олмайди, балки Ўзбекистоннинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилиш ва эътибор бериш учун янада кучлироқ сафарбар этади, деб ишонтирамиз.

Бизнинг Ўзбекистонда амалга ошираётган барча ишларимиз Сизнинг ҳозирги ва келгусидаги ютуқларингизга ҳамда режаларингизга ҳамоҳанг бўлишидан хурсандмиз.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатишда, агар уларга АҚШ тиббиётининг бирор соҳасининг аралашуви талаб қилинса ёки жабрланганлар оилаларидаги болаларни ўқитиш ва соғломлаштиришни маблағ билан таъминлаш талаб

қилинса, бунда бизнинг ёрдам беришимиз мумкинлигини кўриб чиқишингизни ҳам илтимос қиламиз. Биз бундай вазифаларнинг ҳар қандайини хурсандлик билан бажарамиз.

Шаҳсан Сизга узоқ умр, саломатлик ва Ўзбекистон бахт-саодати йўлида самарали фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз.

Самимий эҳтиром билан маслакдошингиз

*Алекс РОБТ,
«Ай-Би-И Трейд Корпорейшн»
компанияси президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,
Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўтган ҳафта мамлакатингиз пойтахтида бомба портлатилгани ва у кўпгина бегуноҳ кишиларнинг ўлимига ва жароҳатланишига сабаб бўлганини фақат Ўзбекистон ҳамда унинг халқига қаратилган ваҳшийлик, деб ҳисоблаш керак.

Бундай суиқасд инсонда фақат чуқур нафрат уйғотади.

Тошкент портлатиш учун бежиз танлаб олинмаган, деб таассурот қолдирувчи бу террорчилик хуружларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Мамлакатингиз мустақиллиги йилларида Ўзбекистонни бир неча бор кўриш имкониятига эга бўлган кишилар, шу жумладан, мен ҳам, республика эҳтиёткорлик ва жўшқинлик билан порлоқ келажак сари мустақил одим ташлаётганлигини ҳурмат қилиши лозим.

Бутун минтақанинг, шунингдек, Ўзбекистоннинг тараққиёти жараёнига учинчи кучлар зўр бериб аралашмаганида Ўзбекистон порлоқ келажак йўлида анча ил-

гарилаб кетган бўлур эди. Буни қўшни мамлакатлардаги воқеалар ва юртингизнинг жаҳоншумул тараққиёти изоҳлаб турибди.

Тошкентдаги суиқасд қурбонлари: ҳалок бўлган, жароҳатланган ва шикастланганларга чуқур ҳамдардлик билдираман.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга чин қалбимдан Ўзбекистоннинг мустақил келажаги ва халқ фаровонлиги йўлидаги раҳбарлигингизга янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром билан

*Вилли ВИММЕР,
Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкilotи парламент ассамблеясининг
вице-президенти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февралдан буён биз Ўзбекистондаги воқеаларнинг боришини зўр диққат ва хавотирлик билан кузатиб турганимизни маълум қилиш мақсадида Сизга мактуб ёзаяпман.

Мен ўша куни Тошкентда ҳукумат биноси олдида содир этилган террорчилик ҳужуми тўғрисида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчиси С.Сафоев билан гаплашдим. Ҳаётдан кўз юмган ва ярадор бўлган кишилар, шунингдек, гўзал пойтахтингизда тинчлик бузилгани хусусида чуқур ҳамдардлик билдирдим.

Бу даҳшатли воқеа терроризмга қарши курашда ҳамкорликнинг муҳимлигини янада оширади. Бу — АҚШ ва Ўзбекистон ялпи тинчликни таъминлаш учун ҳамкорлик қиладиган соҳадир.

Самимий истаклар билан

*Элизабет ШЕРВУД — РЭНДАЛЛ,
Стенфорд университети профессори, АҚШ*

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти гўзал Тошкент шаҳрида шу йил 16 февраль куни юз берган мудҳиш воқеалар қалбларимизни чуқур ларзага солди. Жаҳон цивилизацияси, хусусан, муборак Ислом дини тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларни яратган юртда бундай қабих ишларни содир қилган шахсларга Аллоҳ Таолонинг жазоси муқаррар.

Биз хорижий муассасаларнинг Тошкентдаги вакиллари истиқлол туфайли Сизнинг доно раҳбарлигингизда ҳур Ўзбекистонда тарихий жараёнлар юз бераётганлигини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Ўзбекистон тараққиётига, уни Сиздек жаҳон миқёсида эътироф этилган таниқли раҳбари ҳаётига қилинган тажовузни кескин қоралаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, Аллоҳнинг назари тушган замин — мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи йўлидаги самарали фаолиятингизга янада равнақ тилаймиз.

Аллоҳ Таоло Сиз Президент Жаноби Олийларини ва қардош Ўзбекистон халқини доимо ўз ҳифзу ҳимояси ва паноҳида сақласин.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуху.

*Сизга камоли эҳтиром ила Гаед Жалол ибн СОДИҚ,
Кувайт халқаро хайрия
жамғармаси Ўзбекистон
бўлимининг раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Биз, “Бритиш Американ Тобакко” компанияси ходимлари яқинда Тошкентда бўлган портлашдан беҳад дарғазаб бўлдик. Компаниямиз аҳли номидан ҳалок

бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдириб, бундай воқеалар мамлакатдаги умумий барқарор иқтисодий ва сиёсий вазиятга таъсир этмайди, деган ишончизмни изҳор қилишни хоҳлар эдик.

“Бритиш Американ Тобакко” Ўзбекистон иқтисодиётидаги йирик хорижий инвесторлардан бири бўлиб, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик тарафдори эканини тасдиқлайди ва мамлакат иқтисодиёти тараққиётига бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшаверади.

Самимий ҳурмат билан

*Ульрих ХЕРТЕР,
“Бритиш Американ Тобакко”
компанияси бошқарувчи директори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизга қарши уюштирилган машғум террорчилик ҳаракатидан чуқур нафратландим. Бу ҳақда бугун эрталабки янгиликлардан эшитдим. Бу суиқасд оқибатида Сизга шикаст етмаганини билиб, хурсанд бўлдим.

Мен ҳам бу манфур хатти-ҳаракатлар мамлакатингизнинг хусусий секторида кичик ва ўрта бизнесни маблағ билан таъминлаш борасида Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятини пасайтира олмайди, деб ишонтиришга шошиламан.

Самимий ҳурмат билан

*Стивен СОЛАРЗ,
Марказий Осиё-Америка
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
жамғармаси раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, “Oz-Silm” Ўзбекистон-Туркия маърифий уюшмаси аъзолари шу йил 16 февраль куни Ўзбекистон пой-

тахти Тошкентда юз берган фожиали воқеаларни эшитиб, чуқур қайғуга ботдик. Айни вақтда, бу ёвуз ишларни амалга оширган қабих кучлар бутунлай тескари натижага эришганликларининг шоҳиди бўлдик. Республика Президенти ва мамлакатнинг ёрқин келажагига қарши йўналтирилган бу қўпоровчилик ҳаракатлари ўзбек ёшлари, қолаверса, бутун ўзбек халқининг адолатли газабини уйғотди. Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган лицейларнинг барчасида ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган йиғилишларда билдирилган фикрлар ҳамда бу ёвуз воқеага бўлган нафрат ва қаҳр-газаб ҳислари бунинг яққол далилидар. Бу ҳислар минг-минглаб оддий ўзбек кишиларининг кечинмалари билан уйғундир. Биз, Ўзбекистонда ўзбек ҳамкасбларимиз билан елкама-елка ишлаётган турк педагоглари, ушбу кунларда ўзбек халқининг порлоқ келажакка бўлган ишончини ва бу келажак Сизнинг номингиз билан бевосита боғлиқ эканлигини яққол ҳис этдик.

Сиз жаноби олийлари ва бутун ўзбек халқига ҳамдардлик билдирган ҳолда Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда олиб борилаётган истиқболли сиёсатнинг ҳаётийлигига ва қудратига ишончимиз комилдир. Яраганнинг ўзи Сизни доимо паноҳида асрасин.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила *Маҳмуд БАЛ,*
“Oz-Silm” Ўзбекистон-Туркия
маърифий уюшмаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Имкониятдан фойдаланиб, Сизга энг эзгу истакларимни, мустақил Ўзбекистонга равнақ ва тинчлик тилаб билдирган саломларимни йўллашга рухсат этгайсиз.

Шу кунларда Тошкентга ташриф буюриб, республика пойтахтида кўнгилсиз ҳодисанинг гувоҳи бўлдим.

Шу муносабат билан компаниям Сиз Жаноби Олийларига астойдил ишонишини, танлаб олинган йўлнинг

тўғрилигига ва Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг келажагига қатъий ишонишини ҳамда бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор маълум қиламан. Айти пайтда “ААВ” компанияси ўз инвестиция таклифларини 150.000.000 дойчмарка (бир юз элик миллион немис маркаси)гача кўпайтиради. Бу сармоя Ўзбекистонда халқаро тоифадаги олтита меҳмонхона қурилишига сарфланади.

Камоли эҳтиром билан

*В. ФРИДЕЛЬ,
“ААВ” компанияси президенти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

“Креди Свисс Ферст Бостон” 16 февралда содир этилган ва одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган террорчилик ҳаракати муносабати билан Сизга чуқур ҳамдардлик ва таассуф билдиради.

Лозим топсангиз Сиздан “Креди Свисс Ферст Бостон”нинг Тошкентдаги ваколатхонасига мурожаат қилишни сўраймиз. Зеро, юз берган вазиятда компаниямиз Ўзбекистон миллий банкига ёки ҳукуматига ўз хизматини таклиф этиши мумкин.

Сизга самимий ҳурмат билан

*Дэвид МАЛФОРД,
“Креди Свисс Ферст Бостон”
президенти (Европа)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сиз ва ходимларингиз ҳаётига маккорлик билан суиқасд қилингани, кўпгина кишилар қурбон бўлгани ва жароҳатланганини эшитиб, ларзага тушдик. Ҳеч нарса

билан оқлаб бўлмайдиган бу террорчилик ҳаракати шахсан бизда ва касбдошларимизда қаҳр-ғазаб уйғотди.

Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиши натижасида ташкил топган мустақил давлатлар тинч тараққиётдан манфаатдор бўлган ва бу тараққиётга ҳисса қўшаётган барча кишилар шахсан Сизга қарши қаратилган, шунингдек, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қурилишига қарши қаратилган ушбу суиқасдни фақат қаттиқ қоралайдилар.

Сизга ва ўзбек халқига чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Барча жабрланганлар ва уларнинг яқинларига бирдамлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан

*Доктор Хайнрих
фон ПИРЕР,
Доктор Фолькер Юнг,
“Сименс” компанияси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбек халқи учун мусибатли кунларда “МОТОРОЛА” компаниясининг делегацияси Ўзбекистон Республикасида эди, юз берган воқеа бизни чуқур ларзага солди.

Бутун ўзбек халқи шу қийин дақиқаларда Сиз жаноби олийларининг доно раҳбарлигингизда янада жипс-лашганининг гувоҳи бўлдик.

Биз террорчиларнинг ҳар қандай уринишлари ҳам сиёсий ва ҳам иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакат — Ўзбекистон Республикасига муносабатни ўзгартира олмайди, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг компаниямиз ва барча шерикларимиз мустақил Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни кўпайтириш учун бутун кучларини сарф-лайдилар, деб шахсан Сизни ишонтирамыз.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

*А. РЕТТИГ,
“МОТОРОЛА” компанияси,
Б. МОРАЛ,
“ТЕЛЕКОМ” компанияси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

“Руҳоният” халқаро маънавиятни тиклашга кўмаклашиш уюшмаси Тошкентда одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати тўғрисидаги хабарни ғазабланиб кутиб олди.

Душман гуруҳларнинг бундай уринишлари, аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликка раҳна солишга, мустақил Ўзбекистоннинг, унинг биринчи Президентининг, жаҳон ҳамжамиятида кенг танилган ҳақиқий раҳбарининг обрўсига путур етказишга қаратилган.

Республика меҳнатсевар, дўстпарвар халқининг маънавий қудрати, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг узоқни кўзлаб ўтказаётган доно сиёсатингиз террорчиликнинг ҳар қандай кўринишларига зарба беради, қадимий Ўзбекистон диёрида тинч, бунёдкорлик меҳнати-ни, ижтимоий тараққиётни таъминлайди, деб қатъий ишонамиз.

Биз қирғиз ва ўзбек халқларининг абадий дўстлиги ва қарошларча бирлигини доимо муқаддас билиб асраймиз ва қадрлаймиз.

*А. ТЎХТАСАРОВ,
“Руҳоният” халқаро маънавиятни
тиклашга кўмаклашиш
уюшмасининг президенти*

**БИЗ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЛАН
БИРГАМИЗ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ БАЁНОТИ

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй бериб, қурбонларга сабаб бўлган террорчилик ҳаракатлари, бизни, партиямизнинг кўпсонли аъзоларини қаттиқ газаблантирди. Миллий истиқлолимизнинг ашаддий душманлари, мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг самараларидан саросимага тушган ёвуз кучлар кўп миллатли Ўзбекистон халқини у танлаган тараққиёт йўлидан огдиришни истаб, уни қўрқитмоқчи бўлиб, шундай жиноятга қўл урдилар.

Душманларимизнинг асл мақсади — халқимизнинг бутун дунёда маълум ва машҳур раҳбари — республикамиз Президенти И.А. Каримов жонига суиқасд қилиш йўли билан юртимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, осойишталик ва фуқаролар иноқлигини барбод этиш, тақдиршумул иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларнинг боришини издан чиқариш, Ватанимизнинг буюк келажагига кишиларнинг ишончини сўндириш, ёшларимизни ўз таъсирига олиш, хорижий ҳамкорларни чўчитиш, ҳеч бўлмаганда, аҳоли орасида ваҳима уруғини сепиб, одамларнинг тинчлигини бузиш, жамиятдаги бунёдкорлик вазиятига раҳна солиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак обрўйига путур етказишдан иборат эканлиги шундоққина билиниб турибди.

Лекин, ганимлар халқимизни қўрқитмоқчи, йўлдан урмоқчи бўлиб, “чучварани хом санаяптилар”. Улар билиб қўйсинларки, биз, мамлакатимиз йўлбошчиси раҳнамолигида қўлга киритилган, давлатимиз мустақиллиги, миллий тараққиёт йўлимиз, озодлигимиз ва эр-

кимизни ҳеч кимга бермаймиз, ихтиёримиздаги барча куч ҳамда имкониятлар воситасида уларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Ёвузлик оқибатида қурбон бўлган бегуноҳ фуқароларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши муносабати билан, бутун халқимиз қатори, биз ҳам чуқур қайғурамыз, шаҳидларнинг оила аъзоларига ўзимизнинг ҳамдардлигимизни билдирамыз ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари уларнинг қотилларини, албатта, топиб, жазога тортадилар, деб умид қиламыз.

Азиз ватандошлар! Душманларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатларига жавобан, Юртбошимиз атрофида жипслашиб, бунёдкорлик ишларини, кенг қамровли ислоҳотларни янада қатъийроқ олиб борайлик, давлатимиз, халқимиз, танлаган йўлимизга таҳдид солаётган хавф-хатарлардан хушёр бўлайлик, Аллоҳ бизга берган буюк неъмат — мустақилликни, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, кўз қорачиғидай асрайлик.

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши*

ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

Азиз юртдошлар!

Куни кеча Ватанимизнинг юраги бўлмиш пойтахтимизда амалга оширилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари барча юртдошларимиз қатори биз, Фидокорлар миллий-демократик партияси аъзолари қалбини ҳам чуқур ларзага солди.

Ватан нима, миллат манфаати-ю, эл-юрт қадр қиммати нима эканлигини билмайдиган, ўзининг нафақат миллий, балки оддий инсоний қиёфаси, имон-этиқо-

дини йўқотиб бўлганлардан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини ҳаёт яна бир бор кўрсатди. Зеро, бу ҳақда фидойи ва шижоатли йўлбошчимиз истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлабоқ бир эмас, бир неча маротаба бизни огоҳлантирган, дунёга очиқ ва тийрак кўз билан қарашга, ҳамиша ҳушёр бўлишга даъват этган эдилар. Истиқболни тийрак нигоҳ билан кўрмай туриб, узоққа бориш қийин. Буюк келажагимизнинг пойдеворини ҳар томонлама огоҳ бўлмасдан мустаҳкамлаб ҳам, асраб-авайлаб ҳам бўлмайди. Халқнинг, миллатнинг дардига чинакам дармон бўлмоқни кўнглининг тўрига жойлаган ҳар бир фидойи инсон қалбида мана шу ҳақиқат муҳрланмоғи зарур.

Президентга тажовуз — унинг сиёсатига, мустақиллик ғояларига тажовуз! Президентга суиқасд — у раҳнамолик қилаётган давлатга, халққа суиқасддир! Зеро Президент — шавкатли давлат, ота юрт, она миллат рамзидир! Шунинг учун ҳам биз фидойилар бунга бифарқ қарай олмаймиз. Халқ иродаси ёруғ келажак ишончи ва бу ишонч-эйтиқодни кафолатловчи собит тафаккурли фидойи Инсонлар бор экан, миллат ўзи учун танлаб олган ҳақ йўлдан асло қайтмайди.

Ўз халқининг осойишталиги, тинчлик-хотиржамлиги ва фаровонлигини ҳамма нарсадан афзал деб билган, шу йўлдаги курашни умрининг олий мақсади деб ҳисоблаган Президент атрофида жипслашамиз, у кишини миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз сифатида қадрлаймиз.

Террорчилик ҳаракати муборак истиқлолимизга, эркимизга, хоҳиш-иродамизга ва келажагимизга қарши қаратилган разил уринишдир. Тажовузкорларни қўллаб-қувватлайдиган, уларни маблағ ва қурол-яроқ билан таъминлаб турган кучлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар мамлакатда парокандаликни келтириб чиқариб, оломонни кўзғатиш, шу йўл билан ҳокимиятни эгаллаш ниятида эдилар. Бироқ бу ниятларига ета олмадилар. Халқ халқлигича қолаверади. Оломонлик бизга хос эмас! Биз

оқу қоранинг, яхши-ёмоннинг фарқига борамиз. Келажакимизга қатъий ишонамиз. Бизни бу йўлдан қайтарадиган ҳеч қандай куч йўқ!

Ёвуз кучлар қанчалик уринмасин, қанчалик ҳаракатга келмасин мустақилликка ишонч, қалбимиздаги фидокорлик туйғуси, Ватан қисматини ўз қисмати деб билган инсонлар онги ва шуури буюк келажак сари чорлайверади.

Қадрли юртдошлар!

Ватаннинг фидойи ўғил-қизлари!

Бу улуғ Ватан барчамизники, бу йўлнинг муқаддаслиги, равонлиги, унинг кўзланган қутлуғ манзилларга галаба кучиб етиб бормоғи, бу карвон сорбонининг омонлиги учун ҳар биримиз ва ҳаммамиз масъулмиз. Ана шу масъулиятни ҳис этиш, энг аввало, огоҳликни, ҳушёрликни тақозо этади. Мустақилликни асраш, уни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш учун, энг аввало, уни олдиндан пайқаш, англаш ва тушуниш лозим. Бунинг учун чин фидойилик зарур. Биз шунга интиламиз, тинимсиз курашамиз.

*Ўзбекистон Фидокорлар миллий
демократик партияси Марказий Кенгаши*

ЎЗБЕКИСТОН “ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ” ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

Шу йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ёвузларча содир этилган кўпоровчилик ҳаракатлари — бутун халқимиз каби бизни, “Ватан тараққиёти” партиясининг кўп сонли аъзоларини ҳам ғазаблантирди ва қалбларимизни чуқур ларзага солди.

Биз бундай мудҳиш жиноятни ташкил қилган ёвуз кучларни улуғ истиқлолимизнинг душманлари, мам-

лакатимизда амалга оширилаётган мислсиз бунёдкорлик ишлари ва ислохотлар самараларидан васвасага тушган нопок кимсалар, халқимизни ўзи танлаган қутлуғ йўлдан оғдиришга уринган разил жиноятчилар деб биламиз.

Бу қўпоровчиларнинг асл мақсади — Ўзбекистон истиқлолининг ташаббускори ва раҳнамоси, бугун жаҳонда “ўзбек модели” номи билан тан олинаётган ислохотлар асосчиси Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаётига суиқасд уюштириш эди. Разил кучлар шу йўл билан Ўзбекистонда бугун ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва осойишталикка зарба бериб, амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг боришини издан чиқармоқчи эдилар.

Шу билан бирга, ёвуз ниятли кучлар бундай ҳаракатлари билан Ўзбекистоннинг буюк келажагига кишиларнинг ишончини сўндириш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётган обрўйига путур етказишни кўзда тутгандилар. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, уларнинг қора ниятлари амалга ошмади, сароблигича қолиб кетди.

Халқимизда “Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади” деган пурмаъно ҳикмат бор. Ишончимиз комилки, бу қўпоровчиликни содир этган ёвуз жиноятчилар одил суд олдида қонунларга мувофиқ жавоб берадилар. Айни пайтда, бундай разилона, хоинона қилмишни ислом дини ҳам юзтубан қоралашини, одам қиёфасидаги бу каби ватанфурушларни Қуръони Карим уришини ҳам эслатиб ўтмоқ жоиз.

Биз мудҳиш воқеа туфайли қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, уларга Аллоҳдан сабр-қаноат тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун халқимиз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир синовдан ўз юртбошиси атрофига жипс-

лашган ҳолда ўтмоқда. Айни пайтда, мустақиллик ҳаммамиздан зийрак бўлишни, ўз хизмат жойимизда сидқидилдан меҳнат қилишни, ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун фидойиликни талаб қилажagini яна бир карра англадик. Буни ҳаммавақт юракдан ҳис қилишимиз керак.

Биобарин, Ватанимиз тараққиёти, мустақиллигимиз тақдири йўлида ўзининг инсоний қиёфаси, имон-этиқодини йўқотганлардан ҳар қадамда, ҳар лаҳзада, ҳар нарсани кутиш мумкинлигини ҳаёт яна бир бор кўрсатди. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ бир эмас, бир неча маротаба бизни огоҳлантирган, ҳаётга очиқ ва тийрак кўз билан қарашга, ҳамиша хушёр бўлишга даъват этган эдилар. Дарҳақиқат, истиқлолни ва истиқболни дилдан, юракдан ҳис қилмай, англамай туриб узоққа бориш, буюк келажагимизни яратиш мумкин эмас. Шу боис бепарволик, ўзибўларчилик, лоқайдлик кайфиятидан ҳоли бўлиш ғоят муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга айтмоқчимизки, бу ёвузликни ижро этганлар, уларнинг ортидаги ҳаракатлантирувчи куч — буюртмачилар ким бўлишидан қатъий назар, биз буюк келажак фуқаролари бўлмиш бугунги ёшларимизни қораниятли кимсаларнинг қўлига бериб қўймаймиз. Ақлзаковати билан дунёни забт этган буюк аллома боболаримизнинг авлодлари бўлмиш ёшларимиз бўлар-бўлмас кимсаларнинг алдамчи ғояларига осонликча қул бўлиб кетавермайдилар, бунга йўл қўймаслик эса бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Мамлакатимиз Президентига тажовуз — мустақиллик ғояларига, давлатимиз суверенитетига тажовуздир! Президентга суиқасд — у раҳнамолик қилаётган давлатга, халқимизга ва ҳар бир мамлакатимиз фуқаросига суиқасддир!

Бас, шундай экан, барчамиз огоҳ бўлайлик, бутун халқимизнинг дуосига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, жаҳон ҳамжамятида улуғ ислоҳотчи ва доно юртбоши

сифатида тан олинаётган муҳтарам Президентимиз атрофларида бир жону бир тан бўлиб жипслашайлик. Токи ҳеч қандай ёвуз кучлар, мудҳиш ниятли кимсалар бизнинг Озодлигимизга, Эркинлигимизга ва Мустақиллигимизга, ўзимизга мос ва хос тараққиёт йўлимизга раҳна сололмасин.

*“Ватан тараққиёти”
партияси Марказий
Кенгашининг Пленуми қатнашчилари*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ МАКТУБИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши тинч ва осойишта ҳаётимизни кўролмай, унга раҳна солмоқчи бўлган галамисларнинг бу ёвузликларини қаттиқ қоралайди. Мустақиллигимиз туфайли эришилаётган мислсиз ўзгаришларга таҳдид солиб, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини бузишга уринган, террорчилик ҳаракатларини амалга оширган қабиҳ ниятли жиноятчиларнинг қўлга олиниб, одил суд олдида албатта жавоб беришига ишонади.

Сиёсий кенгаш партиянинг барча аъзоларини, ўз тарафдорларини ҳушёрликни ошириб, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга соя солмоқчи бўлган, халқимизнинг эришаётган ютуқларини кўролмаётган ёвуз ниятли қора кучларни фош этишда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиб, Сиз муҳтарам юртбоши-

миз теваарагига янада қаттиқроқ жипслашишга халқни янада огоҳ, янада хушёр, янада зийрак бўлишга чақиради.

*Ўзбекистон “Адолат”
СДП Сиёсий Кенгашининг
1999 йил 18 февраль кунги
йиғилишида қабул қилинди*

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ҚАРШИ ХУРУЖ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси халқ ва Президентга қарши бундай террористик хуружларни кескин қоралайди. Уларнинг ҳар қандай кўринишини миллий тикланиш, миллат манфаатлари ва демократияга қарши кечириб бўлмас жиноий хатти-ҳаракат деб қарайди.

Террор йўли — боши берк йўл. Азоб-уқубат йўли. Бу йўлдан борганлар, бориш иштиёқида бўлаётганлар бахтсизликдан бошқа ҳеч нарсага эришмайдилар. Тарих ва ҳаётнинг сон-саноқсиз тажрибаларида бу тўла исботланган!

Биз энди ўз ҳақ-ҳуқуқимиз, адолатимиз, келажак йўлимизни қатъий англаб етганмиз. Бизни миллий истиқлол йўлидан тойдирадиган, оғдирадиган, адаштирадиган, орқага қайтарадиган куч йўқ!

Биз ҳаммамиз ислоҳотчи Президент йўлидан бораётган, унга ишонган, унинг илғор ғояларини ҳаётимизда рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган ислоҳотчи халқмиз. Биз Президент йўлидан бориб ислоҳотчи бўлганимизни ва ўзимизни тўла таниганимизни ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда унутмаймиз. Ўз манфаатларимизни ўзгаларнинг бахтсизлигидан эмас, ўз ислоҳотларимиздан, ўз миллий кучимиз, хоҳиш-иродамиздан топганмиз. Ислоҳотлар ичида ўзимизни чин озод инсон каби таний бошладик. Озод инсон ўз ҳақи, ўз ўрни, ўз қадрини таниган ва топган ерда ҳамиша барқарор тинч-

лик, барқарор фаровонлик, барқарор тараққиёт бўла-
жагини шу ғоялар ичида яшаб англамоқдамиз.

Миллий тикланиш партияси ўзининг барча фаолла-
ри, етакчилари, хайрихоҳларини Президент сиёсати май-
донларида жам бўлишга, Истиқлол, Тараққиёт, Исло-
ҳотлар ҳимоясида зиёли қудрат билан қад ростлаб ту-
ришга, огоҳ инсон — огоҳ фуқаро бўлиб иш кўришга
даъват этади.

Найранглару ёвуз ўйинларга қарши сафларга жипс-
роқ турайлик, азиз биродарлар! Дўстга ҳамиша бағри-
миз очиқ, ёвга йўл йўқ!

*Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Миллий тикланиш
демократик партияси Марказий
Кенгаши номидан партия раиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Пойтахтимиз Тошкентда террорчилар томонидан
уюштирилган ёвузлик миллион-миллион касаба уюш-
малари вакилларининг қалбини, вужудини ўртади, ғазаб-
га солди. Сизнинг азиз жонингизга қилинган суиқасд
бутун ўзбек халқига, миллатимизга, юрт истиқболига
қилинган тажовуз деб биламиз. Бегуноҳ одамлар умри-
га зомин бўлган, халқ тавқи лаънатига учраган, қора
кучлар шукроналар бўлсинким, машъум ниятларига
етолмади. Ўта қалтис, таҳликавий кезларда Сиздаги
метин ирода, шижоат “Мен учун энг муҳими халқим-
нинг омонлиги, тинчлиги. Керак бўлса халқим учун жо-
нимни беришга тайёрман”, деган оташнафас сўзларин-
гиз қалбимизга малҳам бўлди, руҳимизни кўтарди, иро-
дамизни мустаҳкамлади.

Ғанимлар билиб қўйишсинки, террор, суиқасд би-
лан ўзбек халқини асло енгиб бўлмайди. Биз ҳам Сиздек

ғамхўру соябонимизни жондан ортиқ кўрамыз. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолиб, Яратгандан Сизга узоқ умр, соғлиқ омонлик тилаймиз. Ватан равнақи, халқ бахт саодати йўлидаги ишларингизда ҳамиша мададкоримиз.

Виз — қасаба уюшмалари вакиллари ўз инсоний, виждоний бурчимизни адо этиб, террорчиларнинг ёвузлиги оқибатида қурбон бўлганлар ҳурматини жойига қўямиз, уларнинг оилалари, фарзандларига моддий, маънавий мадад кўрсатамиз.

Ёвузлар албатта ўз жазоларини оладилар. Истиқлолимизнинг музаффар қарвони дадил одимлайверади. Бизнинг юрагимиз Сизнинг юрагингизга туташдир. Зеро Ватанга, демакки, Йўлбошчимизга бўлган чексиз меҳрмуҳаббатимиз, садоқатимиз, фидойилигимиз бизни ҳар қандай бало-қазодан асрайди. Халқимиз, Истиқлолимиз бахтига азиз бошингиз омон бўлсин!

*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси*

ЮРТИМ, ОЛИС ЙЎЛГА ЧИҚҚАН КАРВОНИНГ БОР

Пойтахтимизда содир этилган ёвузлик барчани ларзага солди. Бу ваҳшийликнинг баёнига сўз йўқ, халқ нафратига чек йўқ.

Неча кунки, мен ҳам ўйлаб ўйимнинг поёнига етолмайман. Юракни кемирган “Нега?” деган саволга жавоб излайман. Ҳаёт мени узоқ-яқин тарихларга олиб кетади.

Абу Али ибн Сино тунларни тонгларга улаб инсонлар дардига шифо излади. Аммо уни кофир деб эълон қилдилар ва бошига не кунларни солмадилар. Шунда у фарёд билан ёзган:

Мусулмонликда мен аҳли замон ичра эдим
танҳо,
Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон
йўқ.

Улуғ олимни таҳқирлаган шариат пешволари эмас,
замоннинг жаҳолати эди.

Мирзо Улуғбек каби донишмандни қатл этган ва ноёб
расадхонасини вайронага айлантирган Абдуллатиф ва
сарой арконлари эмас, қаттол жаҳолат эди.

Машрабни дорга осган, Нодирабегимнинг бошини
кесган Маҳмуд Қатағон ва ё Амир Насрулло эмас, бал-
ки кўзсиз, қулоқсиз жаҳолат эди.

Бизнинг асримизга келиб жаҳолат фашизм либоси-
да, коммунизм ниқобида давлат сиёсати даражасига
кўтарилди, мингларнинг, миллионларнинг ёстиғини
қуритди.

Мана энди йигирма биринчи аср бўсагасида, илму
фан, маърифат мўъжизалар яратаётган, она табиат по-
клиги, инсон эрки ва саломатлиги учун кураш халқаро
қонун меъёрлари даражасига чиқиб турган замонда биз
яна ёвуз жаҳолатнинг ваҳшийликларига гувоҳ бўлиб
турибмиз.

Эй парвардигор, ваҳшатнинг умрини бунча узун қил-
масанг.

Қўлимда юртбошимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўса-
гасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва
тараққиёт кафолатлари” номли китоби. Кейинги вақт-
да минтақамиздаги хавфсизликка бағишланган бирор
анжуман йўқки, унда жаҳон олимлари, давлат, жамоат
арбоблари бу китобга мурожаат этмасинлар, ундан
кўчирма келтирмасинлар. Кечаги воқеадан сўнг алам
ичида дейман: бу китоб дунёнинг кўзини очибдию, ўзи-
мизнинг кўзимизни очмабди.

Халқ томонидан сайланган, халқ дарди билан яша-
ётган, халқ меҳрини қозонган Президентга қўл кўтар-
моқ халққа қарши қўл кўтармоқдир. Халқ ғазаби, халқ
қарғиши бу ваҳший махлуқларни омон қўймас.

Бу дунёда яхши, ёмон кунлар кўрдим,
Ўкинчим йўқ, майли йиллар қаддим эгсин.
Мен ҳамон бир аскарингман, она юртим,
Сен томонга отилган ўқ менга тегсин.
Ҳали комил атолмасман маконимни,
Бекам одил санолмасман замонимни,
Лек киприкда асрайман бу давронимни,
Бу давронга отилган ўқ менга тегсин.
Юртим, олис йўлга чиққан карвонинг бор,
Карвонингга посбон, уйғоқ сарбонинг бор,
Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор,
Шу инсонга отилган ўқ менга тегсин.
Тонг нурусан, ватан, кўнглим осмонида,
Эркинг азал аждоқларнинг армонида,
Меҳринг абад авлоқларнинг иймонида,
Шу иймонга отилган ўқ менга тегсин.

*Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

ВАТАН СОТИЛМАЙДИ, ХОИНЛАР СОТИЛАДИ

Ўн олтинчи февраль воқеалари ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Мудраганлар кўзни очди. Тик турганлар муштини тугди. Юртдошларимиз тилида битта сўз:

– Ёвузларга лаънатлар бўлсин!

Ҳаддидан ошган, инсонлик қиёфасини йўқотган ножинс телбаларни ватанни сотган, ватанфурушлар, деб атамоқдалар.

Йўқ, азиз юртдошларим. Ватанни сотиб бўлмайди. Ватан қиммат. Жаҳоннинг жами олтинуну жавоҳирларини тўплаб сарфласалар ҳам унга етмайди.

Ватан сотилмайди. Хоинлар сотилади. Улар жуда арзонга сотилади. Тўрт буклаб иштонбоққа қистирса бўладиган иккита кўк қоғозга уларни бемалол сотиб олиш мумкин.

Ўз отасига қўл кўтарган, сурбет фарзандни оқпадар дейдилар. Оналар шунақа қабиҳ болаларини, сени эмизган

кўксимдан қонлар, зардоблар оқса бўлмасмиди, сенинг ўрнингта ит эмизсам бўлмасмиди, ҳеч бўлмаганда остонамни кўриқларди, деб фиғону нолалар қилиптилар.

Азиз ва жонажон Тошкентимнинг бугунги жамолини кўрганимда кўксим тоғдек кўтарилади. Фахру гурурга тўлиб, сенга кўз тегмасин, дейман. Ёмон кўздан асра шаҳримни дея Яратган Эгамга илтижолар қиламан.

Мен саксоннинг остонасида турган, XXI аср дарвозасидан ўтишни чоғлаб турган бир фидойи фуқароман. Шу узоқ умримда Ўзбекистонни тебратган кўп юртбошиларни кўрганман.

Уларнинг кўпчилиги бугун тушликка қанақа овқат ейишим керак, отам ўлди, жанозага қатнашайми, йўқми, деб “марказ”дан рухсат сўрайдиган, онаси кўмилаётганда қабристонга кирмай, кўчада папирос чекиб турадиган қўл-оёғи боғлиқ, тил забонсиз раҳбарлар эди.

Атиги биттагина улуғ огамиз қатнашаётган беш юз кишилик мажлисда чўлдан келган чўпон чолни маскоп тилида гапиртириб, кулги бўлган забун халқ эдик.

Булар куни кеча кўз олдимизда содир бўлган воқеалардир.

Халқимиз кўз кўрқоқ, қўл ботир, дейди. Тоталитар тузуми вужуд-вужудини шалхак қилиб ташлаган халқни оёққа қалқитиш учун, унинг дилига мустақиллик ниятини жо қилиш учун худо бизга Ислом Каримов деган бир бўз ўғлонни юборди.

Бугун нимагаки эришган бўлсак, қай манзилга етган бўлсак, онгимизда, шууримизда не ниятлар устуворлик қилаётган бўлса, ҳамма-ҳаммаси шу элим деб, юртим деб меҳнат қилаётган фидойи, азамат Юртбошимиз шижоатидандир.

Шу тиним билмас, Аллоҳ ёрлақанган инсон туфайли қишлоғу шаҳарлар, хонадонлар, гузару хиёбонлар — жами Ўзбекистон келин тушган фаришталик хонадондек, файзу барокатга тўлди.

Ўзи самолёт чиқараётган, ўзи трактор ясаётган, ўзи неча-неча русумли енгил машина чиқараётган, велосипеддан тортиб телевизоргача тайёрлаётган, жуда оз

фурсатда нефть мустақиллигига эришган, яқин орада ғалла мустақиллиги маррасига етадиган юртимизга олакўз билан қараётган ғанимлар озми? Илоҳо, Аллоҳ уларнинг юзини тескари қилсин!

Ҳар гал Президентимиз нутқларини тинглаётганим-да шу қисқа давр мобайнида бир арбоб сифатида нақадар ўсганликларини кўриб, фахрланиб кетаман. Фикрнинг тиниқлиги, мантиқнинг зўрлиги, маънонинг тўқмағизлиги, халқчиллиги арбобларга хос эканлигига тан бераман.

Бизни мана шундай кўзимиз қароғида, қош-қабоғимизда, юрак бағримизда асраган азиз Юртбошимиздан жудо қилмоқчи бўлдилар.

Уларнинг чиркин ниятлари амалга ошмади.

Халқимиз саросимага тушмади. Қайтага янада жипс-лашди, янада ҳушёр тортди.

Пойтахт жамоатчилигининг шу нохуш воқеа муносабати билан бўлиб ўтган йиғинида бир отахон шу ёвузларни падарлаънатлар, деб атади.

У жуда тўғри айтди. Улар оқпадарлардир. Улар падаркушлардир. Улар ота безори, она безорилардир. Улар халқнинг қаҳри-газабига дучор бўлди. Улар кафансиз, жанозасиз кетадилар. Уларнинг жирканч жасадларига Она ер бағридан жой бермайди.

Улар тўнғиз қавмида кетсин, омин!

*Саид АҲМАД
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТОҒДЕК ТАЯНЧИ

Мана, неча кундирки, барчамиз хомуш юрибмиз. Бунга сабаб 16 февраль кунги мудҳиш воқеадир.

Биринчи навбатда, яратганга минг шукурким, ёвузлик ниятига ета олмади. Лекин у қалбимизга буюк бир ғазаб баробарида муттасил огоҳлик туйғусини ҳам ташлаб кетди. Бу синовли кунларда Президентимиз халққа мурожаат этиб, тушкунликка тушманглар, саросимага

берилманглар, ваҳима қилманглар деб уқтирдилар. Аввало, Президентимизга Аллоҳ берган буюк ирода мавжудлиги яна бир карра ўз исботини топди. Юртбошимиз ўша кунидек, ўша дақиқалардаёқ мамлакат ишларига ҳар доимгидек матонат ва ғайрат билан киришиб кетдилар. Йўлбошчимизнинг бундай мардонаворлигидан ҳар биримиз куч олдик, руҳ олдик.

Тўғри, мен Президентимнинг даъватию топшириғини бир фуқаро сифатида адо этиб, ўзимни мағрур ва сипо тутишим жоиздир. Лекин, барибир шу кичкина жуссамда буюк бир вулқондай туйғулар жунбушга келди. Улардан бири — Президентнинг омонлигига шукроналик бўлса, иккинчиси — “Нега?”, “Нима учун?” “Нима мақсадда?” деган ҳайқириқ тўла бир нидо эди. Яна бири эса — чумолига ҳам озор беришни ҳеч қачон истамаган мўмин юрагимда ёвузликка нисбатан пайдо бўлган чексиз нафрат ва газаб эди.

Мен ўз-ўзимга, болаларимга, дўстларимга беихтиёр саволлар бера бошладим. Хўш, бировга ёмон гапирсанг, жавобини олгайсан. Бировга қўл кўтарсанг, у ҳам жим турмагай. Буниси тушунарли. Лекин жонингни жабборга бериб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, ҳаловатни унутиб, эзгулик учун, савоб ишлар учун, одамларнинг бахти деб, осойишталиги деб меҳнат қилсанг-у, улардан раҳмат ўрнига бомба олсанг.

Бу каби саволларга менинг ўзим ҳам жавоб топа олмас эдим. Бир гапни айтай, **йигирманчи асрда халқимизга Ислом Каримовчалик буюк хизматлар қилган ва қилаётган иккинчи бир шахс йўқ десам, янглишмаган бўламан.**

Бу бетакрор зотнинг аввалги ва кейинги барча фаолиятини наинки биз, балким бутун жаҳон афкор оммаси кўриб ва кузатиб турибди. Ушбу ҳақиқат неча марта айтилган бўлса ҳам шулардан баъзиларини яна бир карра эслатиб ўтай.

Ҳали Шўро империяси ўз кучини ўтказиб турган пайтдаёқ, ботқоққа буткул ботаёзган қадимий ва гўзал тилимизни ювиб-тараб, унга давлат мақомини берган

жасур раҳбар ким эди? Ўша вақтларда машғум “пахта иши” юзасидан гуноҳ-беғуноҳ жабр тортган юртдошларимизга қалқон бўлишга астойдил ҳаракат қилган раҳбар ким эди? Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида фаллакнинг ўзи ҳам унутиб юбораёзган, гўёки тутқунликка абадий маҳкум этилган мустамлака юртни заррача қон тўқтирмасдан мустақил деб эълон этган биринчи Президент ким эди? Миллий қадриятларимизни, ғуруримизни тиклашга астойдил бел боғлаган ва ғоят қисқа муддатда бунга эриша олган йўлбошчи ким?

Албатта, Ислоҳ Каримов!

Мен хизмат юзасидан хорижий сафарларда кўп бўламан. Аксарият мамлакатларда баъзи нотаниш суҳбатдошлар “Сиз қаердансиз?” деб сўрашади. Албатта, “Ўзбекистонданман” дейман. Шунда уларнинг юзларига беихтиёр табассум таралиб “Ҳа, Ислоҳ Каримовнинг мамлакатиданми?” дейдилар. Аёнки, юртбошимизнинг обрў-эътибори давлатимизнинг шаън-шавкати билан уйғунлашиб кетган.

Инсон боласининг таянчи — оила. Оиланинг таянчи — фарзанд. Ким нимаики қилаётган бўлса, фарзанди учун қилади. Қоққан битта михини ҳам кўрсатиб, “Болам, сенга мана шуни қолдираяпман” дейди. Келажак мавҳум тушунча эмас. Биз ҳам боболаримиз учун келажак ҳисобланганмиз. Шу маънода Ўзбекистоннинг буюк келажаги ёшлар камолотида эканлигини илғаган, уларга ишонган ҳамда уларнинг бошини меҳрибон бир падар янглиг силаб келаятган раҳнамо Ислоҳ отанинг ўзлари-ку. Албатта, мен бу ўринда жаҳон мактабларида таълим олиш имконига эга бўлган болаларимизнинг саногини келтириб ўтирмайман.

Афсуслар бўлсинки, кўпдан-кўп ичи қора гуруҳларга бизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таниётганимиз, осойишталигимиз, ҳамжиҳатлигимиз ёқмаётир. Улар Бизга қарши курашда муқаддас динимиздан восита сифатида фойдаланишдан ҳам тоймаётирлар. Кечаги манфурликлари туфайли уларнинг икки дунёси куйиб кетди.

Бир куни гапнинг ўнғайи келганда ўзини мулла ҳисоблаб эътиқодини иддаога айлантириб юрган бир биродаримга айтдим:

— Ҳой тақсир, сиз-ку ҳаммани шукроналикка чорлайсиз. Шу фазилатни, аввало, ўзингизга ҳам тилар эдим. Бир ҳожи сифатида айтиб кўяй, илгари молхонага айлантирилган масжидларимиз тикланди-ку. Муқаддас китобларимиз беназир бир муҳаббат билан чоп этилди-ку. Азиз-авлиёларимиз қадр-қимматларини топдилар-ку. Бошингизга оппоққина саллалар қайта қўнди-ку. Сталин-мўйлов даврида яшамагансиз. Аммо унинг ушбу соҳаларга муносабатини айтиб берсам, шайтонлаб қолган бўлурдингиз. Суягингиз Сибирь тайгаларининг қайси бир пучмоқларида айиқларга ем бўлиб кетар эди.

Эзгуликларимизнинг барчаси, албатта, истиқлол шадрофати билан бўлди ва бўлаётир. Истиқлолимиз буюк бир китоб бўлса, унинг муаллифи, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовдир. Ислом Каримовга қилинган таҳдид Ўзбекистонга, унинг барча тинчликсевар халқига, истиқлолга, тарихимизга, бугунимизга ва келажагимизга қилинган таҳдиддир.

Хуллас, айтсак, дилимизда уммончалик жўшиб турган гапларимиз кўп. Энг муҳими, улуғ ва доно халқимиз ўзининг улуғ ва доно йўлбошчисини аллақачон топди ва унга астойдил ишонади. Йўлбошчимиз эса ўз халқини тоғдек таянчим деб билади.

Демак, Ўзбекистонни ҳеч ким енга олмайди.

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони*

БИЗ ЯҚДИЛМИЗ ВА ҲЕЧ КИМ БИЗНИ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

Биз — турли миллат ва элат вакиллари бўлмиш Ўзбекистон фуқаролари бизнинг умумий уйимизда тинч ва барқарор ҳаётни бузишга мўлжалланган экстремистлар

хуружидан чуқур газабдамиз. Кўриниб турибдики, республикамиз раҳбари ўтказаятган демократик ислохотларни ривожлантириш сиёсати, жамиятда фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги ҳамда бу борада эришяётган ютуқларимиз кимларгадир ёқмаяпти. Қабиҳ ният билан уюштирилган жиноятдан асосий мақсад мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ҳаётига суиқасд қилишдан иборат бўлган. Биз, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари — Ўзбекистон фуқаролари ҳамда ватанпарварлари шуни яқдиллик билан баён қиламизки, Юртбошимиз амалга ошираётган ислохотлар йўлини барчамиз тўла қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизга миллатлараро муносабатларда амалга ошираётган доно сиёсати, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг маданий ва маънавий эҳтиёжлари учун тўла шарт-шароит яратиб келаётганлиги учун чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Мана шу ташвишли кунларда барчамиз — бегуноҳ ҳалок бўлганлар оиласига чуқур таъзия изҳор этамиз, барча ватандошларимизни тинчлик ва барқарорликни ҳамда мамлакатимиздаги яқдилликни сақлашга ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Ишончимиз комилки, қабиҳ ниятли террорчилар албатта одил суд олдида жавоб берадилар ва қилмишларига яраша жазосини оладилар.

Э. АНДРИС, Ўзбекистондаги немисларнинг “Видергебург” маданий маркази раиси, Э. ДАВИДОВ, Ўзбекистондаги яҳудийларнинг маданий миллий маркази раиси, Х. ДОРОГИДЕНИС, Тошкент шаҳридаги грек маданияти жамиятининг раиси, В. ЖАУНИС, Тошкент шаҳридаги Литва маданияти жамияти раиси, С. ЗИНИН, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази раиси, А. КАРИМОВ, Ўзбекистондаги қирғиз маданияти маркази раиси, И. КИМ, Ўзбекистондаги корейс маданияти уюшмаси раиси, И. МАМЕДОВ, Ўзбекистондаги Озарбайжон “Гардашлик” маданий маркази раиси, С. МАНСУРОВ-КОВРИГЕНКО, Украинанинг “Батькивщина” маданий маркази раиси, С. ПРОТАСЕВИЧ, Белорусларнинг “Свитанак” маданият маркази раиси, У. САЛМОНОВ, Туркиянинг Ўзбекистондаги “Ахисха” маданият маркази раиси, Д. САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистондаги тожикларнинг “Ориёна” маданият маркази

раиси, И. ТАГИЕВА, Ўзбекистондаги полякларнинг “Светлица Польска” маданият маркази раиси, И. ТУМАСОВ, Ўзбекистондаги арманларнинг миллий маданият маркази раиси, Т. ХОЛБАЕВ, Ўзбекистондаги қozoқларнинг маданият маркази раиси, И. ҲАСАНОВ, бошқирдларнинг жамоатчилик-маданий маркази раиси, В. ХОМЕРИКИ, Ўзбекистондаги грузинларнинг “Мегиброба” маданият маркази раиси, К. ХУДОЁРОВ, Ўзбекистондаги Уйғур маданият маркази раиси, Р. ЦЗЕН, Тошкент шаҳридаги “Тикланиш” корейс жамияти маркази раиси, Р. ЮСУПОВ, Ўзбекистондаги татарларнинг маданий-маърифий жамоатчилик маркази раиси, Е. ЯКОВЛЕВА, “Ўзбекистон-Польша” амалий ва маданий ҳамкорлик бўйича Халқаро уюшмаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Муҳтарам юртдошлар!

Ислом дини — одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келгани туфайли асрлар мобайнида юксак маънавий ва миллий аňаналаримиз мустаҳкамланишига хизмат қилиб келган. Элимиз имон-эътиқодининг бутунлиги жамият маънавий поклиги гаровидир.

Давлат фуқароларининг эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қараётган бир пайтда биз, диндорлар ҳам бунга жавобан давлат қонун-қоидаларига оғишмай амал қилиб, раҳбариятимиз олиб бораётган одилона тинчлик сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоғимиз даркор.

Афсуски, сўнгги пайтларда пок динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар пайдо бўлиб қолди. Булар хориждан юртимизга кириб келган турли хил бузғунчи оқимлар, дин ниқоби остидаги экстремистлар, мутаассиб ақидапарастлардир. Ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун улар турли йўллар билан халқимизга, айниқса, фарзандларимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз бу каби ҳолатларга чек қўйишимиз, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар пайини қирқиб, уларнинг

ҳар қандай уринишларига кескин ва мурасасиз кураш олиб бормоғимиз лозим. Мутаассиб ақидапарастлар ва динимизга бегона оқимларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга сира ҳаққимиз йўқ. Биз бу йўлда доимо собитқадам туриб, динимиз софлигини, Ватанимиз осойишталигини сақлаш, юртимизда тинчликни барқарор этишдек муқаддас ишга доимо содиқмиз.

Биз куни кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган фожиали воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг раҳнамоларини кескин қоралаймиз. Улар ўз жазоларини, албатта, бу дунёда ҳам, охираб ҳам олишларига аминмиз. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу машъум воқеа оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ юртдошларимизнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Вафот этганларни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!

Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш учун, юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши учун барчамиз масъулмиз. Биз, дин аҳли имон-этиқод, инсоф, меҳру оқибат ва эл-юрт фаровонлиги ҳамда ҳукуратимиз олиб бораётган одилона тинчлик сиёсатини кенг тарғиб-ташвиқ қилишга бор кучимизни сафарбар этамиз.

Аллоҳ таоло халқимизга тинчлик, хотиржамлик, тавфиқу ҳидоят ато этсин! Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг умрлари узоқ бўлсин, олиб бораётган барча ишлари истиқболли ва барокатли бўлишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам ва севимли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Сиздан жудо бўлишимиз мумкин эди, деган фикрнинг ўзидан халқ қалби ларзага келмоқда. Лекин қодир

Аллоҳ Сизни севимли Ватанингиз бахт-саодати учун асраб қолганини эшитиш жуда қувончлидир. Сизни — Ўзбекистоннинг буюк Йўлбошчисини Яратган эгам бундан буён ҳам ўзи асрайверишга чин қалбдан ишонамиз, Оллоҳ паноҳида ҳеч нарса кўрқинчли эмас.

Душманларингиз панд еб қолди — уларнинг ёвузликларига ваҳимаю парокандалик билан эмас, балки Сизга, ҳамма учун яқин ва қадрдон инсонга умумхалқ муҳаббатининг мислсиз жўш уриши билан жавоб қилинди. Ўзбекистон халқи ўз Президенти теварагида янада мустақкамроқ жипслашди, бирлигимиз янада мустақкамланди, Сиз танлаб олган йўлнинг тўғрилигига ва ҳамма жойда Сиз кўрсатган йўлдан боришга тайёр туришга ишонч кучайди.

Синов онларини Сиз ўзингиз ҳақингизда ўйламай, балки ёвузликнинг беғуноҳ қурбонлари ҳақида ташвиш чекиб, одамларга қалб сўзлари ва доно иш билан мадад беришга интилиб, олижаноблик ва мардлик билан кутиб олганингиздан қойил қолдик.

Дунёда ҳали бирорта давлат бошлиғига бу қадар кенг миқёсли ва ёвуз суиқасд бўлмаган. Лекин душманларингиз умидлари пучга чиқди: улар ўзларининг ҳақиқий қиёфаларини — ўз пасткаш мақсадлари йўлида беғуноҳ кишилар ҳаётини ҳам аямайдиган қотиллар қиёфасини бутун халққа кўрсатиб қўйди. Ёвузларнинг дини ҳам, виждони ҳам, миллати ҳам, Ватани ҳам бўлмайди. Улар шайтон малайларидир. Ёвуз кучлар Сизни аламзадаларча кўра олмаслиги Сизнинг фаолиятингиз Яратганга маъқуллиги, бу ишлар Ватанни бахт-саодат ва равнақ сари бошлаётганлигининг далилидир. Ёвузлик эзгулик олдида ожиздир: ёвузларнинг Сизга қарши барча ниятлари ҳам ожиздир.

16 февралдаги фожиа ҳақидаги хабарни мен Москвада эшитдим, бу ерда ҳазрат Патриарх Алексий II нинг юбилеи нишонланаётган эди. Ҳазрат Патриарх ва Православ черкови руҳонийлари, бутун Россия диндорлари бу ҳунук хабарни эшитиб, Сиз ва Ўзбекистон халқи

билан бирдамлигини ҳамда даҳшатли жиноятдан газаб-ноклигини билдирди. Сиз фақат жонажон Ўзбекистон учунгина керакли ва азиз эмассиз. Сизнинг эзгу ишларингиз ва тинчликсеварлигингиз, одамлар тўғрисидаги ғамхўрлигингиз, Ўзбекистондай давлатни ўта донолик билан бошқараётганингиз барча МДХ мамлакатлари учун олийжаноб намунадир.

Сахий ўлкамизда ҳозир куёш порлаб турибди, одамлар ҳам келажакка ёруғ юз билан назар ташлаб, бунёдкорлик ишини давом эттиришмоқда. Лекин юз берган воқеа ҳушёр бўлишга даъватдир. Ёвузлик кучлари уйғоқ турибди, қувончли туйғулар билан хотиржамликка берилмаслик керак: муқаддас ўзбек диёрида ёвуз ва нопок кучлар бўлмаслиги учун бутун халқ ўз сеvimли Президентини, ўз ҳукуматини, ўз Ватанининг ютуқларини, тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишни билиши лозим. Жонажон Ўзбекистоннинг бахтли келажаги йўлида қурбон бўлган — ёвузлар томонидан бегуноҳ ўлдирилган кишилар хотираси шунга чорламоқда. Биз бегуноҳ қурбонлар тўғрисида қайғурамыз ва уларнинг руҳлари боқий дунёда шод бўлиши, яқинларига сабр-қаноат бериши учун, бизнинг тинч ўлкамизда бундай воқеалар такрорланмаслиги учун Яратган эгамга ибодат қиламыз.

Мўъжиза кўрсатиб Сизни асраб қолгани учун Худога чин қалбимиздан шукрона айтамыз ва буюк Ўзбекистонда ўзингиз танлаган халқ бахт-саодатини барпо этиш йўлида яна узоқ йиллар давлатни олийжаноблик билан бошқаришингизда буюк мардлик, мислсиз матонат ато этишини Яратгандан тилаймиз.

*Камоли эҳтиром, самимий
меҳр-муҳаббат билан*

*ВЛАДИМИР,
Тошкент ва Ўрта
Осиё архиепископи*

ИСТИҚЛОЛНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АВАЙЛАБ-АСРАЙЛИК

Ўзбекистон халқига,
Республика Президенти Ислом Каримовга
Азиз ватандошлар!
Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Дўст бошга ташвиш тушганда синалади, дейди доно халқимиз. Асрларга татиғулик қисқа вақтда ўз қаддини тиклаб, жаҳонга танилган, тенглар ичида тенг бўлиб, тинчлик ва барқарорлик муҳитида буюк келажак биносини дадил қураётган халқимизнинг музаффарона одимини кўролмаётган бахиллар, ичи қора ёвуз кучлар ўзининг чиркин башарасини кўрсатди. Панада ётган, четдан писиб келган ёвузлар қадрли Президентимизнинг азиз жонига қасд қилиб, тараққиётимизни бўғмоқчи, тарих ғилдирагини ортга бурмоқчи бўлдилар.

Шукроналар бўлсинки, Аллоҳ назар қилган юртимизда улар парокандалик туғдириш ниятларига ета олмадилар. Халқимиз ўз йўлбошчиси каби оғир, босиқ, мулоҳазали эканини кўрсатди, ваҳимага тушмади. Бутун қаҳр-ғазабини тинч-фаровон ҳаётимиз душманларига қаратиб, уларга лаънатлар айтмоқда.

Азиз Президентимизни, хайр-баракотли Ўзбекистонимизнинг асл фарзандини, эрксевар, нияти пок Йўлбошчисини Худонинг ўзи асради. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, қадрли сардоримиз, Сизни Халқдан, Халқни Сиздан ажратиб бўлмайди. Халқ билан бир тан, бир жон бўлиб, бамаслаҳат, ҳамкор, ҳамдард, юрт манфаати, нурли келажаги учун курашиб келаятигингиз аён. Шундай экан, миннатдор халқ Сизни кўз-қорачиғидай авайлаб-асрашга ҳамиша тайёр, Сизга қалқон бўлиб ҳар қандай бало-қазоларнинг олдини олишга шай. Сизга отилган ўқ, халққа отилган ажал тиғидир. Худодан умиди йўқ, шум ният оқпадарлар, уларнинг ҳомийлари кўтарган қўл забунликка маҳқумдир. Фақат кўзларни каттароқ очиб, огоҳ бўлиб, сергак туриш, газандаларни инидаёқ маҳв этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Сизнинг шундай фавқулудда вазиятда ҳам ўзингизга хос бўлган мардоналик, жасурлик, фидойилик кўрсатиб халққа таскин берганингиз, зарур бўлса, жондан кечаман дейишингиз, бевақт қурбон бўлган беғуноҳ фуқароларингиз умрига оталарча ачинганингиз, уларнинг оиласи, ёр-биродарларига чинакам ҳамдард бўлганингиз ҳар биримизнинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди.

Сиз доимо суяниб келган, ҳамиша Сизни қўллаб-қувватловчи барча маҳаллалар аҳли Сиз билан биргадир.

Маҳаллалар ҳалоллик, одамийлик, эзгу-ниятлар жўшурган азим дарёки, йўлида учраган хори-хасларни, бахтиқароликни истаган бахилларни, ҳаром луқмага учган нопокларни бешафқат оқизиб, гирдобига дучор қилишга қодир.

Биз шуни баралла айтамызки, мустақиллигимизнинг жон ришталари Сизнинг ҳаётингиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Сизнинг муборак умрингизга чанг солиш — не-не орзу-армонлар билан етишганимиз Мустақиллик иморатига раҳна солиш билан баровардир. Биз учун ҳозир Сиз Мустақиллик каби энг зарур қадриятга айланиб қолгансиз. Бу қадриятга ғубор қўнмаслиги учун аввало ваколатли ташкилотлар, биз — ҳаммамиз нимаики зарур бўлса, барини қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Шарқда шундай қанотли ибора бор: қутирган ит эгасини қопади. Биз уни ранги оқми, қоралигидан қатъий назар қидириб топиб, жазосини беришимиз керак, карвон ҳидоят йўлида баравж юравериши лозим.

Ҳурматли юртдошлар! Ўзингизга аён: дунёнинг гоҳ бу, гоҳ у нуқтасида, чегараларимизга яқин юртларда ҳунрезликлар содир бўлмоқда, бечора одамлар туну кун қўрқув ва даҳшатда яшамоқда. Мақсадимиз — ҳамма жойда тинчлик бўлсин. Юртимизда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, мавжуд барқарорлик, янги ёш-авлодларимизнинг бундан-да гўзал ва фаровон келажагини таъминлаш ҳаммамизнинг янада сергак, ҳушёр туришимизни, атрофимиздаги воқеаларга бефарқ қарамай, фаолликни оширишимизни тақозо этади. Бу жабҳада Истиқлолнинг тотли ҳавосидан баҳраманд бўлган ҳар бир фуқаро, аввало маҳалла оқсоқоллари, табаррук ота-

хон ва онахонлар, зукко фарзандларимиз чин фуқаролик фазилатларини намоён қиладилар, деб ишонамиз.

Зеро, фидойилик — озодликка эришган ҳар бир халқнинг энг биринчи хислати бўлиши керак. Аллоҳга банда, Пайғамбарга уммат, Давлатга фуқаролик бурчларимизни тўла-тўқис адо этайлик. Бизнинг комилликка эришишимиз ана шу юксак масъулиятни теппа-тенг оқлаб боришимизга боғлиқ.

Истиқлолимиз иморати мустаҳкам, бу қутлуғ иморатнинг Бош меъмори сергак. Уларни кўз қорачигидек авайлаб асрашга куч-қудратимиз етади, иншооллоҳ!

*Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармаси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мустақил Ўзбекистонимиз истиқлол йўлида шахдам қадам ташлаб кетаётган бир пайтда, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида шу йил 16 февралда бўлиб ўтган машъум воқеалар Давлат матбуот қўмитасининг барча ишчи-хизматчилари, ношир ва матбаачилари қалбини ларзага солди. Машъум портлашлар фаровон турмушимизни, порлоқ келажагимизни, доно ва мард, ғамхўр йўлбошчимизни йўқ қилишга қаратилганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бундай қонхўрлик, ғаламислик серқуёш юртимизни, аҳил-иноқ халқимизни ва улуғвор ишларга бош-қош бўлаётган дадил Президентимизни кўролмайдиган ашаддий ғанимларнинг, нонкўрларнинг ишидир.

Биз ношир ва матбаачилар Сизнинг куни кеча чоп этилган барчага дастуриламал бўладиган, ҳаммамизнинг китоб жавонимиздан жой оладиган пурҳикмат “Маънавий юксалиш йўлида”, “Баркамол авлод орзуси” номли асарларингиздан тўлқинланиб яшаётган эдик. Бу китобларнинг тақдимот маросимлари шу қадар ҳаяжон-

ли, мазмунли ва бир умрга эда қоларли даражада ўтаётган эдики, бундан қалбимиз бир олам қувончга, ғурурга тўлган эди. Ана шундай тарихий дамларни кўролмайдиган кимсалар қабиҳ жиноятларга қўл урдилар. Бу жиноятни асло кечириб бўлмайди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳақиқий ватанпарвар, билимдон мутахассис бўлиб вояга етиши тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилмоқдасиз. Матбаа, нашриётчилик ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб, қўллаб-қувватлаясиз.

Давлат матбуот қўмитаси корхона ва ташкилотларининг кўп минг кишилик жамоаси Сизнинг мамлакатимиз матбуоти, ноширчилик ва матбаа соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор бериб келаётганингизни, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлигингизни ҳар кун, ҳар он ҳис қилиб келмоқда. Бу борадаги Сиз имзо чеккан Фармонлар ва ҳукумат қарорлари мустақил Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ва матбаачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз — Давлат матбуот қўмитаси ходимлари Сизнинг мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидан буюк келажак сари боришида ҳаракат дастури бўлиб қолган, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда дастуриламал бўлган ўнлаб китобларингизнинг минглаб хонадонларга кириб боришида баҳоли қудрат ҳиссамиз борлигидан беҳад фахрланамиз.

Эндиликда бу асарлар халқимизнинг энг сеvimли китоблари бўлиши билан бирга дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида ўнлаб чет тилларда чоп этилиб, Ўзбекистоннинг маданий, тарихий, иқтисодий салоҳияти билан таништиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай ташвишли кунларда республикамиз халқи қаторида биз ҳам Сизнинг ёнингизда турамыз, мамлакатимиз аҳлини Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятимизни кучайти-

рамиз. Ишонамизки, мустаҳкамланаётган мустақиллигимизни ҳеч ким йўққа чиқара олмайди.

Душманларимиз билиб қўйишсин. Халқимиз Сизнинг атрофингизда янада мустаҳкамроқ жипслашиб, ёвуз кучларнинг қора ниятларини фош этади ва уларга вақтида зарба беради. Энди биз ким дўст, ким душман эканлигини яхши биламиз. Ўз Президентимизни, озод Ватанини, Мустақилликни бир жон-бир тан бўлиб ҳимоя қиламиз. Ёвуз ва нопок кучлар халқнинг ғазабига дучор бўлиб, жазосини олади. Сиз туфайли қўлга киритилган мустақиллик, озод Ватан, Сизнинг эзгу ишларингиз асрлар оша абадий қолади!

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич! Давлат матбуот қўмитасининг кўпминг кишилиқ ходимлари Ватанимизнинг буюқ келажаги учун олиб бораётган эзгу ишларингизда ҳамиша Сиз билан бирга бўладилар. Сиздаги мардлик ва жасорат бутун Ўзбекистон халқи қатори бизни ҳам матонатли бўлишга, ёвуз ниятли террорчи гуруҳларга қарши аёвсиз курашишга, уларни фош этишга ундайди.

Халқимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқиши учун ҳамиша соғ-саломат бўлинг, озод Ўзбекистонимизни, Сиз азиз Йўлбошчимизни, фидойи халқимизни Аллоҳнинг ўзи асрасин!

*Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитаси*

КЎЗИМИЗНИ КАТГАРОҚ ОЧАЙЛИК

Мен бу сўзларни ниҳоятда қайғуриб, дилим оғриб, ғаламисларга нисбатан қаҳр-ғазаб билан айтяпман. Ажабо, шу қадар гофил, хотиржам бўлиб қолдикми? Ахир нега дориломон кунларимизнинг қадрига чинакам етиш ҳақида ўйлаб кўрмаймиз?! Мен лаганбардорларни ёқтирмайман. Кўргани кўзим йўқ уларни. Аммо ҳақ гапни

айтмасам, туролмайман! Худолигимизни айтайлик. Юртбошимиз ҳеч қайси раҳбар қилолмаган ишни қилипти-ку!

Ҳаммамиз яхши биламиз. Амир Темурни бизнинг онгимизга “жаллод”, “қонхўр” деб сингдириб келишди. Президентимиз эмасми, мардлик қилиб улуғ бобомизни юзага чиқарди, оқлади! Бу — маънавиятимизни, ўзлигимизни англаб олиш йўлида қилинаётган чеки-чегараси йўқ ишлардан бир шингил гап.

Мустақил Ўзбекистонимизни юксалтириш, обод, кўркам қилиш борасида амалга оширилаётган жасоратли ишлардан! Ёки бошқа бир мисол. Фақат бизнинг Ўзбекистондагина чегараларимизнинг дахлсизлигини ўзимиз таъминлаб, ўзимиз қўриқлаяпмиз, десак муболаға бўлмайди. Тўғри-да, ким ўз хонадонининг калитини қўшнисига топшириб қўяди? Келсаки, уйи қулф-лоғлиқ, қачон қўшни очиб беради, деб пойлаб ўтирадимми?! Юртбошимизнинг саховатли ишлари ҳақида қанча гапларни гапирсак ҳам оз. У киши халққа суяниб, халққа ишониб, халқ ғамини еяптилар, ҳузур-ҳаловатларидан ҳам воз кечяптилар!

Афсуски, орамизда лоқайдлик касалига йўлиққанлар оз эмас. Баъзан ташқарида, у ер-бу ерда тўпланиб олиб, ундай бўляпти, бундай бўляпти, деб шивир-шивир қиламиз. Камчиликларни айтамыз, ақл ўргатамыз. Бироқ йиғинларда, мажлисларда ҳеч нарсани билмагандек, оғзимизга талқон солиб ўтирамыз. Гуёки минбарга чиқиб, бор гапни рўй-рост айтадиган бўлсак, амалимиздан ажраб қоладигандек... Кўрган-билган, ҳис қилган нуқсонлар, камчиликларни сиз айтмасангиз, биз айтмасак, яширсак, боз устига “ҳамма нарса яхши, ҳеч нарсадан камчилик жойимиз йўқ”, деб ёлғон гапираверсак, бора-бора кемтик жойларимиз катталашиб, газак олиб кетаверади-ку?! Оқибатда улкан ишларимизга путур етади-ку.

Демоқчиманки, биродарлар, кўзимизни каттароқ очайлик. Лоқайдлик, боқибегамлик, хотиржамлик касалидан тезроқ фориф бўлайлик. Ана шунда мудҳиш



ишларнинг қайтарилмаслигига кўкрагимиз билан қалқон бўламиз.

*Жўра ХОНАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси, Республика “Нуроний”
жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси*

ҲАМИША БИРГАМИЗ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимиз пойтахтидаги воқеалар барча қатори Бухоро Давлат университети ҳузуридаги “Оташюраклар” клуби аъзоларининг ҳам нафратини кўзғади. Сиз мустақиллик учун, Ватан учун жонимни фидо қилишга тайёрман деб биз ёшларга фидойиликнинг энг олий намунасини кўрсатдингиз. Қалбингизнинг туб-тубидан отилиб чиққан бу садо биз ёшларни ҳам, Ватанимиз, халқимиз тақдирига бефарқ қарамасликка, ҳамма жойда ва ҳамиша ҳушёр бўлишга ундайди. Ана шундай қийин дамларда биз ёшлар Сизга суянч, қанот бўлиш ва мадад бериш учун фидойиларни ўз сафига олган “Оташюраклар” клубини туздик. Ватан тақдирини учун куч-ғайратимизни, ёшлик шижоатимизни, қалбимиз кўрини ва Аллоҳ берган умримизни бахшида этишга онг ичдик.

Клубимизнинг “Оташюраклар” деб айтилишига сабаб шуки, у Сиздек довюрак, садоқатли, Сиз таъкидлаганингиздек, ёниб яшайдиган, халқ бахти, мамлакат тинчлиги ва фаровонлиги йўлида меҳнат қиладиган мард, жасур ўғил-қизларни бирлаштиради.

Сизнинг “мамлакатимиз ёшлари менинг ўғил-қизларим” — деган сўзларингиз биз ёшларга янги куч-қувват, илҳом бахш этди. Шу билан бирга Сиздек фидойи йўлбошчимизга фарзанд бўлиш бизнинг зиммамизга бениҳоя катта масъулият ҳам юклайди.

Биз келажак авлод олдидаги бурчимизни теран ҳис қилиб, Сиз таъкидлаган келажаги буюк давлатни барпо қилишга азму қарор қилганмиз.

Биз она-Ватанимиздаги барча тенгдошларимизга му-
рожаат қиламиз, ёшлик шижоатини давлатимизнинг
қудрати ва шуҳратини кўтаришга сафарбар қилсинлар.

Мамлакатимиз ва Сиз учун қийин бўлган синов дам-
ларида биз ёшлар Сиз билан биргамиз. Яна таъкидлай-
миз, Сиз олиб бораётган доно ва изчил сиёсатни бутун
қалбимиз-вужудимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўз навбатида бегуноҳ қазо қилганларнинг оила аъзо-
ларига ҳамдарддигимизни изҳор қиламиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, биз Сиз бошлаган
эзгу ишга абадул абад содиқ бўлиб қоламиз. Ҳамиша
Сиз билан биргамиз.

*Бухоро Давлат университети ҳузуридаги
“ОТАШЮРАКЛАР” клуби аъзолари*

ЁШЛАР ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

16 февраль куни Тошкентда содир этилган қўпоров-
чилик ҳаракатлари тўғрисида эшитиб, қалбларимиз лар-
зага келди. Содир этилган қўпоровчилик ҳаракати, авва-
ламбор, халқимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг посбони
бўлган Ўзбекистон Республикасининг Президентига —
Сизга қаратилган бўлиб, бу мустақил мамлакатимизнинг
тинчлиги, ривожланишини кўролмаётган кучларнинг
ишидир. Озодликка эришган халққа, озодлик, мустақил-
лик, ривожланиш йўлидан ўзга яна нима керак. Биз-
нинг ривожланишимизни кўролмайдиган кучлар мав-
жуд экан. Бу ҳақда сиз кўп айтдингиз, аммо уларни бу
қадар ёвузликка, бу қадар қабиҳликка боради дея ўйла-
маган эдик. Бундай кучлар ўзларини қабиҳ ниятларини
яшириш учун гоҳ дини исломни, гоҳ адолатни юзларига
ниқоб қилмоқчи бўладилар. Ниқоб бўлмай нима? Қила-
ётган ишлари исломга зид бўлса, улар кимни аврамоқ-
чи, кимга ўргатмоқчи? Дини ислом маърифатини дунё-
га ёйган буюк алломаларнинг авлодларига сабоқ бер-

моқчи бўлаяптиларми? Адолат ҳомийсига суиқасд уюштириб яна қандай адолат ҳақида гапиришмоқчи? Биз бу воқеадан кейин янада ҳушёр бўламиз. Сиз айтаётгандай, бизнинг энг катта кучимиз ўсиб келаётган ёш авлод, биз уларни ҳар хил “Серка”ларнинг орқасидан эргашиб кетавермайдиган, ҳақиқий шахслар қилиб тарбиялашимиз керак.

Сизнинг телевидение орқали “Ўзбекистондаги миллион-миллион ёшлар ўзимнинг фарзандим, ўзимнинг болам” деб айтган сўзларингизни эшитиб, ҳаммамиз дил-дилдан тасдиқладик. Ҳа, ёшлар бизнинг болаларимиз. Уларни ўзимиз тарбиялаймиз. Уларнинг тарбияси учун биз — ўқитувчилар ҳам жавобгармиз. Шундай экан, Тангри Таоло ато этган бор кучимизни уларнинг тарбиясига бағишлаймиз. Бизнинг келажагимиз ҳам, ишончимиз ҳам, қалқонимиз ҳам ёшлардир.

Биз ушбу ҳаракатлар натижасида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг оилаларига сабр-бардош тилаймиз, ўтганларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Бундан буён янада ҳушёр бўлиб, Сизнинг атрофингизда бирлашамиз. Чунки куч бирликдадир.

*Наманган вилояти, Норин тумани,
Хаққулобод шаҳридаги
47-махсус интернат жамоаси*

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Бу хабарни эшитиб ўзимга келолмай қолдим. Телевизор орқали кўриб, саломатлигингизни билиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Сизни, аввало, Аллоҳ, қолаверса, эл-юртимизнинг дуоиси асради. Мен шундай деб биламан. Бу қайси оқпадарнинг, қайси худобехабарнинг иши экан. 16 февраль куни содир этилган қўпоровчилик ҳаракатлардан олдимизда турган вазифаларга яна-

да жиддий, масъулият билан ёндошмоғимиз кераклигини англаб етдик. Бизни танлаган йўлимиздан қайтаришни, адаштиришни кўзлаган кучлар бор эканми, демак ҳушёр бўлишимиз керак экан. Айниқса, ёшлар тарбиясига бўлган эътиборни янада кучайтиришимиз лозим экан.

*М. АКБАРОВ,
Хўжаобод туманидаги
18-ўрта мактаб директори*

* * *

Ҳозирги ҳур фикрли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолияти, бутун мамлакатни қамраб олаётгани албатта, бу Сизнинг одилона сиёсатингизнинг мевасидир. Ёшларимиз замонавий усулда ўқишмоқда. Бизнинг энг муҳим вазифамиз, Сиз айтаётгандай, ёшларимизни қабих ниятли кишилар қўлига, таъсирига тушиб қолишдан асрашдир. “Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, чунки улар мустақил ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади” деган сўзларингиз ҳаммамизнинг дилимиздаги гаплардир. Биз Сиз билан фахрланамиз. Сиз бизнинг ўзимиз сайлаган Президентимиз, давлатимиз рамзисиз. Сизга садоқат, юртга садоқатдир! Бинобарин, Сизга садоқат, озодликка — ҳурликка — одамийликка — адолатга садоқатдир! Сизга садоқат, аждодларнинг пок руҳига, уларнинг орзу ва мақсадларига, ўзликка садоқатдир! Бизни бу садоқатдан ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Биз Аллоҳдан ҳамиша Сизни, юртимизни ўз паноҳида сақлашни, эл-юрт манфаати йўлидаги хайрли ишларингизда сизга мадад беришини тилаб қоламиз.

*Бухоро вилояти, Шофиркон тумани,
Иброҳим Мўминов номли мактаб жамоаси*

Мудҳиш воқеа бизларни жуда газаблантирди. Сизнинг телевидение орқали “Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз” деган сўзларингизни эшитиб юракларимиз янада ёришиб кетди. Аслида бу ёруғликни бизга Сиз, Сизнинг бошчилигингизда қўлга киритилган истиқлол берди. Бугун барча фарзандларингизнинг дилида иймон, қўлларида китоб, улар Сизнинг “Куч — билим ва тафаккурда” деган сўзларингизга жавобан, илм йўлига кирдилар. Ҳа, бизга дунёвий билим керак! Отабоболаримиз дунёни билим билан забт этганлар. Бизнинг ҳам йўлимиз шундай бўлади. Қора кучлар дўстлигимиз, садоқатимиз, илмимиз, бирлигимиз олдида тиз чўкишига ишонамиз. Сиз “XXI асрда дунёни маданият ва маънавият асраб қолади” деб айтмоқдасиз. Бугун бу сўзлар юртимиз чегараларидан чиқиб дунё болалари, халқлари қалбида ҳам акс садо бермоқда. Сиз бизнинг барча соҳаларда ўз фикрига эга, манаман деган олимлар билан беллаша оладиган йигит-қизлар, шахслар бўлиб етишишимизни истайсиз. Биз мана шу йўлдан бормоқдамиз. Биз бугун фикрсиз, онгсиз, оломон эмасмиз, бўлмаймиз ҳам. Иродамиз мустақкам, танлаган йўлимиз қатъий! Биз улуғ ишларда Сизга қанот бўламиз. Энди бу қанотларни қирқадиган куч йўқ. Негаки, биз парвоз қилдик, дунё осмонига чикдик. Бу ўлкада энди ёвузлар учун, бизни тутқун қилмоқчи бўлганлар учун йўл йўқ! Мудҳиш тузумда биз ким эдик? Ғурури топталган, ўзлигидан йироқ, дини оёқости қилинган миллат эдик. Бугун-чи? Бугун, бутун дунё тан олган, бутун дунё ҳавас билан қараётган мустақил диёрмиз, мустақил Ўзбекистонмиз!

Биз ёшлар ҳамиша Сизга содиқ бўлишга, мустақилликни асрашга, Ватанимиз келажаги учун бор кучимизни, билимимизни сарф этишга қасамёд қиламиз!

*Навоий вилояти, Кармана шахридаги
5-ўрта мактаб ўқувчилари*

ҚАДРДОНИМИЗ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ёши етмишни қоралаган, ҳаётнинг паст-баланди ва аччиқ-чучугини тотган кишига, айниқса, умр бўйи эл-юртининг камолини ўйлаб, орини орлаб, номусига қай-ғуриб келган шоир одамга бундай мудҳиш воқеа ҳақидаги хабар қанчалик ёмон таъсир қилишини, албатта, Сиз жуда тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Сиз доимо ўз халқингизнинг дилида, тилида турган гапларни айтиб келгансиз. Кечаги воқеалардан сўнг сўзлаган нутқингиз эса, ёшу қари — барчанинг фақат Сиздай одил ва талабчан раҳбардангина кутиши лозим бўлган сўзлар эди. Айниқса, шу кунни Олий Мажлис биносига ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқингизда жафокаш ва меҳнатсевар оддий одамлар, ёшлар ҳақида куюниб гапирган сўзларингиз менинг қўлимга қалам олиб, ушбу мактубни битишимга туртки бўлди. Ўз бошига, ўз жонига суиқасд уюштирилган бир пайтда ҳам ўз элини, ўз республикасидаги ҳар бир вилоятни, айниқса, болаларнинг келажагига қайғуриб, жон куйдирган Президентлар тарихда камдан-кам. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг. Худо хоҳласа, бу кунлар ҳам ўтиб кетар, ана шу ёруғ кунларда бундай калтафаҳм кимсалар устидан даврнинг ўзи одил ҳукмини чиқарган пайтларда ҳам бирга бўламиз.

ПРЕЗИДЕНТ

Замон кучли зилзиладан силкиниб,
Турғунлик кўргони емрилди ичдан.
Довуллар ҳукмида денгиз юлқиниб,
Тўлқинлар сапчиди асос бир кучдан.

Қийратмоқчи бўлди тошларга уриб,
Тўлқин ул баҳайбат кемаларни ҳам.
Журъат қилиб, штурвални бошқариб,
Хуррият дарғалари келдилар шахдам.

Шунда биринчилар қаторида Сиз
Жасорат камарин белга тақдингиз.
Аждодлар руҳига сиғиниб дилдан,
Такаббур қудратга қарши чиқдингиз.

Империя — етти бошли аждарҳо,
Ҳамла қилар эди бир зум тинмасдан.
Бемисл жасорат кўрсатиб шунда
Қутқардингиз Ҳумо қушни қафасдан.

Ҳумо — давлат қуши, ёзиб қанотин,
Учди, эл устига соясин солди.
Соҳибқирон руҳи ўйнатиб отин,
Ўзбек ўз тақдирин қўлига олди.

Умид қилиб буюк келажагидан
Халқ қувонди. Битди қуллик зардоби.
Шарқ осмони узра кўк жиягидан
Бош кўтарди Мустақиллик офтоби.

Эсимда, парламент минбаридан Сиз
Дедингиз: “Бас қилинг мадҳу санони”.
“Мени ўз ҳолимга қўйинг”, дедингиз,
“Елкамда — халқ юки, ишонч-иймони.

Етказмогим лозим уни манзилга,
Нега даркор бир-бировга хушомад?!
Тиз чўкиб илтимос қиламан: элда
Тинчлик-тотувликни сақланг бағоят!”

Бу эди инсоний фазилат сўзи,
Халқ кўнглида тошди Сизга муҳаббат.
Ҳар ким ўз номига эгадир ўзи,
Мақсад — мақтов эмас, — ҳақлик, адолат.

Тақдирнинг тиканли сўқмоқларидан
Ялангоёқ юргизиб талай қор-музда,
Қондириб заковат булоқларидан,
Тангрим Сизни берган толеимизга.

Серташвиш ва телба ушбу дунёда
Сиз янги, тўғри йўл солиб келасиз.
Юрт қарвонин кечувсиз бу дарёдан
Оғдирмай, ўтказиб, олиб келасиз.

Машаққатлар ҳали ортда қолади,
Меҳнаткаш халқ гуллатар бу Ватанни.
Дунё “бир кўрсам” деб ошиқ бўлади
Ўзбекистон номли жаннат маконни.

Бизни тан олмоқда дунё тўрт ёғи,
Бугун янги аср бўсағасида.
Сиз кўтарган Мустақиллик байроғи
Ҳилпирар БМТ остонасида.

Халқ юкини толмай олиб келасиз,
Сиздан рози бугун ҳар овул, ҳар кент.
Катта обрўй қозонасиз ҳали Сиз,
Худо қувват берсин, жаноб Президент!

Келгуси авлодлар олгайлар ёдга,
Тангрим шафоатли назарин солгай.
Сизу биздан шу эртанги авлодга
Озод ҳамда обод бир Ватан қолгай.

Юртбошисиз халқнинг дил тўридаги,
Ёш қўшилсин қутлуғ бу ёшингизга.
Қорақалпоқнинг оппоқ қалб кўридаги
Олқиш ва саломин йўллайман Сизга!

*Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ шоири*

ТЕМУРЗОДА

Ҳотам дунё ҳимматлари бор,
Ҳикмати бор ҳар бир туҳфасин,
Юз йилда бир туғилса сардор,
Парвардигор ўзи асрасин!..

Бошда тутса ҳар ғамбодасин,
Эркин — ерда ётган шодасин.
Юрт деб ёнган Темурзодасин
Парвардигор ўзи асрасин.

Бешикда тинч ухлар гўдак жон,
Кулгисига садқа бу жаҳон,
Миллат учун ким бўлса қалқон,
Парвардигор ўзи асрасин.

Чаманингга бўйлаган беор,
Баҳорингни кўролмаслар бор.
Кимки карвон бошидаги нор —
Парвардигор ўзи асрасин.

Дунёга боқ, хаёл етмагай,
Бурчаги йўқ олов кетмаган.
Осмони тинч, осуда Ватан!..
Парвардигор ўзи асрасин.

Бошин силаб ёшу кат син
Чинордайин шоҳу навдасин,
Асрагувчи элнинг Отасин —
Парвардигор ўзи асрасин.

Кенгашганга дунё кенг ахир,
Биринг ёқа, биринг енг ахир.
Қавмим кел, деб ким очса бағир,
Парвардигор ўзи асрасин.

Кўрдик кеча мум ютган мулзам,
Куллуқфуруш подшоларни ҳам!..
Сарварини — халқидек ўктам,
Парвардигор ўзи асрасин.

Юртим, ёд эт наҳору шоминг,
Дилингда шу бўлсин каломинг:
Ким тикилса дини исломинг,
Парвардигор ўзи асрасин.

Жонингни тут жони фидога
Айтганинг бор экан худога.
Ўзбекистон, қўл оч дуога,
Парвардигор ўзи асрасин!..

*Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири*

ФИТНА

Қалқиб кетди шаҳар ногаҳон,
Юракларни хавотир қучди.
Ойналарда акс этган осмон
Чил-чил синиб тўкилиб тушди.

Кунпаякун қилмоқ-чун чоғи,
Осойишта, муҳташам кентни,
Куппа-кундуз фитна сиртмоғи
Кутар эди Президентни.

“Қамаштирди кўзларни жуда,
Бунча ёруғ Истиклол йўли!..” —
Эмин-эркин халқнинг бўғзига
Узатилди қабоҳат қўли.

Аён бўлди ғаним истаги,
Нокас иши шундоқ тубан, паст!
Хайриятки — юраклардаги
Мовий осмон топмади шикаст!

Йироқ кетсин балонинг кўзи,
Бутундир юрт, бут Бош кентимиз
Паноҳида асради ўзи,
Соғ-саломат Президентимиз!!!

Бир зум зулмат қоплайди дилни,
Отилганди кимга машъум ўқ?!
Хурриятни таниган элни
Ҳеч бир замон енгиб бўлмас, йўқ!

Юртим, бахтинг сўнмасин асло,
Осмонларинг тортмасин хира.
Зафар қучиб кулганда ҳатто
Ёв нигоҳин унутма сира!

Мирнўлат МИРЗО

ЁРУФ КУНЛАР ОЛДИНДА

Мен бу йил 104 ёшга кирдим. Умрим давомида қанча қийинчиликлар кўрдим. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, ҳамма мушкулларни енгиб, шу ёшга етдим. Лекин ўтган ҳаётим давомида ўзбек бўлиб, ўз юртимизда бағрим тўлиб яйрамаган эдим. Мустақилликка эришгач, озодликни кўриб яйрадим, ободликни кўриб яйрадим.

Тошкентда юз берган қабиҳлик тўғрисида эшитиб юрагим зирқираб кетди. Бегуноҳ кетганларга ачиндим. Уларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Йиғлаб дуо қилдим, юртбошимиз Ислом Каримовни тани-жони соғлиги учун Аллоҳга шукрона айтдим. Илоҳим уларга менинг ёшимни берсин, менинг ёшимга етказсин.

Менга нима керак, орқамда қоладиганларимнинг тинчлиги, осойишталиги, Эртаю-кеч Худойимдан шуни сўрайман. Душманларни ўзи жазосини берсин. Мен шу ёшга кириб бировга ёмонлик тилаб дуо қилмаган эдим,

аммо уларни қаргайман: Илоҳим, бир томчи сувга, бир сиқим тупроққа зор бўлсин!

*Эматулло бобо
ХУДОЙҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти Денов тумани,
Бобур жамоа хўжалиги*

* * *

Мен бир Она сифатида пойтахтимизда содир бўлган ёвузликдан юрагим ларзага тушди. Юртбошимизни телевизорда кўриб, гапларини эшитиб, Аллоҳга шукроналар айтдим. Президентмизни аввало, Худо асради, халқимизнинг дуоси асради.

Ҳамма оналар ҳам бешик тебратаётиб қанча орзулар қилади. Ҳеч ким ўғлим ёмон бўлсин демайди. Аммо бу истақ, бу орзунинг ўзи камлик қилар экан. Биз ҳаммаша фарзандларимиз юрагига қулоқ тутиб, бохабар бўлиб яшашимиз керак экан. Ёш фарзандларимизни кўнгилга ким кириб келаяпти. Нима мақсадда, буни билишимиз керак экан. Ахир боғимизга ўғри тушса, дарҳол изига тушамиз, калтак олиб қувлаймиз. Лекин энг азиз боғимиз — фарзандларимиз юрагига тушган, тушмоқчи бўлган ўғриларга нега бепарво бўламиз. Президент, “Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз” деб айтдилар.

Азиз Ота-Оналар, фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўймайлик. Бир сўм топиб келса ҳам қаердан, қандай топганлигини суриштирайлик. Ўқийдиган китобларини кўрайлик. Ҳаммаша улар кўз ўнгимизда бўлсин. Огоҳ бўлайлик. Бизнинг умидимиз, ишончимиз, керак бўлса қалқонимиз бўлган ёшларимизни ўзимизга нисбатан қурол қилишларига йўл қўймайлик. Мен барча оналарни хушёрликка чақираман.

*Зарифа она НОРХАНОВА,
Наманган вилояти, Учкўрғон тумани,
Ҳамза кўчаси, 24-уй*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шу йилнинг 16 февраль куни пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеалар имон-эътиқоди, диёнати бор ҳар бир қалбни ларзага келтирди. Бизнинг 40 минг кишилик федерациямиз аъзолари бу воқеаларни Ҳурриятимизга, эзгу ғоямизга, миллатимиз ва Ватанимизнинг порлоқ истиқболига, Сиздек фидокор зот олиб бораётган оқилона инсоний сиёсатга нисбатан тажовуз деб қабул қилди. Эзгуликни кўролмайдиган, тинчлик-хотиржамликка ғараз кўз билан қарайдиган қора кучларнинг найранглари энди ўтмайди. Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда озод Ватанимиз қисқа муддат ичида оламшумул муваффақиятларга эришди. Бунинг бутун жаҳон ҳамжамияти тан олиб турибди. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик натижасида халқимиз эркин меҳнат билан банд, ютуқларимиз ҳайратланарли. Бу эса ўз навбатида қандайдир эгри ниятли гуруҳларнинг ғашини келтирмоғи табиий.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Бу воқеалар элимиз, юртимизнинг мустақилликни, тинчлик-хотиржамликни нечоғлик меҳр билан яхши кўришини, керак бўлса бунинг учун жонини ҳам аямаслигини, Сиз билан, Сизнинг сиёсатингиз билан яқдил, ҳамнафас эканлигининг ҳам бир намойиши бўлди. Биз ҳам, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сиз билан биргамиз, Сиз билан ҳамдам-ҳамнафасмиз. Мустақиллик шарофати туфайли бизнинг каратэ Миллий федерациямиз қисқа муддатда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди, жаҳон майдонларида кўп марта Ўзбекистон байроғини юксак кўтаришга муваффақ бўлди.

Хавотирга асло ўрин йўқ. Биз мустақил Ватанимиз, Президентимизни истаган пайтда ҳимоя қила олишга қодирмиз.

Сизга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ҳормай-толмай раҳнамолик қилишингизда куч-қувват тилаб қоламиз...

*Сизга чексиз
ҳурмат-эҳтиром билан*

*Нурхон НАҒАСОВ,
Ўзбекистон каратэ
Миллий федерацияси раиси*

ЙЎЛБОШЧИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ !

Бугунги талаба ёшларнинг қатъий фикри ана шундай

Қамолiddин МУРОДОВ (Сурхондарё вилояти):

— Кунни кеча пойтахтимизда содир бўлган воқеалар тинчлик-осойишталик биз учун қанчалик қадрли эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди. Бу ҳодиса мустақиллигимизни, тинчлигимизни, иқтисодий соҳаларда эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган тубан кимсаларнинг ишидир.

Иймони бут, иродаси мустаҳкам халқимизни ҳеч ким енга олмаслигини улар барибир бир кун тушунишади. Президентимиз ҳаётига уюштирилган суиқасд бутун ўзбек халқига, Ўзбекистон аҳолисига, унинг келажагига, истиқболига уюштирилган суиқасд деб биламан. Бу ваҳшийлик мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг иродасини, иймонини имтиҳондан ўтказди. Кўзни каттароқ очиб атрофга теранроқ назар ташлашга мажбур этди. Аммо бу ваҳимага, саросимага тушиш дегани эмас. Йўлбошчимиз катта ишонч билан айтганларидек бундай қўпоровчиларнинг томирини қирқиб қўйишга кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етади.

Шарофат ХИДИРОВА (Жиззах вилояти):

— Кечадан буён оромим йўқ. Қандайдир ички туғёнлар сира тинчлик бермаётир. Мазкур туғёнларни бутун

тенгдошларимга қарата айтгим келди: мамлакатимиздаги барқарорликнинг қадрига етинг. Атрофингизга тийракроқ назар ташланг. Афгон фожиаси, Тожикистон мусибатлари бизни ҳушёр торттириши керак. Ислом дини — муқаддас дин. Аммо уни қурол қилиб олганлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолманг. Бегуноҳ тўкилаётган қонлар сизни сергакликка ундасин. Тарихга назар ташланг: қонхўрлик, ваҳшийлик эвазига қурилган давлат кўп вақт яшаганми ҳеч?

Замон барчамиздан фидойиликни талаб қилаяпти. Лоқайдликдан сақланинг, «Менга тегмаса бўлди-да» деган фикрдан йироқ бўлинг. Ўрмонга ўт тушса ҳўлу қуруқ баробар ёнишини ёдингиздан чиқарманг.

Акмал ҚАМБАРОВ (Наманган):

— Кеча кечки пайт муҳтарам Президентимиз телевидение орқали Ўзбекистон халқига қилган мурожаатида биз ёшларга яна катта ишонч билдирдилар. Биз кўп минг сонли ёшлар, талабалар аёло ўқишимиз, Ватанга, юртга фидойилигимиз билан Президентимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Менинг Юртбошимизга дил сўзларим шундай: Сизга тақдирини ишониб топширган халқ ҳар қандай вазиятда Сизни қўллаб-қувватлайди. Ортингизда Сиз учун, Сиз орқали Ўзбекистон келажаги, истиқболи учун жонини фидо қилишга тайёр ёшлар бор. Биз мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини яхши англаймиз. Ҳеч қандай куч бу неъматни биздан тортиб олиш қудратига эга эмас. Кечаги ваҳшийликлардан янада ҳушёр тортидик. Биз Сиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, адолатли жамият қуришимизга ишонамиз.

Салтанат ШОДИЕВА (Сирдарё вилояти):

— Қаранг, қайси давлатда биздагидек ёшларга юксак эътибор, гамхўрлик бор? Талабаларнинг хорижда таҳсил олаётгани, таълим тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқилгани, замонавий касб-ҳунар коллежлари, лицейлар қуришдаги ҳаракатлар ана шу гамхўрликнинг амал-

даги ифодаси эмасми? Хўш, биз ёшлар бу эътибору гам-хўрликка қандай жавоб беришимиз керак? Албатта, ўзимизнинг жаҳон талабларига жавоб берувчи юксак билимимиз, эртага она халқимизнинг кунига ярайдиган иқтидоримиз, билан-да.

Куни кеча бўлиб ўтган воқеалардан ваҳимага тушишга асло ўрин йўқ. Ва тенгдошларимиз буни тўғри тушунган ҳолда ўқишларини давом эттираяптилар. Бизнинг қатъий сўзимиз, фикримиз бор. Ва унга содиқ қолажакмиз: Йўлбошчимиз бизга юксак ишонч билдираётган эканлар, биз ҳам уларга қанот бўламиз, атрофларида янада мустақкам жипслашамиз. Шундагина ҳеч қандай ташқи кучлар бизга хавф сололмайди.

Нигора ЖУМАЕВА (Қашқадарё вилояти):

– Президентимизнинг, биз ёшларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрк-севар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилдилар, деган гапларини эшитиб тўлқинланиб кетдим.

Биз ҳам Юртбошимизни ёлғизлатиб қўймаймиз. Куни кеча у кишига уюштирилган тажовуз бутун ўзбек халқига, Ўзбекистон аҳолисига қаратилган тажовуз деб тушунамиз. Ўзбекистонимизни буюк мамлакатга айлан-тириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни дадил давом эттираверамиз.

*«Халқ сўзи»,
1999 йил 18 февраль*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА
РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИ, ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАРИ
ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ
МУРОЖААТИ**

Азиз ва муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Республика Олий ва ўрта махсус таълим тизими ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва талаба-ўқувчилари 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида халқимизнинг ашаддий душманлари — кўпоровчилар томонидан Сизнинг ҳаётингизга қилинган суиқасд ва халқимизнинг осойишта турмушини бузишга қаратилган мудҳиш ҳодисалар муносабати билан у хоин-фитначиларга нисбатан ўзимизнинг чексиз газаб ва нафратимизни билдирамыз.

Бу мудҳиш воқеа — бизнинг мустақиллигимизни, тинчлигимизни, ислохотлардаги ютуқларимизни, умуман Ўзбекистоннинг келажагини кўролмайдиган ҳасадгўй ва тубан кимсаларнинг иши. Мустақиллик йилларида Сизнинг бевосита раҳбарлигингиз остида республикамиз эришадиган улкан ютуқларга ва халқимизнинг ўз севимли Президенти атрофида жипслашганлигига ҳасад билан қараётган душманларнинг бу кўпоровчилик ҳаракатлари орқасида муайян ёвуз ниятли кучлар турганлиги ҳаммага аёндыр. Уларнинг бу қилмиши фавқулодда оғир жиноят бўлиб, бунинг учун улар ҳақиқат олдида жавоб беришга маҳкумдирлар. Кўпоровчиларнинг мазкур фитнасини биз бутун вужудимиз билан қоралаймиз ва уларни лаънатлаймиз.

Душманлар бу қабиҳ ҳаракатлари билан бизнинг осуда кўнглимизга гулгула солмоқчи, буюк келажагимизга бўлган ишончимизни йўқотмоқчи бўлдилар. Лекин биз ҳар қандай вазиятда ҳам юртимизни, тинчлигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга қодирмыз.

Мустақилликнинг қандай буюк неъмат эканлигини англаб етган ва лаззатини тотган, иймони бут, иродаси мустаҳкам, мақсадлари аниқ ва тутган йўли адолатли халқни ҳеч қандай куч унинг ўзи танлаган йўлдан қайтара олмайди ва енга олмайди.

Сизнинг ҳаётингизга уюштирилган суиқасд бутун халқимизга қарши, Ўзбекистоннинг истиқболига қарши хиёнаткорона тажовуз, деб биламиз. Бу ваҳшиёна фитна мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг иродасини имтиҳондан ўтказди. Унинг кўзини очди. Теварак-атрофда бўлаётган ҳодисаларга янада теран ва онгли муносабатда бўлишга ўргатди. Халқимизнинг ва ёшларнинг ўз Президенти атрофида мустаҳкамроқ жипслашуви, мамлакатимиздаги ислоҳотларни амалга оширишда тобора фаол ҳаракат қилиши, ҳар доим зийрак ва хушёр бўлиши учун катта сабоқ бўлди.

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши, ўқув юртлирини замонавий талаблар даражасида қайта қуриш ишлари бевосита Сизнинг раҳнамолигингиз ва оталарча гамхўрлигингиз туфайли амалга оширилмоқда. Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил қилинган «Устоз» ва «Умид» жамғармалари орқали республикамизнинг кўплаб иқтидорли талабалари ва профессор-ўқитувчилари хорижий мамлакатларнинг нуфузли ўқув юртлирида таълим олишга ва ихтисослик малакаларини оширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз Сизга чин қалбдан ишонамиз, ўз тақдирини Сизга ишониб топширган халқимиз ҳар қандай вазиятда ҳам Сизни қўллаб-қувватлайди, кўкрагини қалқон қилиб Сизни ҳимоя қилади. Ёвуз кучлар ҳеч қачон ўзларининг қора ниятларига эриша олмайдилар.

1999 йил 16 февралда содир бўлган ҳодисалар муносабати билан Сизнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали чиқишингиз, халқимизга ва ёшларга мурожаатингиз ҳамда содир бўлган фитнанинг илдизларини топиш

ва фитначиларни албатта жазолаш ҳақидаги ишонч билан айтган сўзларингиз бизларда, Сиз азиз Президентимизнинг толмас курашчи, шижоатли ва адолатпарвар Йўлбошчи эканлигингизга, жонажон Ватанимизнинг куч-қудратига, танлаган йўлимизнинг собит ва барқарорлигига яна бир бор чуқур ишонч ҳосил этди.

Азиз ва муҳтарам Президентимиз!

Виз — таълим тизими ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ўқувчилар, Сиз олиб бораётган адолатли сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаймиз, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик бундан кейин ҳам барқарор бўлишига ишонамиз, ҳуқуқий-демократик жамият қуришдек хайрли ишларда ҳар доим Йўлбошчимиз бўлишингизни, халқимизнинг бахтига ҳамиша соф-саломат юришингизни чин дилдан иштаймиз.

*Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан
йиғилиш иштирокчилари*

БУЮК БРИТАНИЯДАН МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, юртимиздан узоқда — Буюк Британияда таълим олаётган талабалар ушбу мурожаатномани Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистонимиз халқига етказмоқчимиз.

16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар бизни ҳам бир тарафдан даҳшатга солган бўлса, бошқа тарафдан ғазаблантирди.

Биз, бугун мустақиллигимизнинг деярли саккиз йиллиги арафасида юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилганлигига гувоҳмиз. Афсуски, халқимизнинг бозор иқтисодиётини барпо этиш ва демократлаштириш йўлида эришган ва эришаётган ютуқларига фарз кўзи билан қаровчи ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас.

Биз, чет элда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар шуни чуқур англаймизки, Ватанимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар, давлатчилигимизнинг қайта тикланиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши — ҳаммаси бевосита Сизнинг шахсингиз билан боғлиқдир. Бизни янада ранжитгани тараққиётимиз ва осойишталигимиз душманларининг айнан Ўзбекистоннинг бугунги барқарорлиги ва тинчлиги гарови бўлмиш Сиз, ҳурматли Президентимиз ҳаётига суиқасд қилмоқчи бўлгандир.

Халқ томонидан сайланиб, айна шу халқнинг манфаати йўлида жон куйдираётган Юртбошимиз ҳаётига суиқасд уюштириш — бутун Ўзбекистон халқига душманлик қилишдир. Ишончимиз комилки, бу ёвуз қилмишни содир этган жиноятчилар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилади.

Биз мудҳиш воқеа туфайли қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирамыз. Шу билан бирга Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилиб, уларнинг барчасини Сизнинг атрофингизда жипслашиб, Сизга қанот бўлиб, танлаган йўлимиздан оғишмасликка чақирамыз.

Сизга, ҳурматли Ислон Абдуғаниевич, Ҳақ Таоллодан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва бундан-да буюк ишларни амалга ошириш йўлида куч ва қувват сўраб қоламыз.

*Сардор Умурзоқов,
Лочинбек Саматов,
Шоҳруҳ Шораҳметов,
Зафар Каримов,
Баҳодир Ниёзов*

ТИЗ ЧЎҚТИРИБ БЎЛМАС ЎЗБЕКИСТОННИ

Номардлар қавмига мард кўкси нишон,
Бахиллар ҳамиша сахий пайида.
Зиёдан ажалдай қўрқар зимистон,
Қўрқоқлар курашда билмас қоида.

Майдонга чиқмоққа оёғи титраб,
Ортдан тош отишга ўрганган каслар —
Коридан ажабга тўлма, мағрур қалб,
Не тонг, тубанлигин қилади пастлар.

Кеча юртбошини нишонга олган,
Билки, қасд айламиш менинг жонимга.
Унинг сиймосида ўқ отмоқ бўлган
Менинг гуруримга, эрк, имонимга.

Азалдан султонлар қисмати оғир
Ватани, халқига кўкси қалқондир.
Халқи унга қалқон бўлмаса ахир
Фурур ҳам поймолдир, юрт ҳам пайҳондир.

Мутелик занжирин чил-парчин қилиб
Кўкрагини тоғдай кўтарган Ватан,
Фурурин дунёга байроқдай илиб
Мадад олар буюк Темур руҳидан.

Ватан муқаддасдир,
Ҳурлик муқаддас.
Юртошим, ҳурликка тикканмиз жонни.
Ёвузларнинг чиркин нияти абас,
Тиз чўқтириб бўлмас Ўзбекистонни!

Ҳабиб САЪДУЛЛА

Президентимиз ҳаётига тажовуз қилишганини эшитиб, кўрқиб кетдим. Кечқурун Ислом Каримовнинг айтган гапларини телевизор орқали диққат билан тингладим. Ўзбекистоннинг ҳамма болалари — менинг болаларим, дедилар. Шунда кўнглим тўлиб кетди, кўзларимга ёш келди.

Отам: “Бугунги ҳаёт ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ! Ризқу насибамизни қирқмоқчи бўлганлар қарғишга учрайди!” — дедилар.

Онам: “Қанча одам ўлган, қанча бола етим қолган! Етимларнинг кўз ёши кўр қилади уларни!” — дедилар.

Шунда катта бўлмаганимга ўқиндим. Катта бўлганимда, Алпомишдай ўзим душманларнинг додини берардим!

*Шерзод ОМОНОВ,
Навоий шаҳридаги
17-ўрта мактабнинг 3-б синф ўқувчиси*

ВАТАНИМ — ИЙМОНИМ МЕНИНГ

Ўрта мактабни битиргач, ота-онам «Институтга кириб ўқигин», деб айтишган эди, «Суягим қотсин, ҳарбий хизматга бораман», — дедим. Мана, бугун чегара қўшинларининг аскариман.

Ота-онангнинг қадрини, уйнинг нималигини қишлоқингдан чиққандан сўнг билар экансан. Туғилиб ўсган уйинг — Ватан, Ватанинг — уй бўлиб кўрина бошлар экан. Осмоннинг тиниқлиги, юртнинг осойишталигию ободлиги деган гапларнинг юрагингда томир отаётганини ҳис қила бошлар экансан.

Мен ёш йигитман. Ҳаётнинг паст-баландини, иссиқ-совуғини энди тушунаяпман. Тўғриси айтсам, хизматни битириб, уйимга қайтишимга фалон кун қолди,

деб санаб юрардим. Зобитларнинг айрим топшириқларига, қуролдош дўстларимнинг самимийлигига бепарвороқ қараган пайтларим бўлган.

Лекин... куни кеча Ватанимиз пойтахтида содир бўлган нохуш ҳолатдан хабар топиб, гўёки ўзимни қайта танигандай, ўзимнинг, ота-онамнинг, киндик қоним тўкилган қишлоғимнинг, ВАТАНИМнинг номини қайтадан эслагандай бўлиб кетдим. Ва бу номларни, Мустақиллик деган муборак сўзни, шу жонажон тупроқни, Юртбошимизнинг мўътабар сиймосини шунчаки қўшиққа солиб куйлаш камлик қилишини қайтадан идрок этгандай бўлдим.

Хизматим мамлакатимизнинг жанубий чегараларида ўтмоқда. Биздан бир қадам нарида — нотинч Афғонистон. Бир томони кўшни Тожикистон... Бизга гоҳида ҳавас-у, гоҳида ҳасад билан қараб турган нигоҳлар. Ота-онамнинг, қариндошларимнинг, бутун элнинг биз, Ватан ҳимоячиларига ишончи.

Хавф-хатар бор. Фанимлар — бахил. Аммо ҳақиқат — барқарор. Ишонч мустаҳкам. Чунки... Мен борман. Мен ёлғиз эмасман. Ватанини юраклари ёниб, кўзлари ёниб яхши кўрадиган дўстларим — қуролдошларим бор. Ватанимизни ҳар қандай фитна ва синовлардан омон сақлаб қолишга имкониятимиз бор. Энг муҳими, Юртбошимизнинг «Мен ёшларга ишонаман, уларнинг тиниқ эътиқоди, тоза тафаккурига ишонаман», деган сўзлари бизни шунга даъват этмоқда.

Аслида бу сўзларим ота-онамга битилган мактубимдир. У аскар бўлиб, Ватанга чин фарзанд бўлиб қилган муқаддас қасамёдимнинг давомидир. Қарасамки, дўстларим — сафдошларим ҳам бариси уйларига хат ёзаяпти. Хатларимизнинг мазмуни бир-бирига шунақаям ўхшаб кетганки, гўёки бир киши ёзиб бергандай. Гўёки бир юракдан отилиб чиққандай. Шундай бўлиши ҳам керак. Зеро, биз ҳушёрмиз, ўзаро жипс-мустаҳкаммиз. Ўз уйимиз остонасидан, юрагимизнинг қутлуғ остонаси-

дан бирон бегона нуханинг ҳатлаб ўтишига мутлақо ҳақи йўқ — бунга йўл ҳам қўймаймиз.

Шавкат ЖУМАНАЗАРОВ,

Н - қисм.

Сурхондарё вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен, ёлғиз нафақахўр, биринчи гуруҳ кўзи ожиз ногирон бутун онгим ва шуурим ила Сиз билан биргаман. Оллоҳ Сизга ҳамиша мададкор бўлсин!

Аида МУРАТОВА,

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

16 февраль куни Тошкент шаҳрида содир этилган разил ва қабиҳ ишлардан, биз — Республика “Мусаввир” илмий-ишлаб чиқариш маркази уста ва ҳунармандлари, барча ходимлари қаттиқ газабландик.

Қора ниятли қўпоровчи кучлар элу юртимизни саросимага солиш, барқарор ва осойишта ҳаётни издан чиқаришни умид қилади. Бироқ улар янглишади. Халқимиз ҳеч қачон сотқинларнинг ҳаракатидан қўрқмайди. Аксинча, бир ёқадан бош чиқариб, ҳозирги ғайратли меҳнатимизга ўн ғайрат қўшиб, янада самаралироқ ишлашга ҳаракат қиламиз ҳамда Сизнинг буюк келажак сари танлаган ҳақ ва тўғри йўлингизни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз.

Сизнинг халқ амалий санъати, бадий хунармандлигини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонингиз ҳамда уста ва хунармандларга кўрсатаётган фамхўрлигингизни биз, усталар ҳис этиб турибмиз.

Биз, “Мусаввир” илмий-ишлаб чиқариш марказининг усталари, маъмурий биноларнинг портлаш натижасида ишдан чиққан қисмларини таъмирлашда ганч ва ёғоч ўймакорлиги, миллий нақш ишларини ҳашар йўли билан бажариб, ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин ва йўлингиз беҳатар бўлсин. Биз, усталар ҳамиша Сиз, азиз юртбошимиз билан биргамиз.

*Республика “Мусаввир”
илмий-ишлаб чиқариш маркази
жамоаси номидан
Шохалил ШОЁҚУБОВ,
Бош директор*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Президентимиз!

Биз, Америка Қўшма Штатларидаги Эмори ва Мидлсекс университетларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар Тошкентда содир бўлган портлашлар ҳақида эшитиб, жуда қаттиқ ларзага тушдик. Буни уюштирганлар ким бўлишидан қатъи назар, биз улардан қаттиқ нафратланамиз. Биз, чет элда таълим олаётган талабалар, Сиз амалга ошираётган хайрли ишларга сидқидилдан хайрихоҳмиз ва бу йўлда биз Сиз билан доимо биргамиз.

Ватандан узоқ бўлишимизга қарамасдан, биз Сиз ва бутун Ўзбекистон халқи билан биргамиз. Бизлар ҳам қисқа муддатда янги куч билан Ватанимизга қайтамиз,

Ўзбекистоннинг турмуш даражасини оширишда, уни равнақ топтиришда Сиз билан ҳамнафас бўламиз. Сизга мустақкам соғлиқ тилаймиз.

Эҳтиром билан

*Нозимахоним Тоғжимова,
Маъмуржон Раҳимов,
Нодир Аюпов,
Фаридун Одилов,
Қудрат Нурматов,
Баҳром Умарбеков,
Анвар Хўжаев,
Саъдулло Алихонов,
Асанбой Жумабеков,
Аробиддин Тўрахонов.
(АҚШ)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам юртбошимиз!

Куни кеча Сизга, бутун халқимизнинг раҳнамоси бўлган Президентимизга суиқасд уюштирилганлиги биз, Японияда таълим олаётган Ўзбекистон ёшларини ларзага келтирди. Биз аминмизки, мустақил Ватанимиз равнақи, гуллаб-яшнашини кўра олмайдиган ёт унсурлар, ёвуз кучлар бизни ҳеч қачон мағлуб эта олмаслар. Чунки бизнинг йўлимиз ҳақдир ва биз “умид”чилар ушбу мақсадлар йўлида чет элларда олган билимимизни, тажрибамизни ва керак бўлса жонимизни ҳам беришга тайёرمىз. Халқимизга тинчлик-омонлик ва Сизга узоқ умр тилаймиз.

Ҳурмат билан фарзандларингиз:

*Раъно Шомаҳмудова,
Алишер Раҳимов,
Бехзод Кўчқоров,
Рустам Абдуқодиров,
Ойбек Ҳақимов.
(Япония)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Биз, “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг Корея Республикасининг “Daewoo Public Motors” заводида тажриба ўрганаётган 487 нафар ўзбекистонлик ишчи 16 февралда Тошкент шаҳрида қора ниятли шахслар томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатини эшитиб, қаттиқ ғазабландик.

Сизнинг ҳаётингизга хавф солиш йўлидаги бу уришни биз, бутун Ўзбекистон халқи тақдирига хавф солиш, деб тушунамиз ҳамда халқимизни Сизнинг атрофингизда янада кучлироқ жипслашишга чақирамиз.

Хорижда Она-Ватанга меҳр янада кучлироқ намоён бўлади. Биз ўз билим ва малакамизни ошириб, Она юртимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг шон-шухратини янада кўтарамиз. Ўз меҳнатимиз билан ўзбек ўғлонларининг шарқона хулқ-одобларини сақлаган ҳолда астойдил хизмат қилишга сўз берамиз.

Сизга Яратгандан сиҳат-саломатлик ҳамда узоқ-умр тилаймиз.

*“ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг
“Daewoo Public Motors” заводида
тажриба ўрганаётган ишчилари*

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Халқимизда шундай ибратли мақол бор: «Одамнинг оласи ичида». 16 февраль куни нопок қилмишлари билан Йўлбошчимизнинг ҳаётига таҳдид солган, бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган, норасида гўдакларни зор қақшатган кимсаларни ҳам она туққан. Улар ҳам шу юртнинг сувини ичган, ҳавосидан нафас олган. Лекин...

Биз, оналар бир асрдан зиёд ҳаётимизда жуда кўп машаққат ва қийинчиликларни бошимиздан кечирдик.

Инсон учун киндик қони тўкилган тупроқни озод ва обод кўришдан ортиқ бахт ҳам, саодат ҳам йўқ. Шунинг учун азиз неъмат — Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу юртни ўзига Ватан деб билган ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Рисолат буви ҚУРБОНОВА, (101 ёшда)

Ҳалима буви ВОСИЛОВА, (102 ёшда)

Рўзихон буви ЭМИНОВА, (106 ёшда)

Кўрғонтепа тумани, «Маъмуробод» жамоа хўжалиги

КЎЗИМИЗНИ ОЧАЙЛИК

Пойтахтимизда 16 февралда содир этилган ҳолат виждони, иймони, товфиғи бор ҳар бир инсонни изтиробга келтирди. Хизбут-Таҳрир бўлсин, хизбуллоҳ бўлсин, қайси, қандай оқим бўлсин, улар динсизлар, иймонсизлардир. Улар дин ниқобли, аммо Аллоҳга ишонмайдиган кимсалардир. Аллоҳга ишонган, Аллоҳга иймон келтирган киши бегуноҳ инсонлар ўлимига сабабчи бўладими? Динни ниқоб қилиб олиб, Ислом динидай муқаддас динимизга дунёдаги бошқа халқларнинг нафратини кўзгашига ҳам сабабчи бўлаяпти улар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ўз бандаларига дунёю охиратингни яхши қилгин, деб таълим беради. Шу дуо ҳар бир мўмин-мусулмон руҳига жо, кўнглига ҳамнафас бўлиши керак, азизлар. Аллоҳ берган бу яхши неъматларга бой ҳаётни қадрлашимиз лозим. Мустақил ўзбек диёридаги файз-баракотни, тинчликни, хотиржамликни кўролмаган қандайдир ёт унсурларнинг гапига кириб, мана шундай бир аҳмоқона, қабиҳ ишларни қилган кимсалар Аллоҳнинг ҳам берган неъматига ношукурчилик қилапти.

“Ё Расули Аллоҳ, Аллоҳдан энг керак нимани сўрайлик?” деганларида сарвари олам: “Қалбингга иймон сўра, танангга сиҳат-саломатлик сўра, яшаб турган ҳаётингга тинчлик сўра” деган эканлар. Бу учта буюк

неъмат кимдаки мужассам — бу инсон замонасининг бахтли-саодатли кишисидир. Лекин мана шундай тинчликнинг қадрига етмаган, кўрнамак, ношукурлар динга ҳам, инсониятга ҳам, Ватанга ҳам қабихлик қилаяпти, қабих ниятларни билдиришяпти. Улар Аллоҳга эмас, ўзларининг куфр фикрли ғояларига қул бўлишяпти. Бундай кимсаларнинг аслида кимлигини халққа етказиш, одамларни ёмон йўллардан огоҳлантириш ҳурматли домлаларимизнинг ҳам олдидаги жуда катта вазифа бўлиши керак.

Бу бетовфиқ кимсалар уйма-уй юриб, болаларнинг ўқийдиган жойларига бориб ташвиқот қилиб юришибди. Ахир, ёшларнинг ўзлари келади-ку масжидларимизга. Мана шу масжидларимизда халойиқ жума намозларига йиғилганида бу нобакорларнинг мўмин-мусулмон эмаслигини, улар инсониятга бир балони келтиришини тушунтиришимиз керак элга. Афғонистонда 20 йилдан бери аҳоли қирилиб ётибди. Қўшни Тожикистоннинг фожиалардан боши чиқмаяпти. Ўша қўшни мамлакатлардаги ҳолатлардан кулфат тортиб, бизнинг юртимизга қочиб келиб, азият чекиб, нима бўлаётганлигини гапириб бераётганлар бор. Наҳотки шулар кўзимизни очмаса? Ватанимизнинг, тинчликнинг қадрига етмаган киши мўмин мусулмончилик йўриғидаги одам эмас. Сўфи Оллоёв айтган эканлар:

Киши ўз юртининг
зиддини қувмоқ,
Ўзин қони била
қўлини ювмоқ.

Ўзининг юртига зид иш қилишлик кишининг ўз-ўзига ҳукм чиқаришидир.

Мусулмончилик дегани узун кўйлакмас, узун соқолмас. Мусулмончиликда меҳр-оқибат биринчи ўринда туради. Дунёда Ислом динининг обрўйини баланд қилган энг буюк олимлар қаердан чиққан? Бизданку, биродарлар! Улар жиҳод қилишдан таълим беришдими?

Йўқ, аксинча, жиҳоддан тийилишдан таълим бериб келдилар. Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий исломнинг ҳар бир ҳарфига бир маъно берганлар. “И” — иттифоқлик, “С” — саодат, “Л” — латофат, “О” — оқибат, “М” — муҳаббат. Бизнинг шундай пок динимизни қон тўкишлар, бузғунчиликлар билан қадр-қимматини кетказаётган, аммо ўзларига Аллоҳ номини қўшган, дин номини ниқоб қилган оқимлар, албатта, Яратганнинг қаҳрига учрайди.

Машғум воқеа муносабати билан Юртбошимизнинг куйиниб айтган сўзларидан жудаям қаттиқ таъсирландик. Инсоннинг агар виждони бўлса, инсоф-иймони бўлса, таъсирланмасдан иложи йўқ бу сўзлардан.

Бир домла-имомдан, бизга “Таҳрир”нинг маъносини тушунтириб беринг, десалар: “Мен ундай нарсаларни билмайман” дебди. Нима қилиб домла бўлиб юрибсан, билмасанг? Хизбут-Таҳрирчиларнинг шум ниятини сезмасанг, қаёққа қараб турибсан? Бундайларнинг халқ орасида пичир-пичир қилиб юришлари, бир-бирлари билан қабих маслаҳатларни қилишлари кўпайиб кетаяпти. Бунга нисбатан ҳаммамиз — домла-имомлар, аҳли маҳаллалар, участка инспекторлари, бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб қарши курашмасак бўлмайди. Қандай разил инсонлар улуғ Йўлбошчимизга суиқасд уюштириш ниятини қилишди? Қадимда, бир одил подшо замонида қирда қўй боқиб юрган чўпон дод деб йиғлаб келибди. “Ҳа, нима бўлди?” деб сўрашибди. “Шоҳимиз дунёдан ўтганга ўхшайди” дебди у. “Нимага бундай дейсан, сен қирда юриб?” деб сўрашса: “Ўн йилдан бери қўйларимни бўри емаётган эди. Бугун қўйимни бўри еди, одил шоҳга бир гап бўлганга ўхшайди” деган экан чўпон. Ҳақиқатдан, ўша куни одил шоҳ дунёдан ўтган экан... Бу ривоятнинг мағзини чақиб кўрайлик, азизлар.

Бизни мана шу тинч, осойишта Ўзбекистонимиз, ундаги жамики файз ва барокот улуғ Юртбошимизнинг номи ва саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ. Илоё, умрла-

ри узоқ бўлсин! Аллоҳ тан-жонларини саломат қилсин!
Ўзбек халқининг бахтига узоқ йиллар бор бўлсинлар!

Тўрт мазҳабнинг асосчиларидан бири Имом Аҳмад зиндонда ётганида, худодан нимани сўраяпсиз, деб сўрашибди. Давлатнинг ҳаққига дуо қилиб ётибман, дебдилар имом ҳазратлари. Нима сабабдан, дейишганида: “Давлатки тинч бўлса, юрт осойишта бўлса — халқ тинч бўлади, файз-барака, маъмурчилик бўлади” деб жавоб қилибдилар. Шу боиски, биз Яратган Эгамдан Президентимиз соғ-саломат бўлишини, давлатимизнинг тинчлигини такроф ва такроф сўрайлик.

Тан оламиз, ўзимиздан ҳам кўп айблар ўтди. Масалан, амри маъруф қилиш учун, ақиқа ёки бир маросим ўтказадиган бўлсак, ҳеч жойда ўқимаган, ҳеч бир масжиднинг масъул ходими бўлмаган, фақат бир соқол қўйиб, бир офтоби кийиб олган кимсаларнинг қўлига микрофонни ўйламай тутқазамиз. Улар хаёлига келган гапни гапирди. Биз эса ҳамма гапни бош солиб тинглайверамиз. Аслида, бундай тadbирларимизга назоратдан ўтган, ҳақиқий ислom илмини билган, руҳи ва фикри пок, иймони саломат домлаларни таклиф қилиш, уларнинг сўзини тинглаш жоиздир. Ватак қадрини билмаган ватангадо бўлиб ўтади. Нон шукрини, тўқчилик шукрини, тинчлик шукрини билмаган хор-зор бўлади. Ҳаж зиёрати насиб қилган кунларда хориждаги ватандошларимиз тақдирига гувоҳ бўлиб, қисматларига кўнглимдан ачиниб, ушбу сатрларни қоғозга туширган эдим:

Ўзгаларга хизмат айлаб
Ўзга юрт қилсанг ҳавас,
Жон фидо қилганда ҳам
Ҳеч ўзгалар биздан демас.
Миллату юртинг омондир,
Сенга бордир эътибор.
Шул Ватан қадрига етгил,
Ўзгалар ўғлим демас.
Қаъбани кўрганда Фозил

Йиғлабон қилди дуо:
Ё, илоҳо, юртни тинч қил,
Қил саломат барчани,
Ўзбекистондир — Ватаним,
Ўзгаси даркор эмас.

Ўзимиздаги маъмурчилик, тўқчиликни қадр қилайлик. Дунёга назар солинг: болалар очдан ўлаяпти Африкадаги баъзи давлатларда. Она қараб турибди, лекин боласининг оғзига бирон егулик топиб тутқазолмайди. Чунки ҳеч нарсаси йўқ. Кўз олдида боласи очдан ўлади. Одамзотга бундан ҳам азобли синов борми, биродарлар? Шу онанинг, шу отанинг ҳолатини кўз олдимизга келтирайлик. Аллоҳ бизга шундай диёрни, шундай ўзининг қутлуғ назари тушган заминда яшашни ато этиб қўйибди. Нечук шукр қилиб, қадрига етмаймиз? Дунёга ҳамма томонлама — ҳунар соҳасида, маданият соҳасида, дин-этиқод соҳасида ибратли жиҳатларимиз кўп, ривож топаяпмиз. Буни кўролмаган ганимлар ҳасадланаяпти. Биз соддаликни қўяйлик, ўзимизнинг домлаларимиз етарли. Бошқа жойдан келган, назари эгри кимсаларга эргашманг. Бизни ўзимиздан чиққан домла-имомлар ўша буюк пири алломаларимизнинг этагидан тутган, уларнинг нафасидан кўкарган, инсоний ақида ва таълимотларини ўзларига табаррук деб билган кишилардир. Биз шуларнинг гапига қулоқ тутайлик.

Пири алломаларимиз “Қалбингда — Аллоҳ, қўлинг — меҳнатда бўлсин” деб васият қилиб кетганлар. Модомики шундай экан, ҳар бир юртдошимиз ўзига савол берсин: “Тинчлик учун, фаровонлик учун, юрт ривожини учун ўзим нима иш қилаяпман?” деб. Сендан — ҳаракот, мендан — барокот, деб қўйибди Аллоҳ. Шундай экан, юрт тинчлиги, эл тўқлиги учун биз ҳаракат қилайлик, Аллоҳ барокотини берсин.

Бўлиб ўтган воқеалардан қўрқув, васваса, ваҳималарга тушиш керак эмас. Бу воқеа қайтанга ҳаммамизни огоҳ қилди, бирлашиб, иттифоқ бўлиб, бамаслаҳат иш қилишга даъват этади. Ҳар биримизнинг бола-чақамиз

бор, оилаларимизда фарзандлар вояга етаяпти. Улар кимлар билан ўртоқ бўлаяпти, нима қилиб юрибди? — бу бизни безовта қилиб туриши керак.

Шубҳали оқимларнинг диёримизда ривожланишига йўл қўймайлик. Андишани қўйинг. Ахир, шайтонга сифинган кимсалар орамизда босар-тусарини билмай юрса, биз нимадан андиша қиламиз. Улар шайтоннинг, бир-бирингни ўлдир, бир-бирингни қир, деган ғул-ғула-ларига кириб юришибди. На ислом, на христиан, на буддизм — ҳеч бир дин одамзотни ўлдир, демайди. Бу динсиз нобакорларнинг иши. Одамларни одамларга қайраш — шайтонга хосдир.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: бу халқ 14 аср олдин Ислом динига кириб бўлган. Қон-қонимизга, вужуд-вужудимизга унинг улуғ таълимоти сингган. Бизга ёт жойдан келиб халқимизга мусулмончиликни ўргатадиганлар керак эмас. Кўзимизни очайлик, уларнинг ғаразли ниятларига йўл бермайлик. Аллоҳ таоло ҳаммамизни улуғ мақсадларимизга етказсин.

*Фозил қори ЁСИН ўғли,
республика Дин назорати
бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

БИЗ СИЗГА СУЯНАМИЗ!

Ўша мудҳиш воқеа содир бўлган куни эрталаб телевидение орқали Президентимизнинг Амир Темур орденни учун берилган мукофот пули, китоблари қалам ҳақини меҳрибонлик уйига ўтказгани, ногирон болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига совғасалом юборганлари, инъом олган болалар қувончи ҳақида ҳикоя қилган лавҳани кўриб, руҳланиб уйдан чиқдим. Қудратли, элпарвар раҳнамонинг қалби ҳасад ўти билан зимистон ғанимлари бўлиши турган гап. Ўзбекистоннинг қудрати кундан-кунга ошиб бораётганлиги уларга азоб беради.

Ойнаи жаҳон орқали воқеага Йўлбошчимиз билдирган муносабат, огоҳликка ундовчи оғриқли сўзлар барча аёлларни, жумладан, мени ҳам қаттиқ сергаклантирди. Суиқасд қилишга уринган манфур кимсаларга нисбатан қалбимиз чексиз нафратга тўлди. Мен бир гапни айтишни истардим: Тўмарис, Нодирабегим, Қурбонжон додҳо авлодидан бўлган ўзбек аёли, керак бўлса, Юртбошисини, юртининг тинчлигини, фарзандларини ҳимоя қила олади. Буни ганимлар билиб қўйсин. Озодлик учун жон фидо этишга ҳам тайёрмиз!

*Сайёра ЗОИРОВА,
“Нафосат” хотин-қизлар газетаси муҳаррири,
Қашқадарё вилояти.*

ЯКДИЛЛИГИМИЗГА ҲЕЧ КИМ РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ!

Муҳтарам ва азиз Ислом Абдуғаниевич!

Ёвуз кучлар қадрли Президентимизга, демак, Озодликка, мустақил Ўзбекистонимиз келажагига суиқасд қилишга уриндилар. Шу ташвишли дамларда бутун дунё халқлари Ўзбекистон Президенти мард ва иродаси бақувват шахс эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар. Шундай Йўлбошчимиз билан биз — ёшлар ҳақли равишда фахрланамиз ва ғурурланамиз.

Ўзбекистондан йироқда бўлсак-да, қалбимиз, фикру-хаёлимиз доимо Она-Ватанда, Президентимиз ва она халқимиз билан ҳамиша якдилмиз.

Сизнинг “Баркамол авлод орзуси” китобингизни мутолаа қилиб чиқдик. Ўн йилдан зиёд вақт мобайнида ёш авлоднинг таълим-тарбиясига оид қилган ишларингиз, бугунги кунда рўёбга чиқаётган орзу-ҳавасларингиз бизни қаттиқ тўлқинлантирди. Асарингиз биз ёшлар учун дастуриламал. Унга амал қилиш, Сиз орзу қилган баркамол авлод бўлиб етишиш бирдан-бир мақсадимиздир.

Мустақиллигимиз шарофати, Сизнинг гамжўрлигингиз туфайли Туркия университетларида таълим олмоқдамиз, ҳадемай Она юртимизга қайтиб борамиз, Ватанимиз равнақи ва унинг буюк келажаги учун фидокорона хизмат қиламиз. Фарзандларингиз сифатида Сизни ишонтириб айтамызки, ҳар доим, ҳар қандай вазиятда Она-Ватанга, Сизга содиқ қоламиз. Ҳеч ким бизнинг яқдиллигимизга даҳл қила олмайди!

Чексиз эҳтиром билан

*Туркия Жумҳурияти
университетларида таҳсил олаётган
ўзбекистонлик талабалар.
1999 йил 20 февраль, Анқара.*

“МЕН ҲАМ ҚИЗИНГИЗМАН”

Пойтахтимизда рўй берган кўпуровчилик ҳаракатлари оиламиз аъзоларини қаттиқ ҳаяжонга солди. Биз халқимиз ва давлатимиз душманларига лаънатлар айтамыз.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис биносидаги йиғилиш олдида сўзлаган таъсирчан нутқлари мени тўлқинлантириб юборди. Айниқса, у кишининг мамлакатимиз ёшлари ҳақида билдирган фикрларини эшитиб: “Мен ҳам Сизнинг қизингизман. Мен ҳеч қачон мустақил Ватанимизни ёт кимсалар кўлига топшириб қўймайман. Шу келажаги буюк Ватан учун ўз меҳнатимни, керак бўлса, жонимни ҳам аямайман”, — дегим келди.

Ишонаманки, бошқа кўп-кўп тенгдошларим кўнглидан ҳам шу фикр кечган. Биз — ёшлар Президентимиз олиб бораётган истиқлол сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Юрт душманларига қарши ҳар қандай курашга тайёрмиз.

*Гулбаҳор Холмурот қизи ИХТИХАТОВА,
Нукус шаҳри, Ж. Сеитов кўчаси, 8”а” уй*

НОПОКЛАРНИ ХАЛҚНИНГ ҚАРҒИШИ УРСИН!

Пойтахтимизда 16 февраль куни рўй берган қўпоровчилик ҳаракатларини оиламиз билан қаттиқ қоралаймиз. Шундай ваҳший одамлар халқнинг қарғишига қолсин! Уларнинг жазосини Аллоҳнинг ўзи берсин!

Улар бу қилмишлари билан халқимизнинг келажакка, истиқлолни мустақамлашга бўлган ишонч-интилишларини йўқота олмайдилар. Аксинча, бундан буён ҳар биримиз миллий ғоя атрофида янада мустақамроқ жипслашамиз.

*Исмоил. ТУРСУНОВ, Қўқон шаҳри,
Хўқандий мавзеси, 111-уй, 29-хонадон*

ҚОДИР ЭГАМ, ТУРКИСТОННИ АСРАГИЛ!

Тунда туриб, юлдузларга боқдим мен,
Юлдуз тўла дарё каби қалқдим мен.
Арш аркини нидо бўлиб ёқдим мен:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Кимдир сендан беҳисоб ганж сўрайди,
“Гуноҳларим кеч”, деб юпанч сўрайди.
Фанимига кулфату, ранж сўрайди,
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Кимдир етти пучмоқ аро бемакон,
Юрагида Ўшу, Ўзган, Андижон.
Нола қилар, кўзларидан оққан қон:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Бу оламдин ким топибди ҳаловат,
Лек Ватанда яшаб ўлмоқ саодат.
Қуш, қумурсқа, тоғлар қилар ибодат:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Хур-хур эсган шамолларинг сўрайди,
Тўлин ойу ҳилолларинг сўрайди.
Камгап, камқон аёлларинг сўрайди:

— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Бешикдаги гўдакларинг сўрайди,
Энди унган чечакларинг сўрайди.
Аллалару, эртакларинг сўрайди:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!
Ватан, сендан ўзга айтар сўзим йўқ,
Зарим, зўрим, балки нурли кўзим йўқ!
Сен омон бўл, йўқса менда тўзим йўқ:
— Қодир эгам, Туркистонни асрагил!

Шарифа САЛИМОВА

ИСТИҚЛОЛ БИЗ УЧУН ҲАЁТ-МАМОТ

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Экстремистларнинг бу ғаразли хуружи қалбларимизни ларзага солди. Бу — йил сайин кучайиб бораётганимизни кўролмаётган бир гуруҳ нопок, қора ниятли кимсаларнинг иши. Бошимизда Сиз борсиз, орқангизда бутун Ўзбекистон халқи турибди. Юракдан куюниб айтган гапларингизни телевидение орқали кўриб-тинглаб, ўзимизни янада Сизга суяниб қолгандек, атрофингизга кўпроқ жипслашгандек сездик. Сизга янада кўпроқ мадақкор бўлиш истаги, менимча, ҳар бир виждонли ўзбекистонлик қалбида жўш урди.

*Комилжон МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани*

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

Пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеалар нафақат матбаа корхонамиз ишчи-хизматчиларини, балки Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги барча инсонларнинг ғазабини келтирди. Бу қўпоровчилик ҳаракатлари

озод ва фаровон юртимизни, унинг порлоқ келажагини кўролмайдиган, нопок, қабиҳ ниятли нонкўр ғаламисларнинг ишидир.

16 февраль куни мамлакатимиз пойтахтида содир этилган нохушликлар мустақиллигимизга, иқтисодий тараққиётимизга, порлоқ келажагимизга қарши қаратилган энг тубан тажовуз, деб баҳоладилар.

Зеро, бу жирканч ҳаракатлар республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни кўролмайдиганларнинг ишидир.

Душманларимиз билиб қўйишсин. Биз Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонимиз танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Биз, матбаа ходимлари Йўлбошчимизнинг бу борадаги дадил фаолиятини қизгин қўллаб-қувватлайверамиз.

*Тоҳир ҲАМИДОВ,
Ижарадаги Тошкент
матбаа комбинати ишчиси*

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК, ОДАМЛАР!

— Президентимизнинг “Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз!”, деган сўзларини мен биз педагоглар учун гапирилган деб қабул қилдим. Бу бизларга янада катта масъулият юклаб, келгусида ҳаёт дастуримиз бўлиб қолиши керак.

Республикамыз Президенти Ислом Каримовнинг бундан икки йил аввал чоп этилган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарларининг кириш қисмида: “Огоҳ бўлинг, одамлар!” деган даъватлари ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. “Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг”, деган

сўзлари ўша фожиали кунни гўёки сезиб башорат қилингандай бўлди.

Ушбу қўпоровчилик ҳаракатларининг замирида разил ниятлар ётибди. Демак, ёшларимизга бўлган этиборнинг кучайтирилганлигини ғаразли кучлар кўра олишолмаяпти. Ҳалол ва тўғри йўлимизга бор куч-имкониятлари билан ҳалақит беришга уринмоқдалар. Бизларнинг ғаразгўй, ёвуз ниятли қўпоровчиларга қарата айтадиган гапимиз шуки, баркамол, маънавияти юксак, эркин фикрловчи, Ватанни жон-дилидан севувчи авлодни етиштиришга бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

*Собиржон ҲОЖИЕВ,
Хорижий тиллар академик
лицейи тарих ўқитувчиси*

* * *

16 февралдаги қабих ишлар юртдошларимиз қалбида титроқ, ҳаяжон ҳисларини уйғотибгина қолмай, балки улар ўз юрти, Президенти атрофига, миллатига янада жипслашиши, керак бўлса уни бошқа ёмон кўзлардан асраб-авайлаб, жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканликлари зарурлигини кўрсатди. Мен бу ваҳшиёна ҳаракат нафақат Президентимиз, балки, давлатимиз келажигига, унинг фарзандларига, буюк халқига қаратилган деб тушунаман. Бўлиб ўтган мудҳиш воқеа барчамизни чуқур қайғуга солди. Энг асосийси бахтимизга Президентимиз омон қолдилар. Уларни Аллоҳ ўз паноҳида асради ва бундан кейин ҳам Яратганнинг ўзи асрасин.

*Анора ҲАМРОАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
12- поликлиника шифокори*

МУНДАРИЖА

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН

БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ	3
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидан	8
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Тошкент шаҳридаги фожиали ҳодисалар муносабати билан Мотам кунни эълон қилиш тўғрисида"	10
Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — мустақил бўл!	11
Энг катта орзуим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!	19
Миннатдорлик	22

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

"Февраль воқеалари": У кимларга керак бўлди? Ижрочилари кимлар? Ташкилотчилари-чи?	23
ДУНЁ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМДАРД	37
БИЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ	89

ФЕВРАЛЬСКИЕ СОБЫТИЯ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"
700129, Ташкент, Навои, 30.

Тупловчилар:

С. ОСТОНОВ, Ж. РАЗЗОҚОВ, Р. ШОҒУЛОМОВ

Муҳаррирлар: *М. Саъдуллаев, К. Бўронов*

Рассом: *О. Соибназаров*

Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳилар *С. Тоҳирова, Н. Умарова*

Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

Теришга берилди 28.02.99. Босишга рухсат этилди 1.03.99.
Қоғоз формати 60×90^{1/16}. Офсет босма усулида босилди. Шартли
босма т. 10,0. Нашр т. 4,66. Тиражи 40000. Буюртма № К-919.
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 33-99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги
Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

"Февраль воқеалари" // Тўпловчилар: С. Остонов, Ж. Раззоқов, Р. Шоғулумов /.—Т.: "Ўзбекистон", 1999.—160 б.

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этилди. Бу воқеа нафақат республикаимиз халқи, балки бутун дунё жамоатчилигининг ғазабини кўзғатди. Минг-минглаб кишилар бехосдан юз берган фожиага ўз муносабатларини билдирдилар, унинг қабих ниятли ижрочиларини қатъий қораладилар. Ушбу китоб тинчликсевар халқимизни ларзага келтирган ана шу воқеага бағишланган.

Китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримовнинг "февраль воқеалари" муносабати билан билдирган фикрлари, интервьюлари, мусибатли дамларда Ўзбекистон билан ҳамдард бўлган хорижий давлатлар бошлиқлари, жамоат ва давлат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва йирик бизнесменларнинг мактуб ва телеграммалари кенг ўрин олган.

Бундан ташқари, китобда республикаимиз фуқаролари, таниқли ёзувчи ва шoirлар, санъаткорлар, жамоат ва сиёсий ташкилотларнинг вакиллари, мураббийлар, фахрийлар ва ёшларнинг фикрлари ўз аксини топган. Шунингдек, китобда "Февраль воқеалари: у кимларга керак бўлди? Ижрочилари кимлар? Ташкилотчилари-чи?" каби саволлар устида фикр юритилади.

ББК 66.3(5У)